Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil,
10-noyabr,
seshanba
№134-139
(5359)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Барчамиз яхши тушунамизки, Янги Ўзбекистон – аввало, инсон ҳаёти, унинг саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қиммати қонун асосида ишончли ҳимоя қилинадиган давлат дегани.
Шу боис ўз сафларида саккиз миллионга яқин аъзони бирлаштирган касаба уюшмаларининг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш, адолат ва тенглик тамойилларини таъминлаш борасидаги бир асрдан зиёд тажриба мактаби мамлакатимизда янги жамият, янги давлат барпо этишда биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

КУЧЛИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ –

ушбу хайрли ташаббус ҳар бир меҳнат жамоаси, ҳар бир



2026 йил 6 ноябрь куни Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» маданият саройида 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига бағишланган «Янги Ўзбекистон – Янги касаба уюшмалари» шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчларидан бири ҳисобланган «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ишчи-ходимлари, меҳнат фахрийлари ҳамда соҳа фаоллари иштирок этган ушбу анжуман мамлакатимизда инсон қадри ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими мутлақо янги босқичга кўтарилганининг яққол ифодаси бўлди.

Байрам тадбири бошланишидан олдин маданият саройи фойесида комбинат тасарруфидаги барча ташкилот-корхоналарнинг сўнгги йилларда эришган ютуқларини, ишчи-хизматчиларнинг касбий маҳорати ва инновацион ғояларини, ишлаб чиқаришда эришган ютуқларини акс эттирувчи махсус кўргазма ташкил этилди.

Тадбир давлат мадҳиясининг тантанавор садолари остида очилди. Шундан сўнг анжуманнинг фахрий меҳмонлари президиумдан жой олдилар. Улар орасида Ўзбекистон касаба уюшмалари чилигимиз қаерда бўлардик? Ал-Федерацияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқов, «Олмалиқ КМК» АЖ Бошқаруви раиси, Сенат аъзоси Абдулла Хурсанов, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ва бошқалар бор эди.

Тантанали маросимни «Олмалиқ КМК» АЖ ходимлари касаба уюшмаси раиси Абдурашид Ҳайдаров очиб берди. Йиғилганларни қутлуғ сана билан табриклади.

– Бизнинг энг катта бойлигимиз – инсон, энг катта кучимиз эса бирдамлик ва ҳамжиҳатликдир, – деди у ўз нутқида.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқов Янги Ўзбекистонда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Инсон қадри учун» деган халқпарвар ғоя асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўз юритди. Шу аснода бундан ўн йил олдинги давр билан бугунги кунни солиштириб, илгари тизимли муаммо бўлган мажбурий меҳнат, болалар меҳнати, пахта теримига мажбуран жалб этиш, нақд пул танқислиги ва валюта конвертацияси билан боғлиқ оғир муаммолар бутунлай тарихда қолганини яна бир бор эслатиб ўтди.

Ҳа, бу гапларнинг ҳаммаси рост. Ахир, бундан атиги ўн йил аввал худди шу лаҳзаларда кўпбатта, пахта далаларида «оқ олтин»ни нест-нобуд териб олиш учун эгат оралардик. Ёки айтайлик, ҳалол пешона теримиз билан ишлаб топган ойлик маошимизни 10-20 фоиз зарарига нақдлаштирар эдик.

Яна бир аччиқ ҳақиқат. «Прописка» деган бало кўпчиликнинг оёғига тушов бўлганди. Хўш, бу кунларни ким унута олади?

Бир ўйлаб кўринг, ўша йиллари яқин қўшниларимиз – Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон билан муносабатларимиз қай даражада эди? Бугун-чи? Бутун дунё Марказий Осиёни якдил, ҳамжиҳат ва ягона оила сифатида тан олмоқда. Бу ўзгаришларнинг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати, қатъий иродаси ва саъй-ҳаракатлари натижасидир.

> *Ушбу анжуман мамлакатимизда инсон қадри ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими мутлақо янги босқичга кўтарилганининг яққол ифодаси бўлди.*

Ҳеч шубҳа йўққи, эришилаётган оламшумул ютуқларда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг аҳил ва фидойи меҳнат жамоасининг муносиб ҳиссаси бор. Мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ушбу йирик мажмуа – юртимиз иқтисодий тараққиёти, саноат салоҳияти ва экспорт имкониятларининг энг муҳим таянчларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари ўтган йиллар мобайнида комбинатга беш марта ташриф буюриб, унинг фаолияти билан шахсан танишгани бежиз эмас. Айниқса, жорий йилнинг 16 март куни комбинат тарихида ўчмас из қолдирган 3-мис бойитиш фабрикасининг биринчи босқичи ишга туширилиши маросимида Президентимизнинг шахсан иштирок этгани Олмалиқ аҳли учун унутилмас ва тарихий воқеа бўлди.





Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

КУЧЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

ходим ва унинг оиласи учун манфаатли бўлмоқда

Табиийки, бундай улкан ишлар ва салмоқли натижалар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Уларнинг ортида минглаб инсонларнинг машаққатли меҳнати, йиллар давомида орттирган ҳаётий тажрибаси, илму заковати, касб маҳорати ва садоқати мужассам. Гарчи комбинатда ишлаётган кончи, металлург, машинист, муҳандис, қурувчи ёки энергетикнинг бажарадиган вазифаси турлича бўлса-да, ягона ва улуғ бир мақсад атрофида бирлашиб, Янги Ўзбекистонни бунёд этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

«Олмалиқ КМК» АЖнинг энг катта бойлиги унинг фидойи раҳбари Абдулла Хурсанов ва у бошқараётган аҳил жамоадир. Шу билан бирга, бугунги зафарларга бутун умрини соҳа равнақига бағишлаган Александр Фармонов, ҳаётининг 30 йилдан ортиғини шу қутлуғ даргоҳда ўтказган Собир Пўлатов ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони Сайдали Раҳмоновларнинг ҳалол меҳнати ва бой тажрибалари мустаҳкам пойдевор яратган.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Аслида инсон меҳнатининг қадри фақатгина иш кўрсаткичлари ёки унга бериладиган маош ҳажми билан ўлчанмайди. Ходимнинг иш жойидаги хавфсизлиги таъминланиши, қонуний ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, оилавий шароити, ижтимоий эҳтиёжлари доимий равишда давлат ва жамият эътиборида бўлиши инсон қадрини улуғлашнинг бош мезонидир. Энг муҳими, ёнида муаммосини эшитадиган ва ҳал этишга ёрдам берадиган таянчи борлигини ҳис қилиши лозим.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бу борада ҳавас қилса арзигулик тажриба шаклланган. Раҳбарият ва касаба уюшмаси ўртасида йўлга қўйилган ўзаро манфаатли ижтимоий шериклик тизими амалий натижа бермоқда.

Айни пайтда комбинатда 38 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолият юритаётган бўлиб, улар 46 мингдан ортиқ меҳнаткашни ўз сафига бирлаштирган. Ишчиларнинг касаба уюшмасига аъзолик даражаси 99,6 фоизга етгани эса ташкилотга бўлган ишонч нақадар юксак ва мустаҳкам эканидан далолат беради.

Албатта, бу жуда юксак натижа. Айни чоғда, ишонч деган туйғунинг ҳам ўз масъулияти ва юки бор. Ишончни қозониш қанчалик муҳим бўлса, уни оқлаш ундан-да масъулиятлироқдир. Касаба уюшмасининг асл вазифаси ўша ишончни амалий ишлар билан оқлашдан иборатдир.

Комбинат раҳбарияти ва касаба уюшмаси ўртасида қарор топган ҳамкорлик, айниқса, жамоа шартномаси асосида ходимлар учун яратилаётган қўшимча меҳнат шароитлари ва ижтимоий кафолатлар кўлами кишини лол қолдиради. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, биргина 2025







йилнинг ўзида жамоа шартномасида белгиланган имтиёз ва кафолатларни амалга ошириш учун сарфланган маблағ ҳар бир ходим ҳисобига ўртача 19,2 миллион сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич комбинатда меҳнаткашлар манфаатига нечоғлик катта эътибор қаратилаётганининг яққол исботидир.

Яна бир эътиборга молик жиҳат. 2026-2028 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасига ишчилар манфаатини ҳар томонлама кўзлаган 90 дан ортиқ жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Касаба уюшмаси ва комбинат раҳбарияти бу борадаги ҳамкорликни замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бормоқда. Келгусида ҳам ишчи-ходимлар билан елкама-елка туриб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш йўлида бор куч ва имкониятлар тўлиқ сафарбар этилади. Бундай самарали ижтимоий ҳамкорлик ва меҳнат жамоасининг аҳиллиги комбинатнинг янги-янги юксак марраларни забт этиши учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

> *Ишончни қозониш қанчалик муҳим бўлса, уни оқлаш ундан-да масъулиятлироқдир. Касаба уюшмасининг асл вазифаси ўша ишончни амалий ишлар билан оқлашдан иборатдир.*

Энг муҳими, бутун жамоанинг олий мақсади муштарак – у ҳам бўлса, юрт равнақи, оила фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш ва фарзандлар учун муносиб келажак яратишдан иборат.

ИЛҒОРЛАР ВА ФАОЛЛАРГА ЭҲТИРОМ

Тадбирнинг ҳаяжонли ва фахрли лаҳзалари тақдирлаш маросими бўлди. Ўз иши ва меҳнати билан ҳурмат қозонган фидойилар алоҳида эътироф этилди. Хусусан, «Олмалиқ КМК» АЖ Бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, комбинатнинг илғор ходимларига Федерация томонидан таъсис этилган «Эҳтиром» нишони ва фахрий ёрлиқлар, бундан ташқари, бир гуруҳ касаба уюшмаси фаолларига «Кончилик шуҳрати» кўкрак нишони топширилди.

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ташкил этилган тантананинг бадиий қисми иштирокчиларга ҳақиқий байрам кайфияти ва унутилмас лаҳзаларни туҳфа этди. Саҳнада дастлаб «Камалак» драма театр жамоасининг касаба уюшмалари тарихини ўзида акс эттирган чиқиши намойиш этилди. Шундан сўнг «Тарона» вокал гуруҳи ҳамда «Металлург» маданият саройи болалар бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижросидаги «Касаба уюшмам» номли гўзал рақс барчада катта таассурот қолдирди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров ижросидаги қўшиқлар залдагиларни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Тадбир «Металлург» маданият саройи хонандалари томонидан ижро этилган, қалбларга чексиз ғурур ва ифтихор бағишловчи Касаба уюшмалари мадҳиясининг улуғвор садолари остида якунланди.

Ушбу қутлуғ айём Олмалиқ кончилари ва металлургларининг аҳиллигини яна бир бор исботлаб, Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш ҳамда ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги бирдамликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
Қувонч ТЎРАЕВ (фото),
«ISHONCH» мухбирлари

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЗАМИНИДА ТАРИХИЙ БУРИЛИШ



Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши раиси

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасини ҳар бир ҳудуд ҳаётида яққол кўриш мумкин. Давлатимиз раҳбари Жанубий Кореяга давлат ташрифидан сўнг тўғридан-тўғри Қорақалпоғистонга йўл олгани эса бу заминга, унинг меҳнаткаш халқига бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ифодасидир.



Ҳудуддаги кенг кўламли ўзгаришлар, йирик инвестициялар ва янги ишлаб чиқариш қувватлари тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди: сўнгги йилларда ҳудудга киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 7,1 миллион доллардан 472,7 миллион долларга, яъни 66,6 баробарга ошди. Ушбу натижаларнинг ўзиёқ мамлакатимизда очиқлик сиёсати амалга оширилаётгани, инвесторлар учун имкониятлар яратилаётгани ва ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятига ишонч ортиб бораётганининг далилидир.

Аввалларі Мустақиллик байрами арафасида 2-3 та объект очилишига катта воқеа сифатида қаралган бўлса, бу йил Президентимиз томонидан 167 та янги объектга старт берилди. Биз – нуронийлар, оқсоқоллар ва фаоллар бир неча кун давомида Қорақалпоғистонда ҳам янги корхона ва иншоотлар очилганига гувоҳ бўлдик. Бу ислоҳотларнинг амалий натижаси, халқ бунёдкорлик салоҳиятининг намоёнидир.

Давлатимиз раҳбарининг Корея компанияларини Қорақалпоғистонда сунъий интеллект хабини ташкил этишга таклиф қилиши ҳамда хорижий сармоядорлар учун янги имкониятлар яратиш билан боғлиқ ташаббуслари ҳудуднинг келажагига хизмат қилади. Бу замонавий иш ўринлари кўпайиши, аҳоли даромадлари ошиши ва ёшлар учун янги истиқболлар демакдир.

Энг муҳими, одамларимизнинг, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ўзгармоқда. Улар замонавий билим, илғор технологиялар ва янги касбларни эгаллашга киришган. Яратилаётган шароитлар бу интилишларни амалий натижага айлантиришга хизмат қиляпти.

Қорақалпоғистондаги янгиланишлар оддий бунёдкорлик ишлари билан чекланмайди. Улар иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, аҳоли турмуш сифатини ошириш, ижтимоий адолат ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлашга қаратилган тизимли ислоҳотлардир.

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи доирасида умумий қиймати 592 миллион доллар бўлган 11 та йирик лойиҳа ишга туширилиб, 7 миллиард долларлик 47 та янги лойиҳа қурилишига старт берилди. Ушбу ташаббуслар ҳисобига 8 мингта иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Келгуси йилда ҳудудга 5 миллиард доллар инвестиция жалб этиш вазифаси ҳам белгиланди.

Қорақалпоғистон рақамли иқтисодиёт ва энергетика барқарорлиги сари дадил қадам ташламоқда. Тахиатош туманида 150 миллион долларлик интеллектуал дата-марказнинг биринчи босқичи ишга туширилди. Қораўзак туманида умумий қуввати 300 мегаватт бўлган иккита шамол электр станцияси ҳамда 100 мегаваттли энергия сақлаш тизими фойдаланишга топширилди.

Сунъий интеллект ва дата-марказлар учун махсус зонада умумий қиймати 8 миллиард доллар бўлган олтита лойиҳани амалга ошириш, уч йилда Қўнғирот, Нукус, Қораўзак ва Тахиатошда 1,5 мингта юқори даромадли иш ўрни яратиш, булутли технологиялар ва сунъий интеллект экспортини йилига 600 миллион долларга етказиш вазифалари белгиланди. Бу ташаббуслар ҳудуднинг нафақат саноатлашган, балки юқори технологияли рақамли хабга айланиши учун мустаҳкам замин яратади.

Қорақалпоғистон аҳолиси учун чорвачилик ва ердан самарали фойдаланиш муҳим даромад манбаидир. Шу боис 1-2 минг бош чорвага мўлжалланган йирик комплекслар учун кредит миқдорини 50 миллиард сўмгача ошириш таклифи маъқулланди. Бўзатов туманида 7,5 минг гектар майдонни озуқа экинларига мослаштириш учун 100 миллиард сўм ажратилмоқда. Ем-хашак экинлари майдонларига субсидия бериш ва наслли буқалар харидини қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди.

Боғдорчиликда шўрга чидамли олхўри ва кечки ўрик плантацияларини 30 минг гектарда барпо этиш бўйича уч йиллик дастур амалга оширилади. Шу йилнинг ўзида 10 минг гектарда иш бошланиши, 20 минг кишининг бандлиги таъминланиши ва уч йилда мева экспортини камида 500 миллион долларга етказилиши режалаштирилган. Нукус туманида 2027 йил баҳоридан 10 минг гектар майдонда қовун етиштириш, уни қайта ишлаш ва экспорт қилишга ихтисослашган йирик холдинг ташкил этиш кўзда тутилган.

Қорақалпоғистонда иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери бўлган бизнес субъектлари учун аниқ механизмлар белгилаб берилди. Оилавий тадбиркорлик кредитлари бўйича фоиз ставкасини 17,5 фоиздан 12 фоизга тушириш, интизомли тадбиркорлар учун 300 миллиард сўмлик кредит линияси очиш режалаштирилган. Ҳар бир туманда иккитадан драйвер лойиҳа ишга туширилиб, 10 минг аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш учун 100 миллиард сўм йўналтирилади. Келгуси йилда эса ушбу лойиҳаларга 100 миллион доллар ажратилиб, камида 50 минг фуқарони даромад манбаи билан таъминлаш кўзда тутилган. Янги хусусий боғчалар ташкил этишни истаган тадбиркорларга 15 йил муддатга, беш йиллик имтиёзли давр билан йиллик 7 фоизли кредитлар бериш ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилади.

Транспорт, уй-жой ва тиббиёт соҳаларидаги лойиҳаларнинг бари аҳоли турмушини яхшилашга қаратилган. Мискин – Нукус темир йўлининг 196 километрини электрлаштириш натижасида Тошкент – Нукус йўналишида



қатнов вақтини 16 соатдан 7 соатгача қисқартириш режалаштирилган. Нукусда 30 минг аҳолига мўлжалланган замонавий тураржой массиви барпо этилади, соғлиқни сақлаш тизимида ягона тиббий кластер шакллантирилади. 2027 йил 1 январдан Бўзатов ва Тахтакўпир туманларида ишлайдиган шифокорларга 200 фоизгача устама тўланади.

Аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, экологик муаммолар шароитида меҳнаткашлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва муносиб меҳнат шароитларини яратишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муҳим ўрин тутади. Касаба уюшмалари давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг таянч институтларидан биридир.

Қорақалпоғистонда бу вазифалар, айниқса, Оролбўйи минтақасидаги экологик муаммоларни юмшатиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. «Иқлим ўзгаришлари ва Орол муаммоси: касаба уюшмаларининг муносиб меҳнат ва жамоат саломатлигини таъминлашдаги роли» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Хорижий экспертлар Оролнинг қуриган тубида яшил ҳудудлар барпо этиш ва маҳаллий аҳолини муҳофаза қилиш ишларига юксак баҳо бердилар.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Бўзатов туманида замонавий санаторий мажмуаси барпо этилди. Оролбўйи аҳолиси учун бебаҳо туҳфа бўлган ушбу сиҳатгоҳда саломатлигини тиклаётган юртдошларимиз учун барча қулайликлар яратилган, замонавий тиббий хизматлар йўлга қўйилган. Бу эса инсон саломатлиги ва фаровонлигига қаратилаётган юксак эътибор ҳамда ижтимоий ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Шунингдек, «Аёллар дафтари» доирасида Қорақалпоғистонда 308 мингдан зиёд хотин-қизнинг муаммоларини ҳал этишга 356 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлангани аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий кўмак кўламини намоён этади.

Бугунги Қорақалпоғистон яшил энергетика ва замонавий саноатдан тортиб, қишлоқ хўжалиги, рақамли технологиялар ва ижтимоий инфратузилмагача бўлган кенг қамровли янгиланишлар майдонидир. Бу жараёнда касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш ва давлат ҳамда жамият ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Белгиланган ҳар бир вазифанинг бош мезони халқ фаровонлиги, инсон қадри ва ҳудуднинг барқарор ривожланишидир. Қорақалпоғистон касаба уюшмалари бундан буён ҳам эл ҳаётини яхшилашга, меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эзгу ташаббусларни қўллаб-қувватлашга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб бораверади.





Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

МЕҲНАТ МАНФААТДОРЛИГИ ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ

Янги Ўзбекистонда инсон манфаатлари, айниқса, фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев касаба уюшмалари фаоллари ҳамда фахрийлари билан ўтказган учрашувида белгилаб берган вазифа ҳамда топшириқлар барча даражадаги ташкилотлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Шу асосда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтган даврда кенг кўламли, тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Федерация раҳбарияти бошчилигида меҳнатга оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳасини тайёрлаш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва ходимлар хавфсизлигини суғурталаш бўйича асосли таклифлар билдирилди.



Меҳнат инспекцияси ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Фуқаролардан келиб тушган 336 та мурожаат бевосита жойларга чиқилган ҳолда ўрганилиб, 95 та ҳолатда ходимларнинг бузилган ҳуқуқлари бевосита иш берувчиларга кўрсатмалар киритиш орқали тикланди. 63 та мурожаат бўйича эса судларга даъво аризалари киритилиб, суд қарорларига асосан ходимлар фойдасига жами 651 миллион сўм ундириб берилди. Жамоа-шартномавий муносабатлар ва ҳуқуқий экспертиза йўналишида тизимдаги тегишли комиссиялар томонидан 3 461 та жамоа шартномаси лойиҳаси ҳамда вазирлик ва идоралар билан тузилган 33 та тармоқ жамоа келишувлари имзоланишидан олдин чуқур ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Бунда янги Меҳнат кодекси ҳамда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун талабларига риоя этилиши, ходимлар учун қўшимча имтиёзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий кафолатларни кенгайтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилди.

Ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш тармоқ касаба уюшмасининг доимий диққат марказида бўлиб, 2026 йилнинг ўтган даврида иш берувчилар томонидан жамоа шартномалари орқали меҳнатни муҳофаза қилишга оид 26 000 та тадбир ўтказилди ва эзгу мақсадларни амалга ошириш учун жами 14 миллиард 212 миллион сўм сарфланди. Жумладан, иш берувчилар ҳисобидан ходимларни шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийим-бош билан таъминлашга 654 миллион сўм сарфланган бўлса, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш учун 5 миллиард 814 миллион сўм йўналтирилди. 1 миллиард 280 миллион сўм эвазига ходимларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ўқувлари ташкил этилди ва 207 миллион сўм ҳисобига даврий тиббий кўриклар ўтказилди.



Статистик таҳлилларга кўра, бугунги кунда тизимда жами 3 546 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларнинг 3 458 таси корхона ва муассасаларда, 19 таси олий таълим ҳамда 69 таси ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида жойлашган. Тармоқ касаба уюшмасида жами аъзолар сони 730 707 нафарни ташкил этади. Шундан 166 282 нафари аёллардир.

Ёшлар сиёсати ва маънавий-маърифий тадбирлар доирасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда тармоқ касаба уюшмасига 127 704 нафар йигит-қиз аъзо бўлган. Уларнинг 84 718 нафари талабалардан иборат. Ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида 10 ой давомида 8 137 та тадбир уюштирилиб, 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Навқирон ходимлар ва талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш доирасида 87 400 нафар ёшга театр ва концерт билетлари, 21 981 нафар ходимнинг фарзандларига оромгоҳларга имтиёзли йўлланмалар ҳамда 6 282 нафар йигит-қизга санаторийларга йўлланмалар ажратилди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳимоя йўналишида инсон манфаатларини таъминлаш борасида салмоқли ишлар ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, имконияти чекланган ва ўзгалар парваришига муҳтож 427 нафар собиқ ходимга умумхалқ байрамлари арафасида 489,2 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган ва чин етим талабаларнинг шартнома пуллари учун 1,8 миллиард сўмга яқин маблағ тўлаб берилди. Кам таъминланган оилаларнинг 4 369 нафар фарзандига 1,08 миллиард сўмлик ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб берилди, 140 та ёш оилага уй-



СТАТИСТИК ТАҲЛИЛЛАРГА КЎРА, БУГУНГИ КУНДА ТИЗИМДА ЖАМИ 3 546 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. УЛАРНИНГ 3 458 ТАСИ КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРДА, 19 ТАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ҲАМДА 69 ТАСИ ЎРТА МАХСУС ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН. ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАСИДА ЖАМИ АЪЗОЛАР СОНИ 730 707 НАФАРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ШУНДАН 166 282 НАФАРИ АЁЛЛАРДИР.



Анваржон АБДУМУХТОРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

ёрдамлар тақдим этилди.

«Кексаларга ҳурмат – ёшларга ибрат» тамойили асосида «Кексалар ҳафталиги» доирасида ҳам катта ғамхўрлик кўрсатилди. «Касбим – фахрим» мавзусида меҳнат фахрийлари билан 690 та учрашув ва 500 та маданий тадбир ташкиллаштирилди. Уларда 8 170 нафар нуроний қатнашди. Шу жараёнда 551 нафар кўмакка муҳтож кекса ватандошимизга 258,8 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди, 1 921 нафар пенсионерга 509 миллион сўмлик қимматбаҳо совғалар топширилди. 711 нафар шахсга пенсияга чиқишидан олдин 619,1 миллион сўмлик моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар берилди, «Саховат» ва «Мурувват» уйларидаги 1 232 нафар нуроний ҳолидан хабар олиниб, 174,9 миллион сўмлик эсдалик совғалари улашилди. Шунингдек, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 4 670 нафар фахрийнинг тарихий шаҳарларга саёҳати ташкил этилди ва бунинг учун 400 миллион сўм сарфланди.

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ва шаффофликни таъминлаш учун тизимда амалга оширилаётган ишлар Матбуот хизмати томонидан кенг жамоатчиликка мунтазам етказиб борилди ва ўтган давр мобайнида расмий веб-саҳифа ҳамда ижтимоий тармоқ саҳифаларида жами 879 та таҳлилий материал ва хабарлар эълон қилинди.

жой қуриш ва узоқ муддатли товарлар харид қилиш учун 1,35 миллиард сўмдан ортиқ ссуда ажратилди. Сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилган 100 нафар ёш ходимга 599,4 миллион сўмлик ссудалар берилди, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган бир гуруҳ ходимларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиниб, уларга 5 миллиард 481 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда моддий

Эришилган натижалар касаба уюшмаси ишчи-ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар учун муносиб шароитлар яратиш борасида олиб борган ишлар маҳсулидир. Кенгаш бундан буён ҳам ҳар бир ходимнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда давом этади.

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

ҲАР БИР КУНИМИЗ ИФТИХОРГА ТЎЛСИН



Сайфулла АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар кенгаши раиси



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгашининг барча соҳаларда ўз нуфузи ва ўрни борлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, кенгашда ўз сафига 1 миллион 130 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган 3 минг 603 та бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда. Ушбу улкан куч ва имконият пойтахтнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, айниқса, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси ўртасида 2026-2028 йилларга мўлжалланган Ҳудудий жамоа келишуви қабул қилинган. Унга асосан, аҳоли бандлиги таъминланиши ва янги иш ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Шунингдек, кенгаш ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси ўртасида тегишли масалалар бўйича қўшма чора-тадбирлар тасдиқланган. Натижада кенгашга келиб тушган кўплаб мурожаатлар ижобий ҳал қилиниб, ходимларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланмоқда. Хусусан, жорий йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни банд қилиб қўйилган иш ўринларига жойлаштириш юзасидан барча туманларда давлат ва жамоат назорати йўлга қўйилди. Бундан ташқари, иш берувчилар томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига риоя этилиши, ойлик маошлар ўз вақтида тўланиши ва ходимлар малакасига мувофиқ бўлиши устидан тизимли мониторинг олиб борилмоқда.

Ходимлар учун қулай ва бехатар меҳнат шароитлари яратилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, белгиланган зарар тўловлари ва мавжуд қарздорликлар, ходимларни тиббий кўрикдан, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ҳолатлари назорат қилинмоқда.

Тасарруфдаги оромгоҳларда хавфсизлик, қўриқлаш, ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена талаблари ва сифатли озиқ-овқат таъминотига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада ёз мавсумида жами 30 мингдан зиёд пойтахтлик бола соғломлаштирилди.

Бошланғич ташкилотлар нуфузини ошириш ва уларга услубий ёрдам бериш мақсадида ҳар ойнинг иккинчи сешанбаси «Бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларига амалий ёрдам бериш» куни деб эълон қилиниб, муаммолар биргаликда ўрганиляпти. 3 мингдан зиёд бошланғич ташкилотда «Маънавият соатлари» мунтазам ўтказиб келиняпти.

«Касаба сайр» корхонаси орқали Хива, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз ва Қарши каби қадимий шаҳарларга 50 мингдан ортиқ саёҳатчи, жумладан, 16 минг нафар эҳтиёжманд оила вакиллари ҳамда 2 мингдан зиёд кекса учун сафарлар уюштирилди. 15 мингдан зиёд касаба уюшмаси аъзоси ва уларнинг оила аъзолари пойтахт театрларига, 30 мингга яқин ишчи-ходим эса музей ва кўргазмаларга жалб этилди. Кам таъминланган оила фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун «Биз – мустақиллик фарзандларимиз» шиори остида саёҳатлар ташкил этилди. Байрамлар муносабати билан кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, талабалар, Саховат ва Мурувват уйларида яшовчиларга мунтазам равишда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» тизимида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз хотин-қизларнинг бандлиги таъминланиб, улар учун маданий тадбирлар уюштирилди. «Раҳбар ва ёшлар» учрашувлари ташкил этилди.

Бугунги кунда ташкилотимиз олдида аъзолар сафини кенгайтириш, ҳар бир корхона ва муассасада касаба уюшмаси фаолият юритишини таъминлаш орқали меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ва жамиятимизда ижтимоий адолатни янада мустаҳкамлаш вазифаси турибди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясига мувофиқ, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил этишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлашимиз ҳам зарур.

Олдимизда меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчилик ислоҳотларида ташаббускорликни ошириш, соғломлаштириш масканлари ва болалар оромгоҳлари фаолияти сифатини янада юксалтириш, янги муассасалар қуриш каби улкан ишлар турибди. Бу барчамиздан тинимсиз ҳаракат ва фидойиликни талаб этади. Биз эса ўтаётган ҳар бир кунимиз ғурур ва ифтихорга тўла бўлишини истаймиз.

Умуман олганда, касаба уюшмалари аъзолари Ватан равнақи йўлида, тарихий ислоҳотлар ва улуғвор ишларни амалга оширишда давлатимиз раҳбарига елкадош ва камарбаста бўлиб келишмоқда. Бу, ўз навбатида, ташкилотга билдирилган катта ишонч, эҳтиром ва улкан масъулиятдан далолатдир. Келгусида ҳам Президентимиз ташаббуслари асосида халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни ўз вазифамиз деб биламиз ва бор куч-ғайратимизни шундай хайрли ишларга сарфлаймиз.

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

АГРАР СОҲА КАСАБА УЮШМАЛАРИДА НИМАЛАР ЎЗГАРМОҚДА?



Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 17 октябрда касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар фаолиятимизда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ушбу тарихий анжуманда баён этилган устувор йўналишлар асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IX қурултойида белгиланган вазифалар ижроси тизимли ташкил этилиб, 2026 – 2030 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси доирасида аниқ мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашида 2026 йилда соҳани ривожлантириш бўйича бир қатор янги ташаббуслар жорий этилди. Хусусан, маҳаллалар даражасида фаолиятни йўлга қўйиш бўйича Президент тавсияси асосида ҳудудларда фермер хўжаликларининг 1 738 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тузилиб, уларга 77 446 та фермер хўжалиги бирлаштирилди. Барча бошланғич ташкилотлар раислари учун махсус «Иш юритиш дафтари» ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди.

Аграр соҳадаги илмий-инновацион фаолиятда ёшлар ва хотин-қизлар иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида танловлар ўтказиш тизими йўлга қўйилди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекистон аграр соҳа аёллари» уюшмаси билан ҳамкорликда 6 та танлов ўтказилиб, 2 061 нафар ишчи-ходим, докторант ва талаба ёшлар қамраб олинди. Ғолиблар Европа ва Осиё мамлакатларига тадқиқот олиб бориш ҳамда стажировка ўташ учун йўлланма сертификатлари ва дипломлар билан тақдирланди.

Тизимдаги раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий салоҳияти, билим ва малакаларини ошириш мақсадида мунтазам равишда ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Шу кунгача ўтказилган бундай тадбирларда жами 3259 нафар киши, яъни бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари раислари, меҳнат муҳофазаси, хотин-қизлар, ёшлар ва спорт масалаларига масъул ходимлар ҳамда туман ва шаҳар кенгашлари раислари иштирок этдилар.

«Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари» шиори остида Тармоқ кенгашининг қуйи бўғинлари, жумладан, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятида моддий ва маънавий манфаатдорликни ошириш ишлари тизимли амалга оширилди. У орқали қуйи бўғинлар фаолияти рағбатлантирилиб, илғор тажрибалар оммалаштирилди. Шунга ҳамоҳанг равишда, тармоқ касаба уюшмасига аъзо вазирлик ва идоралар бошланғич касаба уюшмалари раисларининг фаолиятини ҳар ойда бир марта жойига бориб ўрганиш тизими ҳам жорий этилди. Бу йил 34 нафар раис иштирокида 9 та ўқув-семинар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти ва тажрибаси бевосита жойида ўрганилди.

Тармоқ кенгашининг қуйи бўғинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 122 та туман кенгаши компьютерлар ва 80 та туман кенгаши мебеллар билан таъминланди.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг янгиланган рамзи ва янги таҳрирдаги тавсифи Адлия вазирлигининг 2026 йил 8 сентябрдаги тегишли қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилиб, гувоҳнома олинди. Республика кенгашининг қарорига кўра, «Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси фидойиси» кўкрак нишони ва гувоҳномаси, шунингдек, «Фахрий ёрлиқ» тасдиқланди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласида, фуқаролар йиғинлари ҳузурида ўзини ўзи банд қилган, агрономия ва зооветеринария бўйича олий маълумотли мутахассислардан иборат «Агрохизмат марказлари»ни босқичма-босқич жорий этиш мақсадида лойиҳа яратилган. У Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидаги 2 та маҳаллада амалга оширилмоқда. Эришилган натижаларни 2027 йилда республика миқёсида оммалаштириш режалаштирилган.

Кенгашимизда ҳар ҳафтанинг пайшанба куни «Раёсат соати» ўтказилади. Унда соҳага оид янги ҳужжатлар билан таништириш, ижро интизоми ҳолати ва галдаги вазифалар муҳокама қилинади. Шунингдек, ҳудудий ва қуйи ташкилотлар фаолиятидаги мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари белгиланади.

Табиийки, келгусидаги вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш, иш самарадорлигини ошириш ҳамда ташкилотлар ўртасида ўзаро тажриба алмашишни кучайтиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Республика кенгаши раиси ўринбосарлари ва аппарат ходимлари 173 та туман ва шаҳар кенгашига ташриф буюриб, амалий-услубий ёрдам кўрсатдилар. 1764 та бошланғич ташкилот фаолияти жойларда ўрганилди.

Аграр соҳа ходимларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор хорижий давлатлар касаба уюшмалари билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди ва алоқалар ўрнатилди.

Тизимда «Кексаларга ҳурмат – ёшларга ибрат» ғояси асосида «Кексалар ҳафталиги» ташкил этилди. Унда Кенгашнинг ҳудудий ташкилотчилари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, ходимлар ҳамда талаба-ёшлар фаол қатнашдилар. Шунингдек, турли корхона ва муассасаларда кўп йиллар самарали меҳнат қилган нуронийлар ва Фахрийлар кенгаши аъзолари билан учрашувлар ўтказилди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янги навларни яратиш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш ва иқтидорли ёш олимларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 560 нафар меҳнат фахрийси ва нуронийлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бевосита давлатимиз раҳбарининг эътибори, ғамхўрлиги ва юксак ишончининг амалий ифодасидир. Илғор ташаббуслар, соҳа ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, ёш илмий кадрларни қўллаб-қувватлаш ҳамда нуронийларни эъзозлаш каби хайрли ишлар тизим фаолиятини янги босқичга кўтариб, аграр соҳанинг порлоқ келажагини таъминлайди. Зиммадаги вазифаларни адо этиш йўлидаги қатъият, фидойилик ва жипслик эса «Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари» ғоясини ҳаётга татбиқ этиш, эзгу мақсадлар сари олға интилишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.



Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ ШИДДАТИ

Меҳнат инсон қадрини юксалтирса, унга кўрсатиладиган эътибор, ижтимоий ҳимоя ва ғамхўрлик ана шу қадрнинг амалдаги ифодасидир. Бугун мамлакатимизда ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлигини ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда касаба уюшмаларининг ўрни алоҳида. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида аъзоларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини ошириш, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.



Асрор ЭШОНХЎЖАЕВ,
Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида эса Республика кенгаши ва Рақамли технологиялар вазирлиги ўртасида 2026 йилга мўлжалланган ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича қўшма тадбирлар режаси қабул қилинди. Шунингдек, 2026-2028 йилларга мўлжалланган тармоқ жамоа келишувлари ҳамда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси билан ягона жамоа шартномаси лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Жамоа шартномалари ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим восита саналади. Ҳисобот даврида Республика кенгаши жамоатчилик эксперт комиссияси 205 та жамоа шартномасини рўйхатга олиб, улар бўйича эксперт хулосаларини расмийлаштирди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиз сирасига киради. Пенсияга чиқиш арафасидаги 232 нафар ходимга жами 220,4 миллион сўм, юбилей саналари муносабати билан 489 нафар ходимга 415,6 миллион сўм моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар ажратилди. Шунингдек, пенсиядаги 2 821 нафар собиқ ходимга 1 миллиард 184 миллион сўмлик, ижтимоий ҳимояга муҳтож 1 876 нафар ходимга 1 миллиард 256 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларнинг 175 нафари учун контракт тўловларининг бир қисмини қоплаш мақсадида 1 миллиард 512 миллион сўм ажратилди. Ҳарбий хизматга чақирилган 53 нафар ёш ходимга 399 миллион сўм миқдорида фоизсиз ссудалар берилди.

Ишчи-ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши, меҳнат муҳофазаси талаблари, жамоа шартномаларидаги мажбуриятларнинг бажарилиши ўрганилди. Шу аснода Наманган, Андижон ва Сирдарё вилоятларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилди.



Меҳнат муҳофазаси йўналишида 15 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолияти ўрганилиб, иш берувчиларга 7 та кўрсатма киритилди. Касаба уюшмалари иштирокида 40 та камчилик бартараф этилди. 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан «Соғлом психологик-ижтимоий муҳитни таъминлайлик» мавзусида ўтказилган тадбирларда 4 минг нафардан ортиқ ходим қатнашди.



Тармоқ корхона ва ташкилотларида меҳнат муҳофазаси тадбирларига тўққиз ой давомида 6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ушбу маблағлар тиббий кўриклар, ходимларни ўқитиш, махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, меҳнат шароитларини яхшилаш учун йўналтирилди.

Ходимларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш ва жамоавий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида 711 тадан зиёд «Маънавият соати» ва бошқа тадбирлар ўтказилиб, уларда 38 минг нафардан ортиқ ходим иштирок этди.

Истиқлолнинг 35 йиллиги арафасида «Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!» ғояси асосида қатор маданий тадбирларга аъзолар қамраб олинди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун Самарқанд, Хива ва бошқа тарихий шаҳарларга саёҳатлар, киберспорт мусобақалари, «Соғлом оила – кучли жамоа» оилавий спорт фестивали, китобхонлик танловлари ва давра суҳбатлари уюштирилди. Меҳнат фахрийларига ҳурмат кўрсатилиб, эҳтиёжманд оилалар ва ходимлар фарзандларига моддий ёрдам, совғалар топширилди.

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 13 348 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари ички туризм тадбирларида қатнашди. Улар орасида 501 нафар меҳнат фахрийси, 1 516 нафар оммавий касб эгаси ва 646 нафар эҳтиёжманд оила вакили бор. Саёҳатларни ташкиллаштириш учун 10 миллиард 52 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳам доимий эътиборда. Халқаро хотин-қизлар кунида учрашувлар, спорт мусобақалари, ёз мавсумида эса «Соғлом она – соғлом авлод гарови» шиори остидаги аёллар спорт фестивалининг республика босқичи қизғин кечди. Ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ва «Энг фаол электромонтёр» танловининг республика босқичида иштирокчилар ўз билим ва касбий маҳоратларини намойиш этдилар.

Болалар саломатлиги ва камолоти диққат марказимизда бўлди. Ёзги соғломлаштириш мавсумида «Ўзбектелеком» АК филиаллари, Федерация тизими ва ҳудудлардаги болалар оромгоҳларида 2 858 нафар бола дам олдирилди. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасидаги турли тадбирлар, расм чизиш танловлари ва спорт мусобақалари жажжи ўғил-қизларимизга бир олам қувонч улашди. 23 июль куни ЎЗИНФОКОМнинг конгресс-холлда онкологик касалликлар билан курашаётган болалар чизган расмлар хайрия аукционига қўйилиши инсонпарварлик ва меҳр-оқибатнинг ёрқин намунаси бўлди.

Кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида «Кексаларга ҳурмат – ёшларга ибрат» ғояси остидаги тадбирларда 1 346 нафар фахрий эъзозланди. Пенсиядаги 600 нафардан зиёд нуроний ҳолидан хабар олиниб, уларни қўллаб-қувватлаш учун 135 миллион 924 минг сўм сарфланди. Шунингдек, 682 нафар меҳнат фахрийси тарихий шаҳарлар, зиёратгоҳлар, диққатга сазовор масканларга саёҳатга олиб борилди.

Касаба уюшмалари сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Тармоқ тизимидаги нодавлат ташкилотларда олиб борилган тарғибот ишлари натижасида 19 та ташкилотда касаба уюшмаси тузилиб, минг нафарга яқин ходим аъзоликка жалб этилди. Сўнгги маълумотларга кўра, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари сони 408 тага, аъзолар сони 74 минг нафарга етди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида соҳа ташкилотларига бириктирилган ҳудудларда 100 мингдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» республика кўрик-танловида «Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика маркази» МЧЖ ғолиб деб топилди. «Алоқачилар боғи» ва «Вазирлик боғи»да ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Касаба уюшмалари куни муносабати билан 3-6 ноябрь кунлари Андижон шаҳрида мини-футбол бўйича Республика кенгашининг 2026 йилги кўчма кубок мусобақалари ўтказилиб, республика босқичи қизғин баҳсларга бой бўлди.

Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмалари фаолияти ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий кўмак кўрсатиш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва турли авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш каби муҳим йўналишларни қамраб олмоқда. Олдиндаги асосий вазифа ҳар бир ходимнинг муаммосини ўз вақтида ҳал этиш, ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини ошириш ва жамоа шартномаларидаги мажбуриятлар ижросини таъминлашдан иборат.



Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

АДОЛАТ ВА МУРОСА КЎПРИГИ



Абдужаббор ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши раиси

Давлатимиз раҳбари ўтган йили касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувда мазкур тизим иш берувчи ва ходим ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилувчи асосий муроса кўприги бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Андижонлик касаба уюшмаси фаоллари тузилманинг ана шундай қиёфасини шакллантиришга, меҳнат муносабатларидаги тушунмовчиликларни имкон қадар музокаралар орқали ҳал этишга, шунинг баробарида, меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назоратини олиб боришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Аввало, кенгаш томонидан фуқаролар мурожаатларини ўрганиш ва тезкор кўриб чиқишда «Бир мурожаат – бир натижа» тамойили асосида иш юритилмоқда. Масалан, шу йилнинг 9 ойи давомида вилоят кенгашига оғзаки, ёзма ва электрон кўринишда 78 та мурожаат келиб тушди. Улар орасида ҳуқуқий тушунтириш бериш билан кифояланилганлари ёки тегишлилигига кўра, бошқа идораларга юборилганлари ҳам бор. Бевосита касаба уюшмаларига тааллуқли бўлганлари атрофлича ўрганиб чиқилиши натижасида 27 таси қаноатлантирилди ва мурожаатчиларга жавобгарлар ҳисобидан 72 миллион сўмга яқин маблағ ундириб берилишига эришилди.

Мурожаатларнинг камлиги ўқувчини икки хил хулосага ундаши табиий: ҳудудда меҳнат низолари йўқ ҳисоби ёки уларнинг аксарияти кенгашга етиб келмайди. Аксарият шикоят-аризаларнинг ўрта бўғин идорасига етиб келмаслиги бор гап. Бу туман ва вилоят кенгашларининг қуйи бўғинлардан узилиб қолгани эмас, балки юқорида қайд этилганидек, соҳага оид тушунмовчиликларнинг бевосита жойларда, ташкилотлар жамоа аъзолари ва иш берувчи вакиллари бир даврада жам бўлганида ҳал этилаётгани натижасидир.

Кейинги икки-уч йилда йирик ташкилот ва муассасаларда ноқонуний ишдан бўшатиш ҳолатлари кузатилмоқда. Меҳнат низоларининг маълум қисми бўйича касаба уюшмаси вакиллари ходимларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ифода этиб, судларда уларни ҳимоя қилмоқдалар.

Аксариятида эса меҳнат низолари ташкилотлар кесимида ўрганилиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари атрофлича ўрганилмоқда. Шундан келиб чиқиб, касаба уюшмалари биносида вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси мутахассислари ҳамкорлигида мунтазам равишда семинар машғулотлари ташкил этилмоқда. Уларга ноқонуний ишдан бўшатиш ҳолатлари кўп кузатилаётган ташкилотларнинг мансабдор ва масъул шахслари ҳам таклиф этилиб, йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, қонунбузилиш ҳолатларининг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилмоқда. Бундан асосий мақсад – меҳнат низоларини камайтириш ва мавзу доирасидаги ҳар бир ҳаракат қонун талабларига мос бўлишига эришишдир.







Қолаверса, мутахассислар у ёки бу масала ёки меҳнат қонунчилиги тарғиботи бўйича ташкилотларда бўлишганида, фақат ўша мавзуларда чекланиб қолмай, ишчи-ходимлар билан мулоқотга киришишлари одатий ҳолга айланган. Сайёр қабул кўринишидаги бундай якка суҳбатларда жамоа аъзолари ҳам, иш берувчининг вакиллари ҳам кўнглидаги дардини юзага чиқариши табиий. Кенгаш вакиллари қонун талабларини содда тилда тушунтириб, келишмовчиликларни муроса орқали ҳал этаётгани келгусида юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Бу эса корхоналарда мавжуд иш шароитларини яхшилаш билан узвий боғлиқ. Негаки, меҳнат шароити кўнгилдагидек бўлган, жамоа шартномаси шартларига амал қилинаётган ташкилотдан мавзуга доир мурожаатлар чиқишига имкон қолмайди.

Шу маънода, вилоятда касаба уюшмасига аъзо корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича назорат-профилактика ишларини амалга ошириш йўналишида ҳам муайян натижаларга эришилмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 13 та корхонада ўтказилган ўрганишларда 34 та камчилик аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича иш берувчиларга 5 та тақдимнома киритилди. Касаба уюшмасининг бевосита аралашуви билан 23 та муаммо жойида ҳал этилди.

Кези келганда, бир оғриқли масалага ҳам тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Бу йил вилоятдаги касаба уюшмаларига аъзо бўлган корхоналарда енгил ва оғир асоратли 12 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Шунга кўра, жабрланганларга 313 кунлик меҳнатга лаёқатсизлик даври учун 28 миллион 733 минг сўмдан зиёд нафақа пули тўланди. Бундан ташқари, иш берувчилар ҳамда касаба уюшмалари томонидан жами 50 миллион 552 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Албатта, бахтсиз ҳодисанинг биттаси ҳам кўп. Шу боис дахлдор идоралар билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, бундай кўнгилсизликлар сабабларини илдизи билан бартараф этиш ва хавфсиз меҳнат муҳитини яратиш бош вазифамиз бўлиб қолади.

Жамоатчилик назорати доирасида эса иш ҳақининг кечикиши бўйича мунтазам мониторинг йўлга қўйилган. Олиб борилган ишлар натижасида йилнинг шу даврига қадар вилоят бўйича иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик кузатилмади.

Бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан жуда кўп соҳаларда ижтимоий шерикликни кенгайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларда ходимларнинг, айниқса, норасмий тарзда банд бўлган фуқаролар, хотин-қизлар ва ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш тизимини кучайтириш борасида жиддий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Тузилманинг барча йўналишлардаги салмоқли натижалари ва келгуси хайрли режаларини катта бир занжирга қиёсласак, андижонлик соҳа фаолларини ана шу занжирнинг мустаҳкам ва ишончли ҳалқасига менгзаш мумкин.

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР МАЙДОНИ



Муҳаммадқосим ОЛИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси

Бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси халқаро майдонда очиқ ва фаол мулоқот олиб бораётган, инсон қадри, меҳнат ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий адолатни бош мезон деб билган нуфузли жамоат ташкилоти сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, миллий касаба уюшмаларимизнинг дунё ҳамжамияти ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Тўғрисини айтиш керак, яқин-яқингача юртимизда касаба уюшмалари тизимига кўп жиҳатдан расмиятчиликка берилган, бюрократик қолиплар доирасида фаолият юритадиган тузилма сифатида қаралар эди. Хорижий инвесторлар, халқаро экспертлар ва нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, ҳатто оддий фуқаролар ва маҳаллий ходимлар ҳам бу идорага эътибор қаратмасди.

2017 йилдан бошланган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятида ҳам туб бурилиш ясади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган очиқлик ва конструктив ташқи сиёсат туфайли миллий касаба уюшмалари дунёнинг кўплаб давлатлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйди.

Жумладан, сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан стратегик ҳамкорликни ривожлантириб, 2021–2025 йилларга мўлжалланган «Муносиб меҳнат» мамлакат дастурини амалга оширишга ҳисса қўшди. Ушбу дастур доирасида миллий меҳнат қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш, янги Меҳнат кодексини амалиётга жорий этиш ҳамда ХМТнинг устувор конвенцияларини ратификация қилиш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди. Шу билан бирга, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш, иш жойларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик шароитларини яхшилаш, бандлик соҳасида тенгликни таъминлаш ҳамда муносиб иш ҳақи тизимини шакллантириш каби муҳим вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Шунингдек, 2024 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясига тўлақонли аъзоликка қабул қилинди. Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Мўғулистон касаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорликда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши таъсис этилди. Бундан ташқари, Туркия, Озарбайжон ва бошқа туркий давлатлар иштирокида Туркий давлатлар касаба уюшмалари ташкилоти тузилди. Ушбу тузилма фаолиятида Ўзбекистон вакилларининг раҳбарлик иштироки мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

Германия, Франция, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Беларусь ва Европанинг бошқа қатор давлатлари миллий касаба уюшмалари марказлари билан тармоқлараро шартномалар ва меморандумлар имзоланди. Бу эса минглаб ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тажриба алмашиш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун янги имкониятлар яратди. Кенг кўламли халқаро интеграция ва ташқи алоқалар жараёнлари мамлакатимизнинг барча ҳудудлари қатори кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро вилоятида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти Кенгаши томонидан йўлга қўйилган ташқи алоқалар, хорижий ҳамкорлик ва халқ дипломатияси кўлами шуни кўрсатмоқдаки, вилоят эндиликда нафақат сайёҳлар, балки нуфузли халқаро ташкилотлар, етакчи экспертлар ва хорижий касаба уюшмалари эътиборини тортаётган амалий мулоқот майдонига ҳам айланмоқда.

Халқаро ҳамкорлик географияси ниҳоятда кенг ва ранг-баранг бўлиб, амалий муносабатлар йилдан-йилга янги босқичга кўтарилмоқда. Рақамлар ва аниқ маълумотларга назар ташласак, сўнгги йилларда Бухоро Россия Федерациясининг Татаристон ва Бошқирдистон республикалари, Свердлов ва Мурманск вилоятлари, шунингдек, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон, Грузия, Туркия, Эрон, Миср, Баҳрайн, Мўғулистон каби мамлакатлар ҳамда Халқаро таълим касаба уюшмалари Европа қўмитасининг нуфузли вакилларини самимий кутиб олди. Хусусан, жорий йилнинг июль ойида Тожикистон Республикасининг «Тожикметалл», октябрь ойида эса Қозоғистон Республикасининг «Қозоқметалл» тармоқ касаба уюшмалари, шунингдек, «Турк металл» ҳамда Жамоат хизмати интернационали Европа федерацияси Ёшлар кенгаши вакиллари вилоятимиз меҳмони бўлишди.



Мазкур ташрифлар меҳнат жамоалари ўртасида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тажриба алмашиш учун муҳим мулоқот майдони бўлди. Меҳмонлар Арк қўрғони, Пойи Калон, Лаби Ҳовуз ва Ситораи Моҳи Хоса мажмуаларининг маҳобатидан баҳраманд бўлиш билан бирга, вилоят касаба уюшмалари томонидан ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш борасида тўпланган тажрибалар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Бундай ҳамкорлик бухоролик мутахассислар ва фаолларнинг хорижий мамлакатларда ўтказилаётган нуфузли тадбирларда иштирок этиши, илғор тажрибаларни ўрганиши ва янги билимларни амалиётга татбиқ қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, Федерация вилоят Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Достонбек Жўраев Беларусь Республикасининг Минск шаҳридаги «МИТСО» халқаро университети базасида ўтказилган «ТЕМП – 2023» VI халқаро таълим форумида иштирок



этиб, меҳнат жамоаларида ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий шериклик механизмлари бўйича халқаро тажрибани ўрганди.

2025 йилнинг 24–28 февраль кунлари Латвия ва Литвада ХМТнинг ACTRAV бюроси ҳамда «SOLIDARUMAS» ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган миграция тизимидаги ўзгаришлар ва меҳнат мигрантларининг ролига бағишланган семинарда вилоят Кенгаши вакиллари қатнашиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Орадан икки ой ўтиб Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари марказлари раисларининг учрашувида ҳам самарали мулоқотлар олиб борилди. 2-6 сентябрь кунлари Боку шаҳридаги Озарбайжон меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида ташкил этилган ўқувда эса меҳнат техник инспектори Ҳайитбек Барноев иштирок этиб, академиянинг махсус сертификатига эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Халқаро меҳнат ташкилоти ва унинг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси билан йўлга қўйилган стратегик шериклик Бухородаги меҳнат муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. 2023 йил 17 ноябрь куни Бухоро шаҳрида ХМТ экспертлари иштирокида «Касаба уюшмалари чорраҳада» ишчи ҳужжати асосида вазифаларни белгилашга бағишланган минтақавий семинар, апрель ойида эса ХМТнинг «Меҳнат соҳасида зўравонлик ва тегажоғлик тўғрисида»ги 190-сонли конвенцияси мавзусида халқаро мулоқот ташкил этилди. Унда ХМТ Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюросининг Европа ва Марказий Осиё сектори вакиллари, шунингдек, Қозоғистон, Озарбайжон ва Тожикистон республикаларининг тармоқ касаба уюшмалари вакиллари иштирок этдилар.

Тошкент шаҳрида ўтказилган «Янги ижтимоий шартнома: Европа ва Марказий Осиё касаба уюшмалари нигоҳида» мавзусидаги нуфузли анжуман иштирокчилари – ХМТ вакиллари ҳамда 30 га яқин хорижий давлат делегациялари Бухорога ташриф буюриб, ҳудудда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишдилар. Шунингдек, 2026 йил 30 март куни ХМТнинг Ўзбекистон бўйича катта координатори Юрий Штерк вилоят Кенгаши раҳбарияти ва касаба уюшмалари фаоллари билан мажбурий меҳнатга барҳам бериш, «Better Work Uzbekistan» дастури доирасида гендер тенгликни таъминлаш масалалари юзасидан қизғин мулоқот олиб борди.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро касаба уюшмаларининг халқаро майдондаги фаоллиги шунчаки ҳамкорлик географиясининг кенгайиши эмас, балки меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ва илғор тажрибаларни миллий амалиётга татбиқ этиш йўлида муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, халқаро алоқалар самараси имзоланган ҳужжатлар, ўтказилган учрашувлардан ташқари, инсон ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, меҳнаткашлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси ва уларнинг манфаатлари йўлида эришилган аниқ натижалар билан баҳоланади.

ҲАМЖИҲАТЛИК – ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ



Алишер МУЛЛАБЕКОВ,
Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Касаба уюшмаси фаолиятининг асосий мезони ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси ҳамда меҳнат жамоаларида ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдир. Авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўз ишини тармоқдаги бошланғич касаба уюшмалари билан ҳамкорликда ана шу тамойиллар асосида юритиб келмоқда.

Бугунги кунда кенгаш 25 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини қамраб олган. Аъзолар сони эса 17 377 нафар. Барча корхоналарда жамоа шартномалари қабул қилиниб, улар ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Шунга кўра, жамоа шартномалари ижросини назорат қилиш, уларда белгиланган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш ҳамда ишчилар учун яратилаётган кафолатларни янада кенгайтиришга алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чораги якунига қадар 25 та корхонада жамоа шартномаларида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилишлар бўлди. 17 та корхонада янги жамоа шартномалари, шунингдек, амалдаги шартномаларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар экспертизадан ўтказилди.

Ҳозир касаба уюшмаси ишини замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Касаба КІАТ электрон дастури орқали тизим фаолияти рақамлаштирилмоқда. Жумладан, унда 25 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти рўйхатдан ўтказилди. Учта тармоқ келишуви ҳамда 25 та корхонанинг жамоа шартномаси платформага киритилиб, Республика кенгаши томонидан рўйхатга олинди.

Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг сифатли дам олиши ва меҳнат қобилиятини тиклаши касаба уюшмаси эътиборидаги муҳим масалалардан биридир. Ҳисобот даврида 104 нафар хизматчи учун санаторий ва дам олиш оромгоҳларига умумий қиймати 582,3 миллион сўмлик йўлланмалар ажратилди.

Касаба уюшмаси фаолиятида ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларнинг спортга бўлган қизиқишини ошириш, жисмоний фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва жамоавий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Январь ойида спортнинг мини-футбол тури бўйича «Раис кубоги» мусобақаси ташкил этилди. Апрелда эса Республика кенгаши ва бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамкорлигида корхона ходимлари ўртасида спартакиада ўтказилди.







Меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларнинг кўп йиллик самарали меҳнатини қадрлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидандир. Шу боис Халқаро хотин-қизлар кунида авиация соҳасида узоқ йиллар фаолият юритган фахрий аёлларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, байрам дастурхони ёзилди. Наврўз байрами ва Қурбон ҳайитида тизим ташкилотларида кўп йиллар самарали ишлаган фахрийлар ҳолидан хабар олинди. Хотира ва қадрлаш кунида Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида кенг қамровли хотира тадбири ўтказилди. Унда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг жасорати ва фидойилиги ёдга олиниб, «Авиация монументи» пойига гулчамбарлар қўйилди.

Истиқлолнинг 35 йиллиги арафасида тизим корхоналарида тадбирлар юқори савияда ўтказилди. Уларда 200 нафардан ортиқ меҳнат фахрийлари ва ходимлар иштирок этдилар.

Касаба уюшмаси тизимида ташкилий ишларни такомиллаштириш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш ва ходимлар манфаатларини самарали ҳимоя қилиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, октябрь ойида «Тошкент – Ҳумо халқаро аэропорти» МЧЖда касаба уюшмаси йиғилиши бўлди. Унда тузилма фаолиятини янада кучайтириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иш берувчи ва меҳнат жамоаси ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Шу жараёнда Ринат Галиулин касаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайланди. Бу йиғилиш бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фаолиятини самарали ташкил этиш, ходимлар ва иш берувчи ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда меҳнат жамоасида соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Албатта, касаба уюшмаси фаолиятини фақат ўтказилган тадбирлар ва рақамлар билан баҳолаб бўлмайди. Унинг ҳақиқий самараси, энг аввало, ходимлар ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланганини ҳис қилиши, ижтимоий қўллаб-қувватловдан баҳраманд бўлиши, меҳнат ва дам олиш шароитларидан мамнунлиги билан белгиланади. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар замирида ана шундай эзгу мақсадлар бор. Модомики шундай экан, жамоа шартномалари ижросини таъминлаш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, ёшлар ва хотин-қизларга мададкор бўлиш, нуронийларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ишлари келгусида ҳам изчил давом эттирилади.

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ ВАЗИФА



Нусуратулло ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши раиси, сенатор

Кишилик жамияти тараққиётининг барча босқичларида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини мукаммал ифодаловчи қонунлар ҳамда уларнинг ижро механизмларини яратишга астойдил ҳаракат қилинган. Бу борада энг муваффақиятли фаолият юритган институтлардан бири, шубҳасиз, касаба уюшмаларидир.





Ўзбекистон касаба уюшмалари ишчи-ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, соғломлаштириш, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли кўрсаткичларга эришмоқда. Натижада бугун тизим аъзолари сони қарийб 8 миллион нафарга етди.



Ушбу рақам нафақат аҳолининг касаба уюшмаларига бўлган юксак ишончини, балки мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, бандликни таъминлаш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар нечоғлик самарали кечаётганини ҳам кўрсатади.

Мавзуга Жиззах вилояти мисолида ёндашадиган бўлсак, қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: ташкилот, корхона ва муассасаларни тўлиқ қамраб олишга қаратилган тизимли саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида 5 880 нафар киши касаба уюшмалари аъзолигига қабул қилинди. Пировардида бошланғич ташкилотларимиз сони 1 476 тага, жами аъзоларимиз сони 333 037 нафарга етди.

Жамоалар билан ишлаш жараёнида асосий эътибор қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда меҳнаткашларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилди. Шу билан бирга, ишчи-ходимлар дуч келаётган муаммоларни ижобий ҳал этиш тизим фаолиятининг бош мезонига айланди. Масалан, АТИБ «Ипотека банк» Жиззах вилояти филиалининг назоратчи кассири Севара Исакова ноҳақ ишдан бўшатилгани тўғрисида мурожаат қилгач, ҳолат атрофлича ўрганилди. Маълум бўлишича, асосий ходим бола парваришлаш таътилидан қайтгани сабабли аризачи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Табиийки, молия муассасаси раҳбариятига камчиликни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Аммо у қаноатлантирилмади. Оқибатда масала судда кўриб чиқилди ва Севара Исакова ишга тикланди. Қолаверса, аризачининг мажбуран бекор юрган кунлари учун 38 миллион 898 минг сўм иш ҳақи ундирилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган даврида кенгашимизга келиб тушган 177 та ёзма ва оғзаки мурожаатнинг 116 таси ижобий ҳал этилди. 24 та ариза ва шикоят тегишлилигига кўра, бошқа органларга юборилди. 35 та мурожаат муаллифларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар ҳам режали тарзда амалга оширилмоқда. Чунончи, 24 та корхона, ташкилот ва муассасадаги вазият жамоатчилик назорати асосида ўрганилди ва қонун, қоида ва меъёрлар бузилишининг 141 та ҳолати аниқланди. Ўз навбатида, иш берувчиларга тақдимномалар киритилиб, вазиятни ўнглаш чоралари кўрилди. 5 та корхона эса меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналардан жароҳатланиш хавфи мавжудлиги нуқтаи назаридан аттестациядан ўтказилди. Пировардида, 149 нафар ходимга қўшимча меҳнат таътили берилиши, 6 нафарига махсус кийим-бош ва озиқ-овқатлар маҳсулотлари ажратилиши, 7 нафарига имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилиши таъминланди.

Ҳисобот даврида иш жойидаги бахтсиз ҳодисаларга доир 8 та мурожаат кўриб чиқилди ва аризачилар фойдасига 198 миллион 907 минг сўм ундирилишига эришилди. Хусусан, «Карбонат» АЖ пайвандловчиси Элмурод Саманов касаба уюшмаси кўмагида 33 миллион 275 минг сўм компенсация олишга муваффақ бўлди.

Кенгашнинг жиддий ёндашуви шарофати ўлароқ, меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси розилигини олдиндан олиш талаби киритилган жамоа шартномалари сони 1 465 тага етди.

Ташкилот, корхона ва муассасаларда меҳнаткашларни қўллаб-қувватлашга доир кўрсаткичларимиз ҳам эътирофга лойиқ. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 313 нафар ходимнинг пенсияга чиқиши таъминланди. 315 нафар ходим эса юбилей саналарида моддий ёрдам ва совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, 1 217 нафар ишламайдиган пенсионер, 147 нафар имконияти чекланган ва ўзгалар кўмагига муҳтож фуқаро, 2 минг нафардан зиёд ёш оналар, кам таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг 1 481 нафар фарзандига моддий кўмак кўрсатилди. Бундан ташқари, 40 нафар талабанинг олий ўқув юрти контрактининг бир қисми тўлаб берилди. 37 нафар ходимга сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизмат ўташи, 26 та ёш оилага уй-жой ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар хариди учун ссуда ажратилди.

Соғломлаштириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида ижтимоий суғурта ҳисобидан ажратилган 5 миллиард 987 миллион 698 минг сўм ҳамда касаба уюшмаларининг 4 миллиард 132 миллион сўмлик маблағлари эвазига 1 889 нафар ишчи-ходим санаторий йўлланмалари билан таъминланди. Шунингдек, тизим вакиллари қутлуғ саналар муносабати билан жамоаларда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, меҳнат муҳофазасига доир мулоқотлар ҳамда кўрик-танловларнинг доимий ташаббускорлари ҳисобланади.

Сирасини айтганда, меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш ва адолатни қарор топтириш орқали юзлаб инсонлар ва уларнинг оила аъзоларига хотиржамлик, турмушларига фаровонлик бахш эта оляпмиз, десам, муболаға бўлмайди.





ҲАР БИР МЕҲНАТКАШ ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ, САЛОМАТЛИГИ ВА КЕЛАЖАГИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАНГАНИНИ ҲИС ЭТМОҒИ КЕРАК

Жорий йилнинг ўтган ойларида кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, саломатлигини асраш ва оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.



Нигора АЛИМДЖАНОВА,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси



Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ва ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилди. Дарвоқе, касаба уюшмаси фаолиятида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутади. Шу боис 946 нафарига пенсияга чиқиши муносабати билан моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар берилди. 763 нафари юбилейи муносабати билан тақдирланди. Шунингдек, 701 нафар ишламайдиган пенсионер ва ногиронлиги бўлган, 1 048 нафар ўзгалар парваришига муҳтож шахсга моддий ёрдам кўрсатилди. Бола парвариши таътилида бўлган 689 нафар ёш она ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Ёш авлоднинг таълим олиши ва келажагига алоҳида эътибор қаратилди. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2 201 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қопланди. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим 316 нафар талабанинг контракт тўловлари учун маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, 1 631 та кам таъминланган ёш оилага моддий ёрдам кўрсатилиб, уй-жой қуриши ва ўзимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар хариди учун фоизсиз ссудалар ажратиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш кенгашнинг устувор вазифалари сирасига киради. Шу боис «Ўзкимёсаноат» АЖ билан ҳамкорликда меҳнат шароитларини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва касб касалликлари профилактикаси бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Бундай корхоналарда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Ходимларни махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминлаш, масъул мутахассислар ва касаба уюшмаси фаоллари учун ўқув-семинарлар ташкил этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Ёшлар ва хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, касбий салоҳиятини ошириш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Таклиф ва ташаббусларни ўрганиш мақсадида «Раҳбар ва ёш ходимлар» мавзусида очиқ мулоқотлар ўтказиш йўлга қўйилди. Ёш йигит-қизларнинг билим олишга интилишларини рағбатлантириш мақсадида «Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши стипендияси» таъсис этилди. Шунингдек, «Қимёвий таҳлил лаборанти» ва «Йилнинг энг фаол ёш кимёгари» кўрик-танловлари ташкил этилди. Ёш ходимлар ва талабалар учун тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларга саёҳатлар ҳамда экотуризм акциялари ўтказилди.

Меҳнаткашларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, маданий ҳордиқ чиқариш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳам ҳамиша эътиборда. Шу мақсадда меҳнат жамоаларида давра суҳбатлари, «Маърифат ва маънавият соатлари», спорт мусобақалари ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, «Ammofos-Maxam», «Навоийазот», «Фарғонаазот», «Деҳқонобод калий заводи» каби корхоналарда Мустақиллик байрами муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Халқаро меҳнат стандартларини ўрганиш ва илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш мақсадида хорижий касаба уюшмалари билан ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. 2026 йил 20-26 сентябрь кунлари Республика кенгаши делегацияси Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) ҳамкорлигида Швейцариянинг Женева шаҳрида ташкил этилган касаба уюшмалари салоҳиятини ошириш ва жамоавий музокараларни ривожлантиришга бағишланган ўқув-семинарда иштирок этди. Шунингдек, Республика кенгаши вакили Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида «IndustriALL Global Union» томонидан ташкил этилган халқаро конференция ва Глобал трансмиллий компаниялар қўмитасининг пленар йиғилишида қатнашди. Ушбу тадбирлар ходимларнинг меҳнат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва касаба уюшмалари салоҳиятини ошириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Эндиликда тажрибаларни тармоқ корхоналари фаолиятига татбиқ этиш ишлари олиб борилмоқда.

Зеро, касаба уюшмаси фаолиятининг энг муҳим натижаси – ҳар бир меҳнаткаш ўз ҳуқуқлари, саломатлиги ва келажаги ишончли ҳимояланганини ҳис этишидадир.





Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

ОДАМЛАР ТУРМУШИДА АКС ЭТАЁТГАН ҲАЁТБАХШ ТАШАББУСЛАР

Касаба уюшмасининг чинакам кучи, энг аввало, меҳнаткашлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар билан ўлчанади. Бугун мамлакатимизда ишчи-ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда ходим ва иш берувчи манфаатларини уйғунлаштирадиган, жамоада ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни қарор топтирадиган касаба уюшмаларининг ўрни тобора ортиб бормоқда.





Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши фаолиятида инсон манфаати асосий мезонга айланган. Кейинги йиллардаги ўсиш кўрсаткичлари касаба уюшмасига бўлган ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади. 2021 йилда тизимда 1 173 та бошланғич ташкилот ва 91 329 нафар аъзо бўлган бўлса, бугун бошланғич ташкилотлар сони 1 657 тага, аъзоларимиз сафи эса 215 355 нафарга етди. Янги аъзолар орасида «Uzbekistan Aquatics» федерацияси, Спорт вазирлиги ҳузуридаги «Олимпия шаҳарчаси объектларидан фойдаланиш дирекцияси», «Маънавият» нашриёти, туризм йўналишида «MILLIY PR-MARKAZI» ДМ, Маданият вазирлиги ҳузуридаги «Бинолардан фойдаланиш ва уларни эксплуатация қилиш дирекцияси» каби ташкилотлар бор. Бу минглаб ходимлар касаба уюшмасидан таянч ва ҳимоя излаётганидан, унинг имкониятларига ишонаётганидан далолат беради.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнатга оид ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда ижтимоий кафолатларни кенгайтириш тизимли ҳамкорликни талаб этади. Айни мақсадда кенгашимиз билан Маданият вазирлиги, Бадиий академия, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маданий мерос агентлиги, Туризм қўмитаси, Спорт вазирлиги ҳамда Кинематография агентлиги ўртасида тармоқ жамоа келишувлари имзоланди. Улар ходимлар ҳаётида яққол сезиладиган натижаларга йўл очди. Меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ижтимоий кафолатларни кучайтириш ва одамларга муносиб шароит яратиш бўйича қатор масалалар ҳал этилди. Жумладан, мусиқа мактаблари директорлари ва уларнинг ўринбосарлари учун белгиланган таътил муддати 27 календарь кундан 56 календарь кунга узайтирилди.

Маҳаллий ҳокимликлар тасарруфига ўтказилган маданият марказлари ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларининг оммавий бекор қилинишига йўл қўйилмади. Шу тариқа кўплаб инсонларнинг иш ўрни, оиласининг барқарор даромад манбаи ва эртанги кунга ишончи сақлаб қолинди. Ушбу чоралар маданият ва санъат тизимида меҳнат қилаётган фидойи раҳбарлар ва ходимлар учун ҳақиқий адолат тантанаси бўлди, десам, адашмаган бўламан.

Фаолиятимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳамиша устувор аҳамият берилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона, Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида «Раҳбар ва ёшлар» мавзусида очиқ мулоқотлар ташкил этилди. Учрашувлар эркин суҳбат руҳида ўтди. Ёш ходимлар ва олий таълим муассасалари талабалари ўзларини ўйлантираётган саволларни бериб, таклиф ва ташаббусларини билдиришди, дуч келаётган муаммоларини очиқ баён қилишди. Бундай мулоқотлар уларнинг асосли таклифларини қўллаб-қувватлаш, ташаббусларига йўл очиш, меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инсон ҳаёти ва саломатлиги ҳар қандай меҳнат натижасидан устун туради. Инчунин, барча ҳудудларда «Меҳнат муҳофазаси ҳафталиги» ўтказилиб, иш жойларида хавфсиз шароитлар яратилгани, меҳнат қонунчилиги талабларига қай даражада риоя этилаётгани ўрганилмоқда. «Энг яхши касаба уюшмаси қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» ҳамда «Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» каби кўрик-танловлар, табиийки, жамоаларда хавфсиз меҳнат маданиятини қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Жамоатчилик назорати давомида меҳнат қонунчилиги бузилган 17 та ҳолат аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга тегишли кўрсатмалар берилди. Зеро, ҳар бир қоидабузарлик ортида ҳуқуқи ва хавфсизлиги таъминланиши шарт бўлган инсонлар турибди. Шу боис бундай ҳолатларни оддий камчилик сифатида қабул қилишга ҳақимиз йўқ.

Йилнинг ўтган даврида тармоқ касаба уюшмасига ҳудудлардан 171 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг ҳар бири синчиклаб ўрганилиб, аъзоларимизнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилди. Натижада ходимлар фойдасига жами 106 миллион 540 минг сўм маблағ ундирилди. Жумладан, Наманган вилоятидаги ташкилотларда меҳнат қилаётган саккиз нафар ходимга 102 миллион 140 минг сўм тўлаб берилди. Сирдарё вилоятидаги бир нафар аъзомиз фойдасига 3 миллион 200 минг сўм, Жиззах вилоятидаги яна бир аъзомизга 1 миллион 200 минг сўм ундирилди.

Ижтимоий ҳимоя инсоннинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш билангина ниҳоясига етмайди. Бунда мазмунли дам олиш, дунёқарашни кенгайтириш, вақтни оила билан бирга ўтказиш муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун тарихий шаҳарларимиз ҳамда муқаддас қадамжоларга саёҳатлар ташкил этилди. Тармоқ ташкилотларида меҳнат қилаётган 10 минг нафардан зиёд ходим Хоразм, Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги диққатга сазовор масканларни зиёрат қилди.

Касаба уюшмасининг инсонпарварлик моҳияти соҳа фахрийларига кўрсатилаётган эътиборда янада яққол намоён бўлади. Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик байрами ҳамда касб байрамлари арафасида маданият, кино, театр ва спорт соҳаларида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олиниб, улар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, маданият ва санъатимизнинг таниқли намояндалари Бернора Қориева, Роза Каримова, Лариса Голикова, Ёдгор Саъдиев, Эркин Комилов ва Гулчеҳра Жамилованинг юбилейлари муносабати билан уларга катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилди. Зеро, умрини халқ маънавияти ва санъатига бағишлаган инсонларни эъзозлаш ўтмиш олдидаги қарзимиз, бугунги авлод учун маънавий сабоқ, ёшлар учун ибрат мактабидир. Бу йўналишдаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида Спорт ташкилотлари фахрийлари кенгаши, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Театр арбоблари уюшмаси, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ҳамда Республика бахшичилик санъати маркази билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Бундай ҳамкорликлар фахрийлар, фаол спортчилар ва ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, ижодий танловлар ва спорт мусобақаларини кўпайтириш, янги ташаббусларни рўёбга чиқаришда асқатади.

Хорижий давлатлардаги турдош касаба уюшмалари билан тажриба алмашиш ҳам фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан биридир. Озарбайжон, Қозоғистон ва Россия Федерациясидаги ҳамкор ташкилотлар билан муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида ўзаро меморандумлар имзоланди. Айни пайтда аниқ вазифа ва муддатларга асосланган йўл хариталари ишлаб чиқилмоқда. Келгусида улар доирасида қўшма лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва касаба уюшмалари фаолияти самарадорлигини ошириш кўзда тутилган.



Отабек МУСАЕВ,
Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси



Бажарилган ишлар келгуси вазифалар учун мустаҳкам замин яратади. Олдимизда меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, мурожаатларни тезкор ва самарали кўриб чиқиш, жамоа келишувларидаги ижтимоий кафолатларни кенгайтириш, ҳар бир аъзо касаба уюшмаси ҳимоясини кундалик ҳаётида ҳис этишига эришишдек муҳим вазифалар турибди.

Албатта, касаба уюшмасининг ҳақиқий обрўси ўтказилган тадбирлар ёки имзоланган ҳужжатлар сони билан ўлчанмайди. Инсон қадри фаолиятимизнинг бош мезони экан, ҳар бир ташаббусимиз ва ҳар бир қароримиз одамлар ҳаётида яққол сезиладиган натижага айланиши шарт!

ЭЗГУ ҒОЯГА ҲАМОҲАНГ ИШЛАР



Назира ТОҒАЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси

Яшириб нима қилдик, бир вақтлар «Касаба уюшмалари қандай ташкилот?» деган саволга кўпчилик «Сиҳатгоҳга йўлланма берадиган идора» деб жавоб қайтарарди. Бугун эса касаба уюшмалари том маънода халқ ташкилотига, Янги Ўзбекистон етакчиси раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга камарбасталик, одамларнинг оғирини енгил қилиш ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эса унинг асосий иш принципига айланди.

Хусусан, 2026 йилнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимиз ва эришган натижаларимизни сарҳисоб қилсак, корхона ва ташкилотларда касаба уюшмаси ташкилотларини тузиш, жамоа шартномаларини имзолаш ҳамда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилганини кўришимиз мумкин.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида 2026 йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгаши сафига 686 та ташкилот ва уларда фаолият юритаётган 12 984 нафар аъзо жалб қилинди.

Корхона ва ташкилотларда содир этилган 152 та қонунбузилиш ҳолати касаба уюшмаси меҳнат инспекторлари томонидан бартараф этилди. Ушбу рақамларни қоғоздаги кўрсаткичлар қаторига тиркаб қўйишдан осони йўқ, албатта. Аммо улар меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олдимизда турган вазифалар салмоғини кўрсатиб беради. Чунки бундай қонунбузилишлар қайси бир ходимнинг кўз ёшлари оқишига, кимнингдир хасталаниши ёки кўнглида унутилмас ва асорати битмас жароҳатлар қолишига сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Зеро, инсон тинч-хотиржам, ҳар тарафлама қонуний ҳимояланган тизимдагина садоқат билан хизмат қила олади. Шу боис вилоят кенгаши ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бу йил 38 та корхона ва ташкилотда ўрганиш ўтказди, иш берувчиларга тегишли кўрсатмалар киритиб, камчиликлар бартараф этилишига эришди.

Фуқаролик ишлари бўйича судларга 17 та даъво аризаси киритилиши натижасида ходимлар фойдасига 2 100 000 000 (икки миллиард юз миллион) сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилди.

Бундан ташқари, зиммамиздаги энг масъулиятли вазифа мурожаатлар билан ишлаш эканини чуқур англаган ҳолда, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 165 та мурожаатда кўтарилган барча масалаларни атрофлича ўргандик. Натижада 71 нафар ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди, 94 нафар ходимга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳамда ички ҳужжатларда белгиланган имтиёз ва қулайликларни қўллаш тартиб-қоидаларига доир ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Баъзан иш вақтида бахтсиз ҳодиса содир бўлиши мумкин. Саломатликни эса пул билан сотиб олиб бўлмайди. Аммо шунга қарамай, аксарият ҳолларда бахтсиз ҳодисага учраган ходимларга иш берувчи томонидан зарур ёрдам кўрсатилмаслигига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Ўтаётган йилда ҳам мана шундай воқеаларнинг олтитаси касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назорати асосида кўриб чиқилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг сўровига биноан, улар томонидан айтилган масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида мутахассисларимиз 21 та суд мажлисида иштирок этишди.

Оғир турмуш шароитида кун кечираётган, ижтимоий-иқтисодий кўмакка муҳтож хотин-қизлар муаммолари ҳам касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида. Бу ҳақда гап кетганда, «Аёллар дафтари» доирасида амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Жумладан, вилоятдаги жами 310 та маҳаллада 30 ёшдан ошган хотин-қизларнинг муаммолари ва эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида анкета-сўровномалар асосида хатлов ўтказилди. Шу жараёнда 30 минг 142 нафар аёлнинг ижтимоий аҳволи, турмуш шароити, қизиқиш ва эҳтиёжлари ўрганилди. Хатлов натижаларига кўра, ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ёрдамга муҳтож 30 минг 8 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинди.





ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРГА 17 ТА ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛИШИ НАТИЖАСИДА ХОДИМЛАР ФОЙДАСИГА 2 100 000 000 (ИККИ МИЛЛИАРД ЮЗ МИЛЛИОН) СЎМДАН ОРТИҚ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗАРАРЛАР УНДИРИБ БЕРИЛДИ.

Эътиборлиси, «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичига киритилган 30 минг 2 нафар хотин-қизнинг муаммоларига ечим топилиб, уларга турли йўналишларда амалий ёрдамлар берилди. Хусусан, 6 минг 719 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 1 минг 122 нафар эҳтиёжманд хотин-қизга имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. 489 нафар аёлнинг уй-жой шароитини яхшилашга кўмаклашилди. Тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож 8 минг 869 нафар, ҳуқуқий кўмакка эҳтиёжманд 12 минг 803 нафар хотин-қизга тегишли амалий ёрдамлар кўрсатилди. Ушбу мақсадлар учун турли манбалар ҳисобидан 31 миллиард 436 миллион 900 минг сўм маблағ сарфланди.

Меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари ҳам доимо эътиборимизда. Шу мақсадда «Соғлом маънавий муҳит – жамоа бойлиги», «Маънавият оиладан бошланади», «Маърифатли ёшлар – миллат фахри» каби мавзуларда 300 дан ортиқ тадбир, давра суҳбати ва очиқ мулоқотлар ташкил этилди. Уларда 10 мингдан зиёд касаба уюшмаси аъзолари қатнашдилар.

«Ўзбекистон – 2030» стратегияси ҳамда «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар меҳнат жамоалари ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу борада касаба уюшмалари ташаббуси билан ҳар бир меҳнат жамоасида амалга ошириладиган ишлар режалаштирилиб, давлат дастурининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давра суҳбатлари, маданий-маърифий учрашувларда дастурда белгиланган устувор вазифалар, уларнинг бугунги кунимиз ҳамда келажагимиз учун аҳамияти ва натижалари ходимларга етказилмоқда. Йил давомида 100 дан ортиқ маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилгани эса меҳнат жамоаларида ижтимоий фаолликни ошириш, маънавий муҳитни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ёшлар билан ишлашнинг энг таъсирчан усули уларни эшитишдир. Шу мақсадда вилоят Кенгаши ҳамда тармоқ кенгашлари раислари иштирокида 40 марта «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви ташкил этилди. Уларда қарийб 5700 нафар йигит-қизлар қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш, муаммо ва таклифларини билдириш имкониятига эга бўлдилар. Чунончи, ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун имтиёзли саёҳатлар ташкил қилиш, фарзандларини ёзги таътилда оромгоҳларга юбориш, ёш ходимларнинг санаторийларда соғломлаштирилишидаги имтиёзлар, меҳнат муносабатлари мавзуларидаги турли саволлар, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Бу мурожаатлар тегишлилиги бўйича ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилишига эришилди.

Меҳнат жамоаларида ташкил этилган «Маънавият соатлари»да эса 7 250 нафар ёш иштирок этишди. Бу машғулотлар уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, миллий қадриятларга ҳурмат, юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугунги ислоҳотлар, амалга оширилаётган ишлар, жумладан, касаба уюшмалари фаолияти жараёнида юртимиз тинчлиги, мамлакат ижтимоий-иқтисодий равнақи, фуқароларимизнинг ҳаётдан розилиги, эртанги кунга ишонч билан қараши, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш асосий ўрин тутади.



Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

РАҚАМЛАР ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР



Аъзамжон СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши раиси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Шу асосда Наманган вилоятида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2 минг 333 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотидаги 559 минг 115 нафар аъзони бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши фаолиятига назар ташласак, меҳнат ҳуқуқларини тиклаш, эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш йўналишларида муайян натижаларга эришилганини кўриш мумкин. Жумладан, кенгашга корхона ва ташкилотлар ҳамда фуқаролардан 34 та мурожаат келиб тушди. Уларни ўрганиш натижасида 13 нафар ходим фойдасига 96 миллион сўм иш ҳақи ундириб берилди. Шунингдек, меҳнат ҳуқуқ инспекторлари фуқаролик ишлари бўйича судларда 21 нафар ходимнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилдилар.

Меҳнат техник инспекцияси томонидан ҳам ушбу йўналишда сезиларли натижаларга эришилди. Масалан, «Baraka Tosh Qum» МЧЖдан фуқаро М.Очилпўлатовга 122 миллион 500 минг сўм, «Murod og'li Malik» МЧЖдан 3.Зуннурхўжаевга 55 миллион 797 минг сўм зарар учун товон пули ундириб берилди. 52 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг меҳнат муҳофазасига оид фаолияти ўрганилиб, 329 та ҳолатда қоида ва меъёрлар бузилгани аниқланди. Улардан 254 таси бартараф этилди. Қолган камчиликларни тузатиш юзасидан иш берувчиларга ёзма тақдимномалар киритилди.

Жамоаларда ижтимоий ҳимояни кучайтириш, иш берувчилар билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида вилоятдаги 492 та нодавлат корхона ва ташкилотда янги касаба уюшмаси ташкил этилиб, 16 минг 504 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди.

Ўтган йили вилоятда 10 минг 409 та корхона, ташкилот ва муассасада жамоа шартномалари қабул қилиниб, 474 минг 746 нафар ходимнинг манфаатлари қамраб олинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида меҳнат жамоаларида ушбу шартномаларнинг бажарилиши муҳокама қилинди. Шунингдек, 2026-2028 йилларга мўлжалланган 380 тадан ортиқ янги жамоа шартномаси лойиҳаси тайёрланиб, экспертизадан ўтказилди.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 1 минг 285 нафар пенсионерга 498,1 миллион сўм, 2 минг 127 нафар кам таъминланган оила вакилига 915,8 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 3 минг 916 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларига ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилиш учун 569,5 миллион сўм сарфланди.

Пенсияга кузатилган 441 нафар ходимга 262,9 миллион, бола парвариши таътилидаги 337 нафар ёш онага 206,2 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Ўз навбатида, меҳнаткашларнинг саломатлиги, мазмунли дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши диққат марказимизда. Ёзги мавсумда вилоятдаги тўққизта оромгоҳда 6 минг 520 нафар мактаб ўқувчиси, жумладан, 3 минг 750 нафар кам таъминланган оила фарзандлари соғломлаштирилди.

Ишчи-ходимларга 1 минг 667 та санаторий йўлланмаси берилди, уларнинг 116 таси бепул ажратилди.



«Океан» сув спорти саройига 2 минг 355 та имтиёзли абонемент тарқатилди. Касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ҳисобидан 1 минг 204 нафар меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзоларини санаторийлар ҳамда дам олиш уйларида соғломлаштириш учун 5 миллиард 963 миллион сўм сарфланди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, саломатлигини тиклаш, муаммоларини ҳал этиш борасида «Аёллар дафтари»га киритилган 82 минг 2 нафар эҳтиёжманд хотин-қиздан 79 минг 523 нафарининг муаммолари ҳал этилди. Жумладан, 29 минг 646 нафар ишсиз аёлнинг бандлиги таъминланди, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 1 минг 926 нафарига кредит олишда кўмаклашилди. 28 минг 428 нафарига тиббий ва психологик ёрдам, 18 минг 826 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлганларига ҳам амалий кўмак берилди.

Қолаверса, меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳат кунлари, ёшлар билан учрашувлар ва маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Бундай мулоқотлар ходимлар, талабалар ва ёшларнинг ҳуқуқий билимини оширмоқда.

ИЖТИМОИЙ ЁРДАМГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. ЖУМЛАДАН, 1 МИНГ 285 НАФАР ПЕНСИОНЕРГА 498,1 МИЛЛИОН СЎМ, 2 МИНГ 127 НАФАР КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛА ВАКИЛИГА 915,8 МИЛЛИОН СЎМ МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, 3 МИНГ 916 НАФАР ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИГА ЎҚУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА ДАРСЛИКЛАР ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН 569,5 МИЛЛИОН СЎМ САРФЛАНДИ.





Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

ДИЛДАГИ МАМНУНЛИК, ТИЛДАГИ МИННАТДОРЛИК БОИСИ...

Қизиб турган ўчоқдаги олов тафтида пўлат эритиш ёки қуйишдек оғир ва машаққатли, аммо шарафли касбнинг барча сир-асрорларини эгаллаб, юртимиз равнақига ҳисса қўшаётган инсонлар талайгина. Уларнинг ҳар бир куни меҳнат, ирода ва фидойилик билан суғорилган. Шундай кишиларнинг қадрига етиш ва кўнглига йўл топиш биз, касаба уюшмалари масъулларининг бош мақсадимизга айланган. Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг бугунги фаолиятига назар солар экансиз, бу гапларимиз қуруқ шиор эмаслигини ўзингиз ҳам ҳис қиласиз.



ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – ҲИМОЯ ҚАЛҚОНИ

Одамлар эрталаб ишга ошиқар экан, эртанги кунидан, ҳақ-ҳуқуқлари давлат ва жамият томонидан ҳимоя қилинишидан хотиржам бўлиши керак. Мана шу мақсадда «ЎзАвтосаноат» ҳамда «ЎзЭлтехсаноат» АЖлари билан имзоланган 2026-2028 йилларга мўлжалланган тармоқ келишувлари том маънода меҳнаткашларнинг ҳуқуқий қалқонига айланди. Бугунги кунда тармоқдаги 420 та юридик мақомга эга ташкилотнинг 418 тасида жамоа шартномаси тузилган бўлса, қолган 2 таси филиал сифатида юқори турувчи органнинг шартномасидан фойдаланмоқда. Демоқчимизки, ҳар бир ишчи қонун ҳимоясида ва эътибор марказида турибди.

ЮРАККА ЯҚИН ҒАМХЎРЛИК

Касаба уюшмаси фаолиятининг асл мазмуни одамлар кўзидаги қувончда, юрагидаги миннатдорликда акс этади. Инсонларга малҳам бўлиш ҳар бир ҳамкасбимизнинг бош аъмолидир. Қуйидаги рақамларга эътибор беришингизни истардим. Якунига етаётган йилда пенсияга чиқиш арафасида турган 1 589 нафар ходимга бирйўла моддий ёрдам кўрсатилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди. Бунинг учун 8 миллиард 850 миллион сўм йўналтирилди. Кексайганда ўзига кўрсатилган бундай ҳурмат-эҳтиром ҳар қандай инсонни ҳам қувонтиради. Ҳисобот даврида эл равнақи учун тер тўкиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган 3 271 нафар собиқ ходим ҳам унутилмади. Уларга 3 миллиард 938 миллион сўм миқдорида моддий кўмак берилди. Саломатлиги ёмонлашгани туфайли меҳнат қобилиятини йўқотган, ўзгалар парваришига муҳтож 3 177 нафар кишига байрамлар арафасида 3 миллиард 597 миллион сўм хайрия маблағлари ажратилди.

Оиласи бағрида гўдак фарзанди билан банд оналар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, икки ёшдан уч ёшгача бўлган фарзандини тарбиялаётган 986 нафар онага моддий ёрдам берилди. Қолаверса, 104 та нодавлат корхонадаги 530 нафар ёш болали опа-сингилларимизга ойлик маоши сақланган ҳолда ҳафталик иш вақти 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

ҚАНОТ БАҒИШЛАГАН САХОВАТ

Олий ўқув юртида таҳсил олаётган, аммо шартнома пулини тўлашда қийналаётган 479 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларнинг контракти учун 2 миллиард 634 миллион сўм тўлаб берилди. Бу ёшларнинг орзуларига қанот бағишлаб, янги ғоялар ва эзгуликларга чорлашига ишонамиз.

Инсон учун уй-жойли бўлиш масаласи ҳам ўта муҳим. Ишчи-хизматчи қачонки ўз хонадонига эга бўлсагина, хотиржам меҳнат қилади. Шу боис тизимимизга қарашли корхона ва ташкилотларда уй-жой қуриш ёки рўзғорни бутлаш илинжидаги 1 423 та ёш оилага жами 7 миллиард 837 миллион сўм миқдорида фоизсиз ссудалар берилди. Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташга отланган 793 нафар йигитга эса қарийб 4 миллиард сўмлик моддий кўмак кўрсатилди.

ҲУҚУҚ ВА АДОЛАТ ҲИМОЯСИДА

Ҳар бир жамиятнинг пойдевори адолатга таянади. Меҳнат қилаётган кишининг ҳақи поймол бўлмаслиги, унинг пешона тери ҳавога совурилмаслиги керак. Шунинг учун ҳам кенгашимизга келиб тушган мурожаатларнинг бирортаси ҳам эътиборсиз қолмади.

Йил бошидан буён жами 25 та мурожаат рўйхатга олинди. Уларнинг асосий қисми меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалалардир. Иш ҳақини ундириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида ноҳақликка учраганларнинг маблағлари ундириб берилди. Айниқса, судларда кўрилган масалалар катта аҳамиятга эга. Жумладан, 1100 нафар ходимнинг ойлик иш ҳақини 10 фоизга ошириш бўйича жамоа шартномаси шартларини бажариш талаби қўйилган мурожаатлар ва уларни ўрганиш натижасида қарийб 4 миллиард сўмлик тўловларни тўлаб бериш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарилишига эришдик. Бундан ташқари, ноқонуний ўзгартирилган низомлар бекор қилиниб, яна 1100 нафар ходимнинг манфаатлари ҳимоя қилинди, икки миллиард сўмга яқин тўловлар қайта ҳисобланди.

Тинимсиз меҳнатдан сўнг мазмунли ҳордиқ чиқариш инсонга ўзгача куч-қувват ва завқ бағишлайди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида юртимизнинг муқаддас қадамжолари, кўҳна ва гўзал шаҳарларига уюштирилган саёҳатлар меҳнаткашлар кўнглига илиқлик олиб кирди. Бунинг учун жами 6 миллиард 212 миллион сўм сарфланиб, 2 850 нафар ходим қамраб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда касаба уюшмалари ҳар бир меҳнаткашнинг дардига шерик, оғирини енгил қилувчи чинакам суянчдир. Инсон қадри улуғланган, меҳнати қадр топган юртда эса доимо тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик барқарор бўлади.





Талъат УСМОНОВ,
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

ҲАР БИР ИШДА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Мамлакатимизда тиббиётни ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар қандай ислоҳотнинг ижрочиси эса кадрлардир. Шу муносабат билан тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги мингга яқин барча бошланғич ташкилотларимиз томонидан муассаса иш берувчилари билан биргаликда ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларга имтиёз ва кафолатлар берилмоқда. Сўзимнинг исботи сифатида биргина ўтган йил якунига кўра, тармоқ бўйича ҳар бир ходимга жамоа шартномалари орқали сарфланган маблағ ўртача 11,5 миллион сўм бўлганини келтиришим жоиз.





Фарҳоджон ХАНАПИЯЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Шу ўринда бу борада амалга оширилаётган тадбирлардан айримларини келтириб ўтмоқчиман. Жамоа шартномалари орқали иш берувчилар томонидан меҳнат жамоаларида узоқ йиллар фаолият юритган ходимларни юбилей саналари муносабати билан рағбатлантириш ишлари амалга оширилмоқда. Пенсияга чиқаётган ходимларга эсдалик совғалари, пенсионерларга моддий кўмак берилмоқда. Икки ёшдан уч ёшгача фарзанди бор 490 нафар она, кам таъминланган ёш оилаларнинг 4 734 нафар вакили, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож 571 нафар фуқаро қўллаб-қувватланди. Ёки айтайлик, тармоқ касаба уюшмаси тасарруфидаги нодавлат тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган 324 нафар ёш болали аёлнинг иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган этиб белгиланишига ва бу жараёнда меҳнат ҳақи сақланиб қолишига эришилди.

Шунингдек, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 173 нафар талабанинг контракт тўловлари қисман қопланди.

Ўтган йили давлатимиз раҳбари тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлаш борасида алоҳида фармон имзолагани айни муддао бўлди. Ушбу ҳужжат асосида давлат тиббиёт ва фармацевтика муассасалари ҳафталик 5 кунлик иш режимига ўтказилди. 15 йилдан ортиқ ишлаётганлар фарзандларининг олий таълим муассасаларидаги тўлов-контракт пулининг бир қисми, 500 нафар ходимга ипотека кредитининг маълум миқдори тўлаб берилишини, давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йиллик стажга эга бўлганлар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштирилиши каби имтиёзлар берилганини соҳада меҳнат қилаётганлар меҳнатини ўзига хос қадрлаш деб биламиз.

Касаба уюшмамиз томонидан анъанавий тус олган бир қатор ишларни ҳам давом эттирдик. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Ҳеч ким унутилмайди, ҳеч ким эътиборимиздан четда қолмайди. Барча ҳаракатларимиз инсон қадри учун» деб номланган акция ўтказдик. Тизимда узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган ёки нафақага чиққан ходимларимизга қадрномалар тайёрлаб топширдик, вафот этган марҳумлар хонадонидан хабар олиб, уларнинг яқинларига касаба уюшмасининг ёднома ва совғаларини улашдик. Шу тариқа 4 569 нафар ходим ва марҳум ходимлар яқинлари ҳолидан хабар олинди. Ёки йил бошидан бери икки марта «Қон топширинг. Қон – бу ҳаёт» номли акция ташкил этилди. Натижада 2 тоннадан ортиқ қон топширилди.

Охирги йилларда касаба уюшмамиз ўз аъзолари хоҳиш-истагини ҳисобга олган ҳолда, ички туризм масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу кунга қадар «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 16 893 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларидан 10 446 нафари диққатга сазовор масканларга, 6 447 нафари тарихий шаҳарларга саёҳат қилиб, юртимизнинг бой маданий мероси билан танишишига ҳисса қўшдик.



Бутунжаҳон саломатлик куни муносабати билан уюштирилган оммавий юриш марафонларида 8 минг нафардан ортиқ ёш ходимлар қатнашдилар. «Касаба уюшмалари – саломатлик сари» дастури асосида бўлиб ўтган республика спартакиадасида 30 минг 850 нафар ходим ўзаро куч синашдилар. «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида «Соғлом танда – сифатли тиббиёт» шиори остида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кубоги спорт мусобақаларига 18 минг нафардан ортиқ соҳа фидойиси қамраб олинди. Куни кеча Республика босқичи якунланган «Соғлиқни сақлаш вазири ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси раиси кубоги» учун спортнинг стол тенниси, шахмат, шашка ва мини-футбол турлари бўйича спартакиаданинг барча босқичларида 12 мингдан зиёд соҳа ходимлари қатнашгани қувонарлидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда кўп йиллардан бери 12 май – Халқаро ҳамширалар куни, ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси Тиббиёт ходимлари куни сифатида кенг нишонлаб келинади. Ҳамширалар байрами арафасида пойтахтимизга барча ҳудудлардан 800 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимларини таклиф этдик. Улар иштирокида анъанавий «Йил ҳамшираси», «Йилнинг энг яхши ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходими», «Йилнинг энг яхши дояси», «Энг яхши IT-оператор ҳамшираси» танловлари уюштирилди. Айниқса, ҳамшираларимизнинг 7-12 ёшли фарзандлари ўртасидаги «Менинг онам – ҳамшира» расмлар танлови жуда юқори савияда ўтди.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг фармони асосида биринчи марта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасидаги «Тиббиёт фидойиси» онлайн танловида 37 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари иштирок этдилар. 59 нафар ғолибга 30 миллион сўмдан, 42 та муассасанинг ҳар бири 500 миллион сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди.

Касаба уюшмамизга келиб тушган 120 мингдан зиёд мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Биргина меҳнат инспекцияси томонидан режали тарзда 313 та тармоқ муассаса ва ташкилотларида жамоатчилик назорати тартибида ўрганишлар ўтказилди. Аниқланган қонунбузилишлар бартараф этилиб, 41 049 нафар ходимнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Шу йил бошидан бошлаб тизимдаги 953 та ташкилот, корхона ва муассасада меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 8 533 нафар вакил сайланишига эришдик. Ҳозиргача уларнинг 1 050 нафари меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилди. Қолган 6 782 нафарини босқичма-босқич ўқитиш бўйича режа-жадваллар тасдиқланди.

Биз юқорида ижтимоий шериклик тамойиллари асосида тузилган келишув ва шартномалар орқали амалга оширган ишларимизнинг айримлари ҳақида тўхталдик, холос. Лекин эришилган натижалар ва кўрсаткичларга маҳлиё бўлиб қолиш ниятида эмасмиз. Аксинча, бундан кейин ҳам аъзоларимизга муносиб меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш йўлида фаолиятимизни давом эттирамиз.



Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

ХАВФСИЗ МЕҲНАТ – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ



Суҳроб РАФИҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси

Жаҳон меҳнат бозорида юз бераётган ўзгаришлар ҳар бир мамлакат олдига янги вазифаларни қўймоқда. Хусусан, Жаҳон иқтисодий форумининг (WEF) сўнгги маълумотларига кўра, келгуси ўн йилликда сунъий интеллект, рақамлаштириш, демографик жараёнлар ва «яшил» иқтисодиёт таъсирида бандлик соҳасида жиддий ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда. Бу эса замонавий касбларни эгаллашни, ходимларни қайта тайёрлаш ва меҳнат бозори талабларига мослаштиришни ҳаётий заруратга айлантирмоқда.

Меҳнат бозоридаги бундай ўзгаришлар Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ҳар йили 600 мингдан ортиқ ёш бу бозорга кириб келмоқда, келгуси беш йилда эса уларнинг сони бир миллиондан ошиши кутилмоқда. Бундай шароитда аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни замонавий касбларга йўналтириш, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва ишчи кучининг рақобатбардошлигини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Президентимиз касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида 2030 йилгача мўлжалланган «Муносиб меҳнат» дастури ишлаб чиқилаётганини маълум қилган эди. Ушбу ташаббус ходимлар учун адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон капиталини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Инчунин, иқтисодий тараққиётнинг натижаси нафақат ишлаб чиқариш ҳажми, балки ҳар бир меҳнаткашнинг ҳаёти ва турмушидаги ижобий ўзгаришларда ҳам намоён бўлиши лозим.

Жаҳон меҳнат бозорида кузатилаётган номутаносибликлар мамлакатимиз учун ҳам бегона эмас. Айрим соҳаларда малакали кадрларга талаб ортиб бораётган бир пайтда, уларда фаолият юритаётган мутахассисларнинг билим ва кўникмалари иш берувчилар эҳтиёжларига доимо ҳам мос келавермайди. Шу боис касбий таълимни меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштириш, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш зарур.

Бу жараёнда иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки ходимнинг касбий салоҳияти билан бир қаторда меҳнати ҳам муносиб баҳоланиши, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва у хавфсиз иш шароитига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгашининг «Касаба зиё» ўқув маркази фаолиятида ҳам ушбу масалаларга эътибор қаратилмоқда. Марказ дастлаб меҳнат муҳофазасига оид билимларни мустаҳкамлаш ва ходимлар кўникмаларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган эди. Бугун эса меҳнат бозоридаги ўзгаришлар ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўқув йўналишларини кенгайтириш бўйича иш олиб бормоқда. Бу ходимларнинг касбий билимлари бойишига ва меҳнат бозори талабларига мослашишларига хизмат қилади.

Касбий малакани ошириш билан бир қаторда ходимларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам долзарб вазифадир. 2025 йилда вилоятимизда иш вақтида ходимлар билан боғлиқ 12 та бахтсиз ҳодиса қайд этилгани, айримлари ўлим билан якунлангани бу масалага бефарқ қараб бўлмаслигини кўрсатди.

Бахтсиз ҳодисалар ҳар томонлама ўрганилиб, уларга ҳуқуқий баҳо берилди. Боқувчисини йўқотган оилаларга қонунчиликда белгиланган тартибда амалий ёрдамлар кўрсатилди. Бироқ энг асосий вазифа бундай фожиаларнинг олдини олиш, иш жойларида хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлашдир.

Сўнгги беш йилдаги кўрсаткичлар таҳлили ходимларнинг иш вақтида жароҳатланиши билан боғлиқ муаммолар ҳануз долзарблигича қолаётганини кўрсатди. Шу боис ҳамкор ташкилотлар ва иш берувчилар иштирокида меҳнат муҳофазасига оид ўқувлар кўлами кенгайтирилди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ 4 212 ТА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТДАГИ БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЕТАКЧИЛАРИ, МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА. ЎРГАНИШЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ДАВОМИДА АНИҚЛАНГАН 24 ТА ЖИДДИЙ КАМЧИЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛДИ. АМАЛИЙ КЎМАККА ЭҲТИЁЖИ БОР 30 ГА ЯҚИН КОРХОНАДА СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА ЎҚУВЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

Самарқанд техника университети билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси йўналишида кўргазмали ва амалий тадбирлар ўтказилди. Корхона ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ойликларини ташкил этиш амалиёти кенгайтирилди. Бу тадбирлар ходимларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш кўникмаларини мустаҳкамлаш ва иш жойларида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномалари ҳам муҳим ўрин тутади. Вилоятимиздаги 14 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотда ишлаётган ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамоа шартномаларига ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш ҳақини ошириш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш ҳамда ижтимоий ҳимояни кенгайтиришга оид бандлар киритилмоқда. Ушбу мақсадлар учун ҳар бир ходимга ўртача 9 миллион 619 минг 470 сўм маблағ сарфланди.

Меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва муносиб дам олишини таъминлаш ҳам касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Айни мақсадда корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган пенсионерлар, касаба уюшмалари аъзоларининг пенсия ёшидаги ота-оналари, шунингдек, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи бор фуқароларни соғломлаштириш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этишда иштирок этганлар бепул санаторий йўлланмалари билан таъминланяпти. Олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ишловчи аъзоларидан 354 нафарига бепул санаторий йўлланмалари тақдим этилди. Маҳалла ҳаётида фаол ва жамоатчилик билан ишлашда ташаббускор 12 нафар хотин-қиз ҳам шу тариқа рағбатлантирилди.

Ишчи-ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини асраш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда касаба уюшмалари, иш берувчилар ва ҳамкор ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этилишини таъминлаш зарур.







ЗЕРО, МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ФАҚАТ ИШ ЖОЙИДАГИ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИ БАЖАРИШДАН ИБОРАТ ЭМАС. ШУНДАЙ ЭКАН, ҲАР БИР ХОДИМНИНГ ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАМДА МУНОСИБ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗДА БЎЛАДИ. МЕҲНАТ ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА ЭСА ИНСОН ҚАДРИ ҲАМ УЛУҒЛАНАДИ.

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

РИЗОЛИК ТАЖАЛЛИСИ

Ҳудудлар ривожи нималарда акс этади? Қад ростлаётган муҳташам иншоотлар, янги ишга туширилаётган йирик ишлаб чиқариш қувватлари ёки иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган миллиардлаб инвестициялардами?
Шубҳасиз, мазкур рақам ва кўрсаткичлар тараққиётнинг муҳим белгиларидир. Бироқ энг асосий ва ҳаётий мезон – одамларнинг кундалик турмушида росманасига сезилаётган ижобий ўзгаришлар, меҳнатининг муносиб рағбатлантирилиши ва фуқароларнинг эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончидир.



Бугун Сирдарё вилоятида кечаётган кенг кўламли янгиланиш жараёнларини кузатар эканмиз, ушбу ҳақиқатга яна бир бор иқрор бўламиз. Вилоятдаги ислоҳотлар аллақачон қоғоздаги рақамлар ва қуруқ ҳисоботлар чегарасидан чиқиб, амалий ҳаётга кўчди. Ушбу ўзгаришларнинг реал натижасини ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишчи-ходимлар кайфиятида, аграр тармоқ вакиллари интилишларида ҳамда маҳаллалар ҳаётида яққол кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилояти фаоллари, кенг жамоатчилик ва нуронийлар билан ўтказган учрашуви очиқ ва самимий мулоқот руҳида кечган эди. Президентимизнинг **«Сирдарёга катта режалар билан келганмиз»** деган сўзлари замирида нақадар улкан мақсадлар ва юксак ишонч мужассам эканини ҳар бир сирдарёлик қалбан ҳис этди. Бу ишонч вилоят аҳлига нафақат чексиз ғурур бахш этди, балки зиммасига улкан масъулият ҳам юклади. Зеро, бундай стратегик вазифаларни фақат бир ёқадан бош чиқариб, тинимсиз меҳнат қилиш орқали рўёбга чиқариш мумкин.

Иқтисодий ўсиш суръатлари ҳақида назарий фикр юритиш бошқа, унинг самарасини ҳар бир хонадон фаровонлигида, ҳар бир инсон тақдирида намоён этиш эса умуман бошқа масаладир. Менимча, Сирдарёнинг бугунги тараққиётига айнан шу нуқтаи назардан баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.

Вилоятнинг яқин ўтмиши барчанинг ёдида. Йиллар давомида Сирдарё деганда, асосан, пахта монокультураси, паст ҳосилдорлик ва мажбурий меҳнат тушунилар эди. Пахта йиғим-терими мавсумида бошқа ҳудудлардан минглаб ҳашарчиларни жалб этишга тўғри келарди.

Бу – ўтмиш манзараси. Бугун эса аграр тармоққа янгича ёндашувлар, илмий ютуқлар ва замонавий технологиялар изчил татбиқ этилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган аграр ислоҳотлар, илғор хориж тажрибаси ва тўғри йўналтирилган инвестициялар Сирдарё қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартирди.

Мирзаобод, Ховос ва Сардоба туманларида 16 минг гектардан зиёд чўл ерларининг қайта фойдаланишга киритилиши ҳамда гектаридан 60 центнергача пахта олиниши оддий статистика эмас. Бу – илгари фойдаланилмай келинган ички имкониятлар ва захиралар ишга солинганининг амалий исботидир. Бундан ташқари, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда сув тежовчи ва томчилатиб суғориш технологиялари кенг жорий этилмоқда. Сув ресурслари тақчиллиги кузатилаётган бир даврда бу ҳаракат ҳосилдорликни ошириш ва табиий бойликларни асрашнинг ягона тўғри йўлидир. Омилкорлик билан ташкил этилган агротехник тадбирлар натижасида вилоят жорий йилда пахта топшириш шартномавий режасини республикада биринчилардан бўлиб бажарди. Энг муҳими, ушбу натижага ҳеч қандай мажбурий меҳнатсиз, далада қўл меҳнати ўрнини замонавий юқори унумли техникалар эгаллагани эвазига эришилди.

Илгари куз мавсуми бошланиши билан ишчи кучи етишмовчилиги ва ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб олиш хавотири юзага келарди. Эндиликда эса бундай муаммолар юқори технологик пахта териш машиналари воситасида тизимли ҳал этилди. Далада техника кучидан унумли фойдаланилиши мажбурий меҳнатга бўлган эҳтиёжни бутунлай йўқотди. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш ҳамда инсон қадрини улуғлашнинг амалий намунасидир. Президентимиз томонидан илгари сурилган «Инсон қадри учун» тамойили Сирдарё далаларида мана шундай реал ифодасини топмоқда.

Вилоятда саноатлашиш жараёнлари ва тадбиркорлик фаолияти ҳам изчил равишда кенгайиб бормоқда. Ҳар қандай йирик инвестициявий лойиҳанинг асл қиммати «Бу корхонанинг ишга тушиши оддий фуқаро ҳаётида нимани ўзгартирди?» деган оддий бир саволга бориб тақалади. Агар янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли барқарор иш ҳақи билан таъминланса, ёшларимиз замонавий касб-ҳунарларни эгаллаб, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшса – лойиҳанинг ҳақиқий муваффақияти мана шудир. Демак, иқтисодий ўсиш билан бирга меҳнат муносабатлари маданиятини юксалтириш, ходимлар учун хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Касаба уюшмалари вакили сифатида биз учун ҳудудда янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши қанчалик муҳим бўлса, у ерда фаолият юритаётган инсонларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланиши, уларнинг муносиб иш ҳақи ва хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиши ҳам шунчалик устувор аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳар бир ишчи-ходимнинг мурожаатини тинглаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида конструктив мулоқотни йўлга қўйиш кундалик фаолиятимиз мезонидир. Касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги ҳам айнан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва қадри ҳимояланганини ҳис этиш даражаси билан ўлчанади.



Рустамбек ТУРСУНМУРОДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси

Олдимизда ҳали катта марралар ва режалар турибди. Энг муҳими, танланган истиқболли йўлимиз тўғри экани намоён бўлмоқда. Сирдарё вилоятининг ҳақиқий ютуғи фақат иқтисодий кўрсаткичлар ёки жадвалдардаги юқори кўрсаткичларда эмас, балки одамларимизнинг юзидаги ризолик табассумида, меҳнатлари маҳсулидан баҳраманд бўлаётганида ва эртанги кунга бўлган қатъий ишончида акс этмоқда. Вилоят аҳлининг бугунги саъй-ҳаракатлари ҳам, эртанги зафарлари ҳам айнан мана шу инсонпарвар мезон асосида баҳоланиши керак.







Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ЕЛКАМА-ЕЛКА...

Ишонч ва эътирофга асосланган ҳамкорлик



Улуғбек МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

«Одами эрсанг, демагил одами, ониким, йўқ халқ ғамидин ғами». Алишер Навоийнинг ушбу ҳикматли мисралари замирида инсон қадри, халққа ғамхўрлик ва эл манфаати йўлида хизмат қилишдек улуғ ғоя мужассамлашган. Зеро, ҳар қандай ислоҳотнинг ҳақиқий самараси, аввало, одам ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, унинг меҳнати қадр топиши ва эртанги кунга ишонч билан қарашида намоён бўлади.



Шу боис Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, унинг бўлинмалари ҳамда қуйи бўғиндаги ташкилотлари ҳам бундай хайрли ишларга ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида олиб борилган тизимли ишлар натижасида касаба уюшмаси тузилмаган юридик шахс мақомидаги 1 322 та корхона ва ташкилот тармоқ касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Натижада уларда меҳнат қилаётган 49 550 нафар ходимнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконияти яратилди.

Умуман олганда, тармоқ касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич ва цех касаба уюшмаси ташкилотлари сони 6 201 тага, улардаги аъзолар сони эса 2026 йил 10 октябрь ҳолатига 458 759 нафарга етди. Бу рақамлар шунчаки статистик кўрсаткичлар эмас. Уларнинг ортида ўз меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмаси мададига таянаётган минглаб ишчи-хизматчилар, уларнинг оила аъзолари манфаатлари бор.

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ

Бугунги меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикликнинг ўрни беқиёс. Чунки ишлаб чиқариш самарадорлиги, корхона тараққиёти ва ходимлар фаровонлиги, энг аввало, иш берувчи билан меҳнат жамоаси ўртасидаги муносабатлар қай даражада тўғри йўлга қўйилганига боғлиқ.

Шу боис тармоқ касаба уюшмаси томонидан ижтимоий шерикликни ривожлантириш, жамоа келишувлари ва шартномаларининг амалий ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2026-2028 йилларга мўлжалланган Бош жамоа келишувида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси, «Ҳунарманд», «Ўзтўқимачиликсаноат», «Ўзчармсаноат» уюшмалари, Ўзбекистон кўзи ожизлар ҳамда Ўзбекистон карлар жамиятлари билан тармоқ жамоа келишувлари тузилди.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, Республика кенгаши тарихда илк бор «Савдо ва сервис» юридик шахслар бирлашмаси билан ҳам уч йиллик тармоқ жамоа келишувини имзолади. Бу касаба уюшмаларининг тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик доираси кенгайиб, ижтимоий шериклик янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Жорий йилнинг март-апрель ойларида ижтимоий шерик ташкилотлар биргаликда жамоа келишувларининг ўтган йилги ижроси муҳокама қилинди. Таъкидланишича, жамоа шартномалари орқали ходимларнинг қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлари билан бир қаторда, улар учун қўшимча ижтимоий кафолатлар ҳам мустаҳкамланган.

Бинобарин, ижтимоий шерикликнинг ҳақиқий натижаси қоғоздаги келишувларда эмас, балки ходимнинг кундалик меҳнат ва турмуш шароитида акс этаётган ижобий ўзгаришларда кўзга ташланмоқда.





ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Охирги пайтларда «Инсон қадри учун» деган эзгу тамойил фаолиятимизнинг асосий мезонига айланди. У касаба уюшмалари фаолиятида ҳам меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзолари, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахслар, ёш оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлашда амалий ифодасини топмоқда.

Ҳисобот даврида жамоа келишувлари ва шартномалари орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва ходимларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилди. Чунончи, 321 та корхонада 500 нафар пенсия ёшидаги шахсга бир марталик моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар ажратилди. Бу мақсадлар учун иш берувчилар томонидан 279 миллион 202 минг 900 сўм, касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 31 миллион 152 минг 200 сўм йўналтирилди. 704 та корхонада меҳнат фаолиятини якунлаган 1 730 нафар пенсионерга иш берувчи ва касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан жами 765 миллион 672 минг 300 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 192 та корхонадаги 263 нафар ногиронлиги бўлган шахс ва ўзгалар парваришига муҳтож кишига байрам муносабати билан 171 миллион 312 минг 800 сўм маблағ ажратилди. 766 та корхонадаги 2 165 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга 1 миллиард 380 миллион 165 минг 100 сўм миқдорида кўмак берилди.

Шунингдек, ички туризмни ривожлантириш ва меҳнаткашларнинг мазмунли дам олишини ташкил этиш мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 457 та корхонанинг 13 285 нафар ишчи-хизматчилари учун саёҳатлар ташкил этилди. Ушбу тадбирларга жами 1 миллиард 705 миллион 644 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Буларнинг барчаси касаба уюшмалари фаолиятида ижтимоий ҳимоя тушунчаси фақат моддий ёрдам бериш билан чекланмасдан, инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши, ҳордиқ чиқариши, таълим олиши ва келажагини барпо этишига кўмаклашишни ҳам қамраб олаётганини кўрсатади.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Хусусий секторда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат шартномаларининг қонунан расмийлаштирилиши ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши доимий назоратни талаб этади. Шунга кўра, Республика кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан иш ҳақи тўловлари ҳар ойда мониторинг қилиб борилмоқда. Муддати ўтган иш ҳақи қарздорликлари аниқланган ташкилотларда иш берувчилар билан биргаликда муаммони бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Йил давомида жисмоний ва юридик шахслардан Республика кенгашига 28 та мурожаат келиб тушди. Улар масъул мутахассислар томонидан ўрганилиб, мурожаатчиларга қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. Ходимлар фойдасига 100 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ундирилишига эришилди.

МАҚСАД – ИНСОН МАНФААТИ, МЕЗОН – АМАЛИЙ НАТИЖА

Бугун тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг муҳим таянчига айланиб бораётган бир шароитда уларда меҳнат қилаётган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иш берувчи ва ходим ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни қарор топтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифадир. Шу маънода, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар фақат тармоқ доирасидаги вазифалар ижроси эмас, балки мамлакатимизда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар саналади.

Албатта, бу борада ҳали олдинда турган вазифалар бисёр. Эришилаётган натижалар кўпайиб, ижтимоий шериклик алоқалари ва меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларига ишончи кучаяётгани эса келгусида янада салмоқли марраларни забт этиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.



Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ЭҲТИРОМ



Октябрь ойида соҳамизда муҳим ўзгариш юз бериб, таълим ва илм-фан тизими ягона мақсад йўлида бирлаштирилди. Буни шунчаки маъмурий ислоҳот эмас, балки ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи ва илм-фан ходимининг меҳнатини қадрлашга қаратилган ғамхўрликнинг амалий ифодаси сифатида қабул қилиш лозим. Негаки, мактабгача таълимдан тортиб олий таълим даргоҳигача бўлган бу яхлит занжир инсон капиталини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворига айланиши кўзда тутилган. Сўнгги бир йил мобайнида биз айнан шундай эзгу мақсадда фидойи устозларимиз ёнида туриб, уларга баҳоли қудрат кўмаклашдик.

Аввало, юртимизда сўнгги йилларда таълимни қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда 1 миллион 800 минг ўринли боғча, 1 миллион 500 минг ўринли мактаб барпо этилгани, олий ўқув юртлари сони 77 тадан 205 тага етказилиб, қамров 45 фоизга ошгани барчамизни қувонтиради. Юртимиздаги 40 минг нафар ўқитувчининг сўмдаги ойлик маоши 1 минг доллар қийматидан, 1 минг 500 нафариники эса 2 минг доллар қийматидан ошганини, жорий йилда ўтказилган «Йил ўқитувчиси» танловининг туман ва шаҳар босқичлари ғолиби бўлган 208 нафар педагогга илк бор 616 миллион сўмдан мукофот пули берилгани устозларга кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Жамоат ташкилотлари ҳам мазкур ислоҳотларга камарбаста бўлиб, соҳада сифат ва сон кўрсаткичлари ошишига муносиб ҳисса қўшаётганини айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси 2 миллионга яқин педагогнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини изчил ҳимоя қилиб келмоқда. Ижтимоий шерик мақомидаги вазирликлар билан Тармоқ жамоа келишуви имзоланган. Республика кенгаши томонидан ушбу ҳужжатларнинг меҳнат қонунчилиги асосида тузилиши, уларга зарур қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши ҳамда ҳар бир ташкилот фаолиятига мослаштирилиши бўйича тизимли амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

2026 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тармоғида қуйидаги хайрли ишлар амалиётга татбиқ этилди:

Пенсия ёшидаги 3 055 нафар устоз-муаллимга нафақага чиқиши олдидан бирйўла моддий ёрдам кўрсатиш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш учун 1 миллиард 272 миллион сўм сарфланди. Шундан 491,6 миллион сўми иш берувчилар, 780,4 миллион сўми касаба уюшмаси ҳисобидан йўналтирилди.

3 509 та ташкилотда фаолият юритаётган 6 608 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан 2,1 миллиард сўмлик қимматбаҳо совғалар топширилди. Бу харажатларнинг 710,3 миллион сўми иш берувчи, 1,4 миллиард сўми касаба уюшмаси маблағлари ҳисобига тўғри келади.

Ишламаётган 4 203 нафар пенсионер ходимга (ташкилотнинг собиқ аъзоларига) моддий кўмак бериш мақсадида 529 миллион сўми иш берувчининг, 775,9 миллион сўми касаба уюшмасининг маблағлари ҳисобидан, жами 1,3 миллиард сўм маблағ ажратилди.

845 та ташкилотдаги 978 нафар ногиронлиги бўлган шахс ва ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга (корхонанинг собиқ ходимларига) байрамлар арафасида моддий ёрдам кўрсатилди. Юртимиз мустақиллигининг 35 йиллиги ҳамда янги ўқув йили бошланиши муносабати билан август ойида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига мактаб сумкалари, ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар харид қилиш харажатларини қисман қоплаш учун 1 миллиард 868 миллион сўм маблағ сарфланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан 2025-2026 ўқув йилида мактабларнинг чет тили ўқитувчилари камида Б2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатга эга бўлиши белгиланган эди. Албатта, бу талабни барча педагоглар бир вақтнинг ўзида бажара олишмади. Жорий йил бошида 12 минг нафардан зиёд ўқитувчида тегишли сертификат йўқлиги сабабли, улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи кун тартибига чиқди. Шундан сўнг вазирлик ҳамда Республика кенгаши ўртасида имзоланган Тармоқ жамоа келишуви доирасида тезкор музокаралар олиб борилди. Пировардида зарур сертификатга эга бўлмаган чет тили ўқитувчилари фаолиятини давом эттирадиган бўлди. Масала 2026-2027 ўқув йили бошида яна кун тартибига чиққанда ҳам, олиб борилган муҳокамалардан сўнг устозларнинг иш жойлари сақлаб қолинди.

Таълим сифати ва иш унумдорлиги барчамиз учун муҳим, аммо бу борадаги талаблар ходимларнинг ҳуқуқларига дахл қилмаган ҳолда, босқичма-босқич амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, 2025 йилда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида бошланган гендер аудити 2026 йилда муваффақиятли якунланди. Қувонарлиси, вазирликнинг ички ҳужжатларида ҳамда кадрларга оид буйруқ ва фармойишларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари камситилишига олиб келувчи ҳеч қандай нормалар аниқланмади.

Пахта йиғим-терими мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган миллий мониторингда Республика кенгаши ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар далаларда фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан вояга етмаганларни, иш берувчилар томонидан эса ходимларни мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатларини ўрганмоқдалар.

Тизимимиз энг йирик тармоқлардан бири бўлгани сабабли мурожаатлар оқими ҳам салмоқлидир. 2026 йилнинг 9 ойи давомида аъзолардан жами 48 062 та турли мурожаатлар қабул қилинди. Шундан 39 978 таси ёзма равишда, қолганлари эса оғзаки, электрон ҳамда «Ишонч телефони» орқали келиб тушди. Уларнинг 811 таси меҳнат муҳофазасига, 2 087 таси иш ҳақи, иш вақти ва таътиллар масаласига тааллуқлидир. Янгиланган меҳнат шартномасини бекор қилиш, ўзгартириш ёки интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги аризалар сони 1 408 тани ташкил қилди. Қолганлари моддий ёрдам ва сиҳатгоҳларга йўлланма ажратиш



юзасидан бўлди. Уларнинг 43 618 таси қаноатлантирилиб, 3 598 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, 43 таси рад этилиб, 12 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилди. 791 таси айни пайтда ўрганиш жараёнида турибди.

Йил бошидан буён 703 нафар ходимнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Бу борада иш берувчиларга киритилган 21 та тақдимноманинг 19 таси қаноатлантирилиб, қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилди. Хусусан, Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими ходими Н. Дўстованинг мурожаатида ходимларни рағбатлантириш жамғармасига кам маблағ ажратилгани, шу сабабли ишчи-ходимларга 8 ой давомида устама ва моддий рағбатлантириш тўловлари берилмагани кўрсатилган эди. Кенгашимиз ходимлар манфаатини ҳимоя қилиб, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигига мурожаат йўллади. Натижада Халқ депутатлари Тойлоқ тумани Кенгашининг 2026 йил 22 октябрдаги тегишли қарори билан ходимларни рағбатлантириш жамғармасига 1 миллиард 129,8 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди ва ходимларнинг ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.



Равшанбек БЕДИЛОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси маслаҳатчиси

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ходимга етказилган зарарни ундириш борасидаги мурожаатлар ҳам доимий эътиборда. Масалан, собиқ ходим М.Кузахмедованинг иш вақтида жароҳат олгани сабабли ўзига тўланиши лозим бўлган товон пулини ололмаётгани ҳақидаги шикояти юзасидан Республика кенгаши судга даъво аризасини киритди. Суд қарорига асосан даъвогарга 18,7 миллион сўм товон пули ундириб берилди ва ташкилот зиммасига келгусида унга узлуксиз товон пули тўлаб бориш мажбурияти юклатилди.

Касаба уюшмаси фаолиятини сифатли ташкил этиш учун халқаро ҳамкорлик жадал ривожлантирилмоқда. Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV)нинг Швейцария, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғиз Республикасида ўтказилган нуфузли халқаро конференцияларида масъул ходимларимиз иштирок этиб, тажриба орттириб қайтишди.

Сафимиз кенгаяётгани ҳам қувонарли ҳолдир. Бу йил Тошкент шаҳри-даги Беларусь – Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти, «Робототехника ва муҳандислик ассоциацияси», Кўп функцияли инклюзив ресурс маркази ва «Камалак» оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти каби йирик жамоаларда учрашувлар ўтказдик. Касаба уюшмасининг имкониятлари тушунтирилгач, улар ҳам сафимизга қўшилиш истагини билдиришди ва бошланғич ташкилотларимиз сони ортди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги саъй-ҳаракатларимиздан асосий мақсад устозлар оғирини енгил қилиш ва меҳнатини муносиб қадрлашдир. Муаллим ҳар доим давлат ва жамоатчиликнинг ишончли ҳимоясида эканини ҳис қилиб яшаши лозим. Қадр топган, кўнгли тўқ устоз эса ёшларимизга сифатли билим ва меҳр беради. Демак, фарзандларимизнинг бахтли келажаги кўп жиҳатдан шу фидойи инсонларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига боғлиқ.

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

САРМОЯЛАР МАНЗИЛИГА АЙЛАНАЁТГАН СУРХОНДАРЁ



Абдукарим АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг хорижий инвестициялар ва туризм масалалари бўйича доимий комиссияси раиси







Бугун Сурхондарёнинг иқтисодий манзарасига назар ташласак, бир ҳақиқат яққол намоён бўлади: вилоят тобора янги инвестициялар, замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ва экспортбоп маҳсулотлар ҳудудига айланиб бормоқда. Вилоят илгари асосан аграр салоҳияти билан танилган бўлса, эндиликда саноат, логистика, қайта ишлаш ва экспорт йўналишларида ҳам ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда.

3 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК МАҚСАД

Жорий йилда вилоятда 3 миллиард доллар миқдорида хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган. Бу улкан мақсад замирида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, доимий иш ўринлари яратиш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш каби муҳим вазифалар мужассамлашган.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, Сариосиё, Шеробод ва Бойсун туманларида полиметалл, кўмир, оҳактош ҳамда қурилиш материалларини қайта ишлашга мўлжалланган, умумий қиймати миллиардлаб долларни ташкил этувчи йирик ва ўрта инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Уларда Хитой, Россия ва бошқа хорижий давлатларнинг инвесторлари иштирок этишмоқда. Жумладан, Узун туманида Ҳиндистоннинг «Glocal Eurasia» МЧЖ ХК томонидан амалга оширилаётган лойиҳа эътиборга молик. Қиймати 270 миллион долларлик «Шимолий Боботоғ» ва «Жанубий Боботоғ» мисга бой ҳудудларида ушбу хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаси доирасида 51,5 миллион доллар инвестиция жалб этилди. Қумқўрғон туманида эса «Turon gold business» МЧЖ томонидан қиймати 45 миллион АҚШ долларлик кўмир қазиб олишни ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар ушбу лойиҳа доирасида 23,5 миллион доллар маблағ ўзлаштирилди.

ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА

Сурхондарёнинг инвестициявий салоҳияти ҳақида гап кетганда, унинг қишлоқ хўжалигидаги улкан имкониятларини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, Жарқўрғон, Музработ ва Термиз туманларида интенсив боғдорчилик, замонавий иссиқхона мажмуалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва сақлаш қувватлари ташкил этилмоқда. Музлаткичли логистика марказлари ишга туширилиши етиштирилган маҳсулотни узоқ вақт сифатини сақлаган ҳолда ташқи бозорларга етказиб бериш имконини кенгайтиради. Зеро, бугунги бозор шароитида маҳсулотни етиштиришнинг ўзи етарли эмас. Уни сараш, қадоқлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш замон талабидир. Айнан қишлоқ хўжалигининг замонавий агрокластерлар асосида ривожлантирилаётгани вилоят экспорт салоҳиятини янада оширмоқда. Ҳозир воҳада етиштирилаётган эртаки мева-сабзавотлар, хурмо, анор, лимон, мош, нўхат каби маҳсулотлар МДҲ, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлари бозорларига етказиб берилмоқда.

ЭКСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙМОҚДА

Вилоятда ишлаб чиқарилган ва етиштирилган маҳсулотлар бугун 40 га яқин давлат бозорларига кириб бормоқда. Экспорт географияси кенгайиши билан бирга, унинг ҳажми ҳам салмоқли кўрсаткичларга етмоқда.

Жорий йилда заргарлик буюмларидан 173,2 миллион, мева-сабзавот маҳсулотларидан 165,4 миллион, нефть-газ саноати маҳсулотларидан 21,2 миллион, тўқимачилик маҳсулотларидан 23 миллион, озиқ-овқат саноати маҳсулотларидан 20,5 миллион, фармацевтика маҳсулотларидан 3,4 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Экспортнинг 90 фоизи 3 та давлат – БАА, Афғонистон, Россия ҳиссасига тўғри келади.

Термиз шаҳри ва тумани орқали қўшни Афғонистон ҳамда Жанубий Осиё бозорларига чиқиш имкониятлари Сурхондарёнинг стратегик аҳамиятини янада оширмоқда. «Термиз» халқаро савдо маркази ва логистика терминаллари фаолиятининг жадаллашиши, транзит хизматларининг ривожланиши ҳам бу жараёнда муҳим омил бўлмоқда.

ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯ – ЯНГИ ИШ ЎРНИ

Инвестициянинг энг катта қиймати, авало, инсон ҳаётида намоён бўлади. Чунончи, ҳудудий инвестиция дастурига кўра, 2026 йилда умумий қиймати 887,2 миллион долларлик 365 та лойиҳани фойдаланишга топшириш ҳамда 13 мингдан ортиқ янги юқори ҳақ тўланадиган барқарор иш ўрни яратиш белгиланган.

Жорий йилнинг январь-август ойларида қиймати 186,3 миллион долларлик 155 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, 3 384 та янги иш ўрни яратилди. Масалан, Музработ туманида «Bless S.R.» МЧЖ томонидан қиймати 6 миллион долларлик гидропоник усулда замонавий иссиқхона фойдаланишга топширилди. Термиз шаҳрида эса «Turk Lab Medikal» МЧЖ хорижий корхонаси томонидан қиймати 20 миллион долларлик замонавий диагностика, лаборатория ва соғломлаштириш маркази ташкил этилди.

Йил якунига қадар қиймати 728,4 млн долларлик 229 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, уларда жами 10 351 та янги иш ўрни яратилиши ҳамда бу орқали мукаммал бошқарув амалиётини ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Экспорт фаолиятини кенгайтиришда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида Савдони ривожлантириш жамғармаси томонидан 12 та экспортёр корхонага 5,4 миллиард сўм миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилди. Натижада мазкур корхоналар томонидан 8 ой давомида 15,5 миллион долларлик экспорт амалга оширилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 14-16 август кунлари «Термиз» халқаро савдо марказида «Ўзбекистон – Хитой инвестиция форуми» ўтказилиши вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим қадамлардан бири бўлди. Форумда Хитойнинг 120 дан ортиқ компаниясидан 350 дан зиёд, Афғонистоннинг 46 та компаниясидан 100 дан ортиқ вакил иштирок этди.

Форум доирасида 65 та, умумий қиймати 6 миллиард 554 миллион долларлик лойиҳалар бўйича меморандумлар имзоланди. Шу рақамнинг ўзиёқ воҳамизнинг халқаро инвестиция майдонидаги мавқеи тобора юксалаётганини кўрсатади.

Шубҳасиз, бугунги инвестиция – эртанги тараққиёт пойдевори. Бугун яратилаётган янги иш ўринлари эса воҳа аҳлининг эртанги фаровон ҳаётининг асосидир.

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИГА УЙҒУН



Сайёра ФАЙЗИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси

Ишчи-ходимлар меҳнатини қадрлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан биридир. Тошкент вилоятида бу йўналишда олиб борилаётган ишлар меҳнаткашларни қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ижобий ҳал этишга қаратилган.

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Бекобод шаҳар ихтисослашган мактабида ишлаб келаётган Зайтуна Маматқулова дарс соатлари тақсимотидаги муаммолар туфайли Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгашидан ҳуқуқий ёрдам сўради. Маълум бўлишича, у ўз мутахассислиги бўйича ишласа-да, унга атиги 8 соат дарс ажратилган. Мутахассислиги мос келмайдиган ҳамкасбига эса 30 соат дарс берилган. Олаётган иш ҳақи ёлғиз ўзи катта қилаётган фарзандининг таъминотига етарли бўлмаётганидан мушкул аҳволга тушган аёл касаба уюшмаларидан кўмак кутди.

Ушбу масала тегишли тармоқ касаба уюшмаси, вилоят кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори ҳамда ихтисослашган мактаб мутахассислари иштирокида ўрганилди. Натижада муаммо ижобий ҳал этилди.

Чиноз тумани «Сутчилар» МФЙ раиси Ўткирбек Ҳасановнинг асоссиз ишдан бўшатилгани масаласи ҳам ўрганилди. Касаба уюшмаси инспекторларининг саъй-ҳаракати билан у ўз лавозимига тикланди.

Рақамларга юзлансак, кенгашга жорий йил бошидан буён салкам 90 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 50 га яқини қаноатлантирилиб, қолганлари бўйича тушунтириш ва йўналишлар берилди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши томонидан жорий йил бошидан шу кунга қадар вилоятдаги 21 та тиббиёт муассасасида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан ўрганишлар ўтказилди. Шу аснода қонунчиликда белгиланган устамаларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ камчиликлар аниқланди. Кўрилган чоралар натижасида 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ходимлар фойдасига ундирилиб, 257 нафарининг меҳнат ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида кенгаш томонидан 47 та ташкилот ва корхонада жамоатчилик назорати амалга оширилди. Натижада меҳнат хавфсизлигига риоя этиш борасидаги 90 га яқин камчилик аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Қўшимча вақт ва маблағ талаб қиладиган масалалар юзасидан иш берувчиларга 20 дан зиёд кўрсатма хати киритилди.

Шунингдек, меҳнат муҳофазаси бўйича масъулларнинг малакасини ошириш, хавфли ҳамда зарарли иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга зарар тўловларини ўз вақтида тўлаш ва ходимларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу ишлар натижасида қарийб 2,5 минг нафар ишчи-ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинди. Бундан ташқари, меҳнат муҳофазаси ва меҳнат ҳуқуқлари бўйича 21 та амалий семинар ўтказилиб, уларда 2 мингдан ортиқ иш берувчи вакиллари, масъул ходимлар ҳамда бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари раисларининг иштироки таъминланди.



Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўлинмаси томонидан ҳам меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган назорат тадбирлари ўтказилди. Жумладан, 18 та корхона ва ташкилот фаолияти ўрганилиб, уларда 60 га яқин камчилик аниқланди, уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Шунингдек, 780 нафар ходим бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда жамоа шартномаларининг ўрни беқиёс. Чунки уларда меҳнат қонунчилигида белгиланган кафолатлар билан бир қаторда, қўшимча ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган мажбуриятлар ҳам белгилаб қўйилади. Айни пайтда вилоятдаги 3 минг 100 дан ортиқ бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида жамоа шартномалари амал қилиб, уларга 450 мингдан ортиқ ходим қамраб олинган. Ушбу шартномалар асосида ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, вилоятдаги 700 дан зиёд ташкилотда нафақага чиқиш арафасидаги 900 нафар ходимга 140 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Пенсиядаги ҳамда ногиронлиги бўлган собиқ ходимлар ва парваришга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш учун 240 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Икки ёшгача бола парваришида бўлган ёш оналар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун салкам 270 млн. сўмдан зиёд кўмак кўрсатилди. Шу билан бирга, ОТМларда таҳсил олаётган 825 нафар чин етим талабага 147 млн. сўм миқдоридаги шартнома пуллари қисман тўлаб берилди. Шунингдек, 600 дан ортиқ ёш оилаларга уй-жой қуриш ва узоқ муддатли маҳсулотлар хариди учун ҳамда 45 нафар ходимга сафарбарлик чақируви захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан фоизсиз ссудалар ажратилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 4 минг нафарга яқин ходим учун саёҳатлар уюштирилди.

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ВАРАҚЛАГАНДА...

Вилоятда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишга қаратилган ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, оҳангаронлик Машрабхон Валиева ҳаётидаги ўзгаришлар бу борадаги амалий кўмакнинг самарасини яққол намоён этади. Унга дастлаб 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Кейинчалик у яна 5 миллион сўм қўшимча кўмак олиб, ўз фаолиятини кенгайтирди. Бу йил тадбиркор аёл «Энг яхши ижтимоий лойиҳа» танловида иштирок этиб, 23 миллион сўмлик грантни қўлга киритди. Натижада у ўзининг новвойчилик фаолиятини ривожлантириш билан бирга, беш нафар маҳалладошини иш билан таъминлади. Уйи яқинида маҳалла аҳли учун кичик боғ ва хиёбон барпо этди.



Тизимнинг 2-босқичига киритилган нурафшонлик Маъмура Роҳаталиева эса боқувчиси бўлмаганлиги сабабли уч фарзандини тарбиялаш, рўзғор ташвишидан ортиб, уйининг ижара ҳақини тўлашда қийналаётган эди. Ўтган йилда унинг ижара тўлови қоплаб берилди. Бу йил у ҳам «Энг яхши ижтимоий лойиҳа» танловида иштирок этиб, 24 миллион сўмлик грант маблағига эга бўлди. Маблағ эвазига тикув машиналари сотиб олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйди.

Машрабхон ва Маъмуранинг ҳаёт йўлидаги бу ўзгаришлар хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар уларга мустақил даромад топиш, келажакка ишонч билан қараш имконини бераётганини кўрсатади. Энг муҳими, бундай кўмак орқали аёллар оиласи фаровонлигига ҳам ҳисса қўшмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, «Аёллар дафтари»нинг еттинчи босқичи доирасида Тошкент вилоятида 90 минг нафардан ортиқ хотин-қиз рўйхатга олинган. Уларнинг қарийб 44 минг нафарига касб-ҳунар ўргатиш ва ишга жойлашишда кўмаклашилди. Тадбиркорликни бошлаш истагидаги 2 минг нафардан зиёд, фаолиятини кенгайтиришга интилаётган қарийб 140 нафар хотин-қизга имтиёзли кредитлар ажратилди. 732 нафар аёлнинг уй-жойини таъмирлашга ёрдам кўрсатилди, 24 минг нафарга яқини моддий, тиббий ва психологик ёрдам олди. Шунингдек, уй-жойга муҳтож беш нафарининг тураржой билан таъминланишига кўмаклашилди, яна 178 нафарига ижара тўловлари учун компенсация ажратилди.

ЁШЛАР БИЛАН КЕЛАЖАК САРИ

Ёшларнинг билим ва тажрибасини ошириш, иқтидорини рўёбга чиқариш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳам касаба уюшмалари олдига қўйган эзгу мақсадлардан биридир. Бугунги кунда вилоятда қарийб 192 минг нафар ёш касаба уюшмалари аъзоси ҳисобланади. Уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида турли маънавий-маърифий, спорт тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, «Тарих ва жасорат саҳифалари», «Раҳбар ва ёшлар учрашуви», «Заковат», «Саломатлик сари», «Қувноқлар ва зукколар», «Мен донорман», «Янги Ўзбекистон овозлари» каби мавзулардаги ёшларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ифода этувчи ижтимоий лойиҳалар ташкил этилиб, уларга 4 минг нафарга яқин ўғил-қизларимиз қамраб олинди.

Ёшларнинг мамлакатимизнинг тарихий ва диққатга сазовор масканлари билан танишишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» лойиҳаси доирасида улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Зомин ва Хоразм каби ҳудудларга саёҳат қилиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Шу ўринда айтиш жоиз, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамоа шартномаларига «Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» бўлими киритилмоқда. Бу орқали улар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, таълим олишини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ишга янги қабул қилинганда касб сирларини ўрганиши ва меҳнат фаолиятига мослашиши учун қўшимча имкониятлар яратилмоқда.

ИНСОН ҚАДРИ – ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Мухтасар айтганда, ҳар бир мурожаатни эътибор билан ўрганиш, қонунбузилишларнинг олдини олиш, жамоа шартномаларида белгиланган кафолатларнинг бажарилишига эришиш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш олдимизда турган устувор вазифалардир.

Шу ўринда, Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан барча касаба уюшмалари фаоллари ва меҳнат жамоалари вакилларини самимий муборакбод этаман. Уларга ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифаларида муваффақият, куч-ғайрат ва янги ютуқлар тилайман. Зеро, ходим қадри улуғланган, унинг меҳнати муносиб эътироф этилган ва ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинган жойдагина ҳамжиҳатлик, барқарорлик ҳукм суради, тараққиёт ҳам мустаҳкам бўлади.

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

МУНОСИБ МЕҲНАТ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ УЧУН



Қутлимурот СОБИРОВ,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон қадрини улуғлаш, халқ фаровонлигини ошириш ва муносиб меҳнат шароитларини яратишдир. Бу жараёнда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, тармоқ жамоа келишуви ва 75 та жамоа шартномаси орқали 69 529 нафар темирйўлчи ва транспорт қурувчиси ҳамда ишламайдиган пенсионерлар манфаатлари қамраб олинган. Уларда меҳнат шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва бандлик, соғломлаштириш, ёшлар, хотин-қизлар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча имтиёзлар белгиланган.

Ходимлар муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш мақсадида «Бир мурожаат – натижа» тамойили асосида иш олиб борилмоқда. Ҳисобот даврида 10 252 та мурожаат кўриб чиқилиб, 7 057 таси қаноатлантирилди, 3 195 таси бўйича тушунтиришлар берилди.

Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим натижаларга эришилди. Жорий йилнинг ўтган ўн ойида иш берувчилар касаба уюшмаларидан 208 нафар ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик сўради. Ўрганишлар натижасида 75 та ҳолат бўйича розилик берилган бўлса, 133 та тақдимномани қаноатлантириш рад этилди. Бу касаба уюшмалари аъзолар манфаатларини ҳимоя қилишда принципиал позицияга эга эканлигини англатади.



Меҳнаткашларнинг ҳаёти ва саломатлигини асраш, хавфсиз иш шароитлари яратиш ҳам муҳим йўналишлардан биридир. Корхоналарда меҳнат муҳофазаси, тиббий кўриклар, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ва саноат хавфсизлиги талабларига риоя этилиши мунтазам ўрганилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги тегишли қароридан келиб чиқиб, корхоналарда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан «Соғлом психологик-ижтимоий иш муҳитини таъминлайлик» мавзусида 27 апрель – 1 май кунлари тармоқ корхоналарида ҳафталик тадбирлар ўтказилди. Уларда хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, касбий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Меҳнат муҳофазаси комиссиялари ва жамоатчилик вакиллари фаолияти, ўқув хоналарининг ҳолати, ходимларнинг хавфсизлик бўйича билимлари, шунингдек, касбий касаллик туфайли ногиронлик белгиланган ходимларга тегишли тўловларнинг амалга оширилиши ҳам назоратга олинган.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторий-курорт муассасаларида соғломлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, оғир ва зарарли меҳнат шароитларида, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масъулиятли вазифаларда ишлаётганлар саломатлигини тиклашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий ривожланиши учун шароитлар яратиш мақсадида «Раҳбар ва ёш ходимлар» учрашувлари, кўрик-танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари уюштирилмоқда. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ва «Экотуризм» дастурлари орқали юртимиз тарихи ва маданий мероси билан яқиндан танишишига имконият яратилмоқда.



Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат жамоаларидаги ўрнини эътироф этиш мақсадида фаол аёллар рағбатлантирилмоқда. Нафақадаги темирйўлчилар, кам таъминланган, ёлғиз оналар ва ногиронлиги бўлган аёл ходимлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилмоқда.

Кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш одатдагидек доимий эътиборда. Хотира ва қадрлаш куни арафасида меҳнат фахрийларининг хонадонларига борилиб, моддий ёрдам кўрсатилди. 467 нафар фахрий, нуроний ва ишчи-ходим иштирокида спорт мусобақалари, 1-10 октябрь кунлари «Кексалар ҳафталиги» ўтказилди.

Темирйўлчилар фарзандларини соғломлаштириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ёзги мавсумда 5 200 нафар болани дам олдириш режалаштирилган бўлса, амалда 6 302 ўғил-қиз оромгоҳларга жалб қилинди. Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи темирйўлчилар фарзандларидан 971 нафари «Қибрай» оромгоҳида ҳордиқ чиқарди. Олис ҳудудларда яшайдиган ходимлар фарзандлари учун маҳаллий оромгоҳларга 1 551 та йўлланма харид қилинди.

Ташқи туризм йўналишида янги ташаббус амалга оширилди. Июль ойидан бошлаб камида беш йиллик меҳнат стажига эга кам таъминланган оилаларнинг ишловчи аъзолари ва оғир меҳнат шароитида фаолият юритаётган 500 нафар ходим Қирғиз Республикасининг Иссиқкўл вилоятидаги «Марказий Осиё олтин қумлари» пансионатида етти кунлик саёҳатда бўлди.



Касаба уюшмалари тизимида кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Республика кенгаши тизимидаги ҳудудий, бирлашган ва бошланғич ташкилотларнинг янги сайланган раислари ҳамда мутахассислари Федерациянинг Малака ошириш институтида мунтазам равишда ўқитилмоқда.

Шунингдек, 1992 йил 14 февралда ташкил этилган Халқаро темирйўлчилар касаба уюшмалари конфедерацияси Кенгаши билан ҳамкорлик доирасида тажриба алмашиш ва касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Бугун Республика кенгаши меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий кафолатларни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ёшлар, хотин-қизлар ҳамда кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида изчил фаолият юритмоқда.

Албатта, замон ўзгариши билан меҳнат муносабатлари ва ходимларнинг эҳтиёжлари ҳам янгиланмоқда. Бу касаба уюшмалари олдига инсон манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, ҳар бир ходимнинг муаммосига ўз вақтида ечим топиш ва бошланғич ташкилотлар фаоллигини ошириш вазифаларини қўймоқда. Зотан, «Эл азиз – инсон азиз» тамойили ҳар бир темирйўлчи ва транспорт қурувчисининг меҳнати, ҳаёти ва оиласи фаровонлигида ўз ифодасини топиши лозим.

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

МАҚСАДИМИЗ – ИШЧИ-ХОДИМЛАР УЧУН АДОЛАТЛИ ВА ХАВФСИЗ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар мамлакатимизнинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётида туб бурилиш ясади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг «Кучли касаба уюшмалари – кучли жамият асоси» деган эзгу ташаббуси доирасида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтган даврда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди.

Таҳлилларга кўра, 2026 йил 1 октябрь ҳолатига республика бўйича бошланғич ташкилотлар сони 3 минг 265 тага, аъзолар сони эса 595 минг 509 нафарга етди. Уларнинг 107 минг 498 нафарини хотин-қиз, 202 минг 359 нафарини эса 30 ёшгача бўлган ёш ташкил этаётгани ташкилотимизнинг эртанги кунига бўлган ишонч кучлилигини ифодалайди.

Ҳисобот даврида давлат дастури ва жамоа шартномаларида кўзда тутилган мажбуриятлар ижросини таъминлаш учун жами 7 миллиард 275 миллион 763 минг сўм йўналтирилди. Шундан 862 миллион сўмдан ортиғи бевосита касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. Бу борада манзилли хайрия ва ижтимоий кўмак маблағлари тизимли равишда тақсимланди. Хизмат давомида пенсия ёшидаги 1355 нафар ходимга 990,4 миллион сўмлик бир марталик ёрдам берилди. 2926 нафар ишламайдиган собиқ ходимга 1,4 миллиард сўмдан зиёд, ногиронлиги бор 907 нафар кишига эса 568,5 миллион сўмлик моддий кўмак кўрсатилди.





Шунингдек, бола парвариши таътилидаги 538 нафар ёш онага 346,7 миллион сўм йўналтирилди, 1640 нафар ёш оилага 1,1 миллиард сўмлик ёрдам пули, уй-жой ҳамда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар хариди учун 104 нафар ёш оилага 855,7 миллион сўм фоизсиз ссуда ажратилди. Кам таъминланган оилаларнинг 2313 нафар фарзандига ўқув қуроллари учун 375,7 миллион сўм берилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 127 нафар иқтидорли ҳамда чин етим талабанинг шартнома пуллари тўланди.

Бундан ташқари, меҳнат муносабатларини узоқ муддатли тартибга солиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги тармоқ жамоа келишувлари муваффақиятли имзоланди.

Ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш касаба уюшмасининг энг муҳим вазифаларидан биридир. 9 ой давомида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассислар томонидан 57 та бошланғич ташкилотда ўрганишлар ўтказилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди ва 1 минг 745 нафар жамоатчилик вакили ўқитилди.

Шунга қарамай, тармоқда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик ачинарли оқибатларга олиб келмоқда. Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш билан боғлиқ 14 та бахтсиз ҳодисада 7 нафар ходим оғир жароҳатланди, 11 нафари ҳалок бўлди.

Касаба уюшмаси ва иш берувчилар томонидан жабрланганлар ва ҳалок бўлганлар оилаларига 211 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Суғурта компаниялари томонидан эса 1 миллиард 368 миллион сўмлик бирйўла бериладиган нафақа тўловлари қопланди. Ушбу рақамлар келгусида меҳнат хавфсизлиги назоратини янада кучайтириш зарурлигидан далолат беради.

Тармоқ касаба уюшмаси ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш борасида қатъият билан иш юритмоқда. Келиб тушган 40 дан зиёд мурожаатларнинг аксарияти иш ҳақини ундириш, интизомий жазолардан норозилик ва ишга тиклаш масалаларига оид бўлди. Кўрилган тезкор чоралар ва киритилган тақдимномалар натижасида икки нафар ходим ишга тикланди, ноқонуний берилган интизомий жазолар бекор қилинди. Адолатсизликка учраганлар фойдасига жами 49 миллион 787 минг сўмлик иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириб берилди.

«Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» дастури ижросини таъминлаш ниятида тармоқда 24 банддан иборат алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ватан ҳимоячилари куни, 8 март, Наврўз умумхалқ байрами доирасида кенг қамровли маърифат соатлари ва хайрия тадбирлари ўтказилди.

Спорт ва интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш учун ташкиллаштирилган тадбирлар ҳам юқори савияда ўтди. Чунончи, Тошкент шаҳрида ўтказилган «Отам, онам ва мен – спортчилар оиласи!» спартакиадасининг финал босқичида 14 та ҳудуддан келган оилалар ғолиблик учун беллашдилар. Тармоққа аъзо олий таълим муассасаларининг 35 ёшгача бўлган ходимлари ўртасида эса «Заковат» интеллектуал ўйини уюштирилди. Унда Урганч инновацион университетининг «Ренессанс» жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Октябрь ойида ўтказилган «Кексалар ҳафталиги» доирасида соҳада узоқ йиллар хизмат қилган нуроний-лар хонадонига ташриф буюрилиб, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Сарҳисоблар Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимида бу йил ҳам диққатга молик ишлар бажарилганини кўрсатмоқда. Бундан кейин ҳам режаларни тўлиқ бажариш, ишлаб чиқариш объектларида техника хавфсизлиги назоратини кучайтириш орқали бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш энг долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Негаки, биз учун ходимларнинг соғлиғи ва қонуний манфаатлари ҳар қандай иқтисодий кўрсаткичдан устундир.



Абдулла НУГМАНОВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

ҲИСОБОТ ДАВРИДА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ВА ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИДА КЎЗДА ТУТИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЖАМИ 7 МИЛЛИАРД 275 МИЛЛИОН 763 МИНГ СЎМ ЙЎНАЛТИРИЛДИ. ШУНДАН 862 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҒИ БЕВОСИТА КАСАБА УЮШМАСИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛДИ. БУ БОРАДА МАНЗИЛЛИ ХАЙРИЯ ВА ИЖТИМОИЙ КЎМАК МАБЛАҒЛАРИ ТИЗИМЛИ РАВИШДА ТАҚСИМЛАНДИ. ХИЗМАТ ДАВОМИДА ПЕНСИЯ ЁШИДАГИ 1355 НАФАР ХОДИМГА 990,4 МИЛЛИОН СЎМЛИК БИР МАРТАЛИК ЁРДАМ БЕРИЛДИ.



ИШОНЧ ВА ЭЪТИРОФ ИФОДАСИ



Эркинжон НУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши бугунги кунда ўз сафига бирлашган 700 минг нафардан ортиқ ишчи-ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда. Айниқса, улар учун муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишга, саломатлигини мустаҳкамлашлари ва мазмунли дам олишларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугун касаба уюшмалари эшигини қоққан киши борки, иши битмасдан кетмайди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кенгашга 220 дан ортиқ мурожаат келиб тушди. Ўрганишлар давомида 206 нафар фуқаронинг меҳнатга оид ҳуқуқлари тикланди. Қолганлари бўйича қонунчилик талаблари асосида тегишли тушунтиришлар берилди. Шунингдек, иш берувчиларга ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик, уларни бартараф этиш юзасидан 21 та тақдимнома киритилди. Натижада яна 23 нафар ишчи-ходимнинг ҳуқуқлари тикланди.

Меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлаш ва ходимлар манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиш борасида ҳам муайян натижаларга эришилмоқда. Жумладан, вилоят кенгаши томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга киритилган 72 та даъво аризасининг 53 таси ходимлар фойдасига ҳал этилган. Шу йилнинг ўтган даврида судларда ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш натижасида уларнинг бекор юрган кунлари, ўз вақтида тўланмаган иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, соғлиғига етказилган зарар учун жами 2 миллиард 55 миллион сўм маблағ ундириб берилди.

Ходимларнинг мароқли дам олиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши борасидаги ташаббуслар ҳам талайгина. Хусусан, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 13 минг 501 нафар ишчи-ходим ҳамда уларнинг оила аъзолари юртимизнинг диққатга сазовор масканлари, тарихий шаҳарлари ва муқаддас қадамжоларига саёҳатга юборилди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан яна бири янги ташкил этилаётган МЧЖ, оилавий ва хусусий корхоналарда ҳам бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини тузиш, ходимларни аъзоликка жалб этишдан иборат. Чунки уларда ишлаётганлар ҳам касаба уюшмалари имтиёзларидан баҳраманд бўлишлари лозим. Шу мақсадда жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, касаба уюшмасига аъзо бўлишнинг афзалликлари, ходимлар учун бериладиган имтиёзлар ва имкониятлар тушунтирилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, янги ташкил этилган корхоналарда ҳам бошланғич касаба уюшмаси тузилиб, ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш қамрови кенгаймоқда.

Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш жамият тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Бу борада «Аёллар дафтари»нинг жорий этилгани кўплаб хотин-қизлар ҳаётида янги саҳифа очди. Хусусан, 7-босқичда 112 минг 4 нафар опа-сингилларимиз рўйхатга олинди. Уларнинг муаммоларини ҳал этиш ва жамиятда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш учун амалий чоралар кўрилди. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишсиз бўлган 21 минг 384 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида юрган 2 минг 109 нафар аёлга банклар томонидан 34,4 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 227 нафар хотин-қизга ижара компенсацияси учун 1 миллиард 488,8 миллион сўм тўлаб берилди. Шунингдек, туражойини таъмирлашга эҳтиёжманд 982 нафар аёлга 14,5 миллиард сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг ҳаёт тарзи ўзгариб бормоқда.









«Яхши дам – меҳнатга ҳамдам» деган нақл бежиз айтилмаган. Инсон меҳнат қилиш учун, аввало, куч-қувватини тиклаши, саломатлигини мустаҳкамлаши зарур. Шу боис касаба уюшмалари томонидан ишчи-ходимларни сиҳатгоҳларда имтиёзли равишда соғломлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Масалан, жорий йилда ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан 3 минг 357 нафар ишчи-ходим Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги сиҳатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаб қайтди. Ёки бошқа мисол. Янги ўқув йили арафасида тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига мактаб ўқув қуроллари ва зарур анжомлар совға қилиш бизда эзгу анъанага айланган.

Болажонларнинг ёзги таътилини эса оромгоҳларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Вилоятдаги 12 та стационар оромгоҳда мавсум давомида 8 минг 582 нафар ўғил-қиз мароқли ҳордиқ чиқарди. Айниқса, келажагимиз ворисларининг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, мутолаага қизиқишини кучайтириш ниятида кутубхоналар 12 мингдан ортиқ бадиий адабиётлар билан бойитилди.

Маълумки, меҳнати муносиб қадрланган, ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинган, оиласи ва фарзандлари эртасидан хотиржам инсон жамият тараққиётига янада кўпроқ ҳисса қўшади. Шу боис Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши келгусида ҳам меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларни ҳар жабҳада қўллаб-қувватлашда камарбаста бўлади.

> **ХОДИМЛАРНИНГ МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШИ, БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ЎТКАЗИШИ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАР ҲАМ ТАЛАЙГИНА. ХУСУСАН, «ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁҲАТ ҚИЛ!» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН 13 МИНГ 501 НАФАР ИШЧИ-ХОДИМ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ ЮРТИМИЗНИНГ ДИҚҚАТГА САЗОВОР МАСКАНЛАРИ, ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИ ВА МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРИГА САЁҲАТГА ЮБОРИЛДИ.**

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

ҲАЛОЛ ВА ФИДОЙИ МЕҲНАТ ТАРҒИБОТИ



Гулсара ҚУРБОНБОЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси

Хоразм – буюк алломалар ва давлат арбоблари етишиб чиққан қадимий диёр. Бироқ яқин ўтмишда вилоятнинг улкан салоҳияти тўла намоён бўлмади, иқтисодий қийинчиликлар, ишсизлик ва оғир турмуш шароити кўплаб аҳолини хориждан ризқ излашга мажбур этди.

Бугун эса вазият тубдан ўзгармоқда. Инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислоҳотлар натижасида Хоразмнинг иқтисодий имкониятлари кенгайиб, аҳоли фаровонлиги юксалмоқда. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди: сўнгги тўққиз йилда аҳолининг реал даромадлари икки баробар ошди, камбағаллик даражаси 4,4 фоизга, ишсизлик эса икки баробар қисқариб, 4,5 фоизга тушди.

Давлатимиз раҳбари шу йил август ойида вилоятга ташрифи чоғида таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг илк кунлариданоқ янги иш ўринлари яратиш ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш устувор вазифа этиб белгиланди. Хоразмда ҳам бу борада алоҳида дастурлар қабул қилиниб, зарур маблағлар ажратилди, масъуллар ва вазифалар аниқ белгилаб олинди. Вилоятда доимий иш ўринлари сони ортиб, бир вақтлар тирикчилик илинжида хорижга кетган хоразмликлар аста-секин она юртига қайтмоқда. Бу эса ҳудуд иқтисодий салоҳияти юксалиб, одамларнинг ўз келажагини шу заминда қуришга бўлган ишончи мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Аҳоли бандлигининг ортиши касаба уюшмалари зиммасидаги вазифалар кўламини ҳам кенгайтирмоқда. Зеро, масала фақат иш билан таъминлаш билангина ҳал бўлмайди. Ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳам ниҳоятда муҳим.

Шу боис касаба уюшмалари сафларини кенгайтириш, янги меҳнат жамоаларида бошланғич ташкилотларни шакллантириш ва ижтимоий шерикликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Йилнинг ўтган даврида нодавлат сектордаги 336 та корхона, ташкилот ва муассасада янги касаба уюшмаси ташкилотлари тузилиб, 7 409 нафар ходим уюшма аъзолигига қабул қилинди. Шунингдек, 500 дан ортиқ бошланғич ва туман ташкилотига амалий ёрдам кўрсатилди, 1 230 нафардан зиёд бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари иштирокида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Бошланғич ташкилотларимиз қанчалик кучли бўлса, касаба уюшмаси аъзоларининг манфаатлари шунчалик самарали ҳимоя қилинади. Ходим иш жойида ўз ҳуқуқлари ҳимояланганини, меҳнати қадрланаётганини ҳис қилганидагина ижтимоий шериклик ўзининг ҳақиқий мазмунини намоён этади. Шу сабабли жамоа шартномаларининг бажарилиши, иш берувчилар билан ҳамкорлик ва меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлаш доимий эътиборимизда.

Давлат дастурлари доирасида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида жамоа шартномалари орқали пенсия ёшидаги 429 нафар ходимга пенсияга чиқишидан олдин бирйўла моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар бериш учун 313 миллион 351 минг сўм, ишламайдиган 1 127 нафар пенсионерни қўллаб-қувватлаш учун 401 миллион 655 минг сўм йўналтирилди. Шунингдек, 409 нафар ходим юбилей саналари муносабати билан рағбатлантирилди, бола парвариши таътилидаги 336 нафар ёш онага 257 миллион 821 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 2 529 тасига ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар харид қилиш харажатларини қоплаш учун 546 миллион 328 минг сўм ажратилди. Нодавлат мулк шаклидаги 147 та корхона ва ташкилотда ишлаётган ёш болали 219 нафар аёл учун иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафталик иш вақти 35 соатдан ошмайдиган тартиб жорий этилди.

Бундан ташқари, кам таъминланган ёш оилаларнинг 1 857 нафар вакилига 777 та корхона ва ташкилот орқали 865 миллион 779 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 87 нафар талабага контракт тўловларининг бир қисмини қоплаш учун 336 миллион 856 минг сўм ажратилди. Уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун 43 та оилага жами 392 миллион сўмлик фоизсиз ссудалар берилди.

Бу рақамлар ортида юзлаб оилаларнинг қувончи, минглаб инсонларнинг эртанги кунга бўлган ишончи мужассам. Кўрсатилаётган ёрдамлар муайян муаммоларни ҳал этишдан ташқари, одамларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончини ҳам мустаҳкамламоқда.

Касаба уюшмаси аъзоларини қўллаб-қувватлашнинг яна бир муҳим йўналиши – уларнинг саломатлигини асраш ва тиклаш. Ҳисобот даврида ижтимоий суғурта ва касаба уюшмалари бюджети маблағлари ҳисобидан жами 3 052 нафар ходим, уларнинг оила аъзолари ва пенсионерларга санаторий-курорт йўлланмалари ажратилди.

Меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим шартларидан бири иш жойида хавфсизликни таъминлашдир. Ҳар бир ходим ўз вазифасини бажараётганда ҳаёти ва соғлиғи ишончли ҳимоя қилинаётганига амин бўлиши керак. Шу мақсадда 2026 йилнинг тўққиз ойи давомида 16 та корхона, ташкилот ва муассасада меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсиз шароитлар яратиш ва ижтимоий ҳимояни таъминлаш юзасидан иш берувчиларга тақдимномалар киритилди. Ўндан ортиқ ташкилотда меҳнат муҳофазасини яхшилашга қаратилган семинарлар ўтказилди.



Ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш ҳам фаолиятимизнинг муҳим йўналишидир. Йилнинг ўтган даврида вилоят кенгашига 102 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 43 таси иш ҳақи ва бошқа тўловларни ундириш каби ҳуқуқий ҳимоя, 26 таси ижтимоий-иқтисодий манфаатлар, 5 таси меҳнат муҳофазаси, 7 таси касаба уюшмасининг ташкилий-ҳуқуқий фаолияти, 11 таси соғломлаштириш, 5 таси моддий ёрдам ажратиш масалаларига тааллуқли бўлди. Яна 5 та мурожаат касаба уюшмаси фаолиятига оид бўлмаган масалалар юзасидан эди. Барчаси қонунчилик талаблари асосида кўриб чиқилди. Касаба аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 108 марта суд мажлисларида иштирок этилди. 39 нафар аъзонинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 1 миллиард 320 миллион сўмдан ортиқ маблағлар ундириб берилди. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради. Шу боис муаммони ўрганиш билангина чекланмай, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва адолатни қарор топтириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ходимнинг муносиб ҳаёти фақат иш ҳақи ва ижтимоий кафолатлар билан белгиланмайди. Унинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, маданий ҳордиқ чиқариши ва спорт билан шуғулланиши учун имконият яратиш ҳам муҳимдир. Тўққиз ой давомида 2 620 та бошланғич ташкилотда ўтказилган «Маърифат соатлари»да 273 минг 123 нафар ишчи-ходим иштирок этди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 30 мингдан зиёд ходимларнинг Хива, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларига бепул саёҳатлари ташкил этилди. Шунингдек, 6 868 нафар ходимнинг концертларга, 4 536 нафарининг театрларга, 8 157 нафарининг музей ва кўргазма залларига ташрифлари уюштирилди.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида 2 620 та корхона, ташкилот ва муассасада соғломлаштириш машғулотлари ташкил этилиб, уларга 216 мингдан ортиқ ходим жалб қилинди. Тиббиёт ходимлари ўртасида «Соғлом танда – сифатли тиббиёт», таълим муассасалари педагоглари ўртасида эса «Соғлом танда – сифатли таълим» шиорлари остида спорт мусобақалари ўтказилди. Тармоқ касаба уюшмалари томонидан яна 91 та спорт тадбири ташкил этилди. Бундай тадбирлар ходимларнинг жисмоний фаоллигини ошириш билан бирга, жамоавийлик, ҳамжиҳатлик ва соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ижтимоий масъулиятнинг яна бир муҳим кўриниши – меҳнат фахрийлари, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган оилалар ва оғир вазиятга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлашдир. Турли байрамлар муносабати билан меҳнат фахрийлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар ҳамда кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва моддий ёрдамлар берилди. Уйида ётиб қолган, ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олинди. Уруш ва меҳнат фахрийларига, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг оилаларига ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшмалари фаолиятида ёшлар масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат жамоаларидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва касбий ривожланишига кўмаклашиш келажакдаги барқарор тараққиёт учун муҳимдир. Шу мақсадда мунтазам ташкил этилаётган «Раҳбар ва ёшлар» учрашувларида уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва ташаббуслари ўрганилиб, кўтарилган масалалар юзасидан тегишли чоралар белгиланмоқда.

Умуман, амалга ошираётган барча чора-тадбирларимиз инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Чунки инсон қадри улуғланган юртда меҳнат қадрланади, ижтимоий адолат мустаҳкамланади ва тараққиёт барқарор тус олади. Бинобарин, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг асосий мазмуни ва бош мезонидир.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ЁШ ОИЛАЛАРНИНГ 1 857 НАФАР ВАКИЛИГА 777 ТА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ ОРҚАЛИ 865 МИЛЛИОН 779 МИНГ СЎМЛИК ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН 87 НАФАР ТАЛАБАГА КОНТРАКТ ТЎЛОВЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ ҚОПЛАШ УЧУН 336 МИЛЛИОН 856 МИНГ СЎМ АЖРАТИЛДИ. УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ВА МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН 43 ТА ОИЛАГА ЖАМИ 392 МИЛЛИОН СЎМЛИК ФОИЗСИЗ ССУДАЛАР БЕРИЛДИ.



Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

ТАРМОҚ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ГАРОВИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар замирида инсон қадрини улуғлаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратишдек улуғвор мақсадлар мужассам. Жумладан, миллий иқтисодиётимизнинг пойдевори ҳисобланган энергетика, нефть-газ ва геология соҳаларида фаолият юритаётган ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ҳам давр талабига айланмоқда. Шундан келиб чиқиб, ўтган даврда тармоқ корхона ва ташкилотларида ижтимоий шерикликни ривожлантириш, жамоа-шартномавий муносабатларни такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.



Ходимларнинг меҳнат, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномалари энг асосий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Шу боис «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ҳамда «Иссиқлик электр станциялари» АЖ билан 2025-2027 йилларга мўлжалланган тармоқ жамоа келишувлари амалиётга татбиқ қилинди. Бу борадаги ишларнинг узвий давоми сифатида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Энергетика вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ ва «Ўзбекгидроэнерго» АЖ билан 2026-2028 йилларга мўлжалланган тармоқ жамоа келишувлари имзоланди. Натижада ходимларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши доимий назоратга олинди ва жорий йилнинг биринчи чорагида ижтимоий шериклар иштирокида ижро ҳолати муҳокама қилиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар чиқарилди.

Касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатлари билан кўплаб корхоналарда қўшимча имтиёзлар амалиётга татбиқ қилинди. Бунинг исботи сифатида жамоа шартномалари доирасида ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ миқдори йил сайин ортиб бораётганини келтириш мумкин. Айтайлик, 2024 йилда бу кўрсаткич ўртача 17 миллион 405 минг сўмни ташкил этган бўлса, бултур 18 миллион 110 минг сўмга етди.



Бу йил кенгаш томонидан яна 50 дан ортиқ корхона ва ташкилотнинг жамоа шартномалари лойиҳалари экспертизадан ўтказилиб, белгиланган тартибда рўйхатга олингани ижтимоий шериклик самарадорлигини ҳар қачонгидан оширди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг энг инсонпарвар йўналишларидан бири бу ходимларни, уларнинг оила аъзоларини, тизимда узоқ йиллар хизмат қилган фахрийларни ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдир. Ортда қолган давр мобайнида кўплаб инсонларга, оилаларга кўмак берилди. Хусусан, 2626 нафар шахсга нафақага чиқиш олдидан бирйўла моддий ёрдам кўрсатилиб, совғалар топширилди, 2705 нафар ходим эса юбилей саналари муносабати билан муносиб тақдирланди. 3883 нафар пенсионер касаба уюшмаси диққат-эътиборида бўлди.

Навқирон авлод ва хотин-қизлар муҳофазаси ҳам устувор вазифа сифатида белгиланиб, бола парвариши таътилидаги 556 нафар ёш она ҳамда 4135 нафар кам таъминланган ёш оила вакиллари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 472 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабанинг шартнома тўловлари қисман қоплаб берилди. Ёш оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида 32 та оилага уй-жой қуриши ва узоқ муддат фойдаланиладиган маҳаллий товарларни харид қилиши учун фоизсиз ссудалар ажратилди. Шунингдек, сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизмат бурчини ўтаган 400 нафар ходимга ҳам фоизсиз ссудалар тақдим этилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида 1105 нафар хизматчи учун мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди.



Шуҳрат ҚУРБОНОВ,
Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Замон тақозосига кўра, касаба уюшмалари фаолиятида нафақат ижтимоий ҳимоя, балки меҳнат жамоаларида масъулият, ташаббускорлик ва тежамкорлик маданиятини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда «Электр энергияси ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича энг яхши бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти» кўрик-танлови юқори савияда ташкил этилди. Унда «Ўзбекгеофизика» АЖ аппарати бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти фахрли биринчи, «Сирдарё иссиқлик электр станцияси» филиали иккинчи, «Фарғона иссиқлик электр маркази» филиали эса учинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланди.

Меҳнат муҳофазаси бўлими томонидан корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда хавфсизлик техникаси, электр, ёнғин хавфсизлиги ва саноат санитарияси қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати кучайтирилди. Иш жойларидаги шароитларни яхшилашга қаратилган бу янглиғ чора-тадбирлар бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ва ходимлар саломатлигини асрашга хизмат қилади.

> **КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН КЎПЛАБ КОРХОНАЛАРДА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИНДИ. БУНИНГ ИСБОТИ СИФАТИДА ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ДОИРАСИДА ҲАР БИР ХОДИМ УЧУН САРФЛАНГАН МАБЛАҒ МИҚДОРИ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРАЁТГАНИНИ КЕЛТИРИШ МУМКИН. АЙТАЙЛИК, 2024 ЙИЛДА БУ КЎРСАТКИЧ ЎРТАЧА 17 МИЛЛИОН 405 МИНГ СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, БУЛТУР 18 МИЛЛИОН 110 МИНГ СЎМГА ЕТДИ.**



Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

КУЧ – АДОЛАТДА!



Қобилжон ҚИРҒИЗАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси бошлиғи – Федерация раиси ўринбосари

Мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли янгиланишлар ва ислоҳотлар жараёнида инсон қадрини улуғлаш, айниқса, ҳар бир фуқаронинг муносиб ва хавфсиз шароитда меҳнат қилишини таъминлаш устувор вазифага айланди. Бу борада Меҳнат инспекцияси ва касаба уюшмалари нафақат қонун устуворлигини таъминловчи, балки оддий ишчи-ходимнинг ҳақиқий суянчи ва қалқонига айланган муҳим тузилма сифатида гавдаланмоқда.

Ўтган давр мобайнида Меҳнат инспекцияси томонидан амалга оширилган тизимли ишлар, жамоатчилик назорати тадбирлари ва эришилган натижалар ҳам соҳадаги марралар нечоғлик баланд эканидан далолат беради. Зеро, эзгу саъй-ҳаракатларимиз замирида минглаб ишчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу мақсад мужассам.

Фаолиятимиз салмоғини аниқ фактлар ва рақамлар таҳлили мисолида кўрадиган бўлсак, ҳисобот даврида инспекторлар томонидан 1 минг 959 та ташкилот ва корхонада жамоатчилик назорати асосида ўрганишлар ўтказилди. Шу жараёнда фуқаролардан келиб тушган 4 минг 88 та мурожаат ўрнатилган тартибда, атрофлича кўриб чиқилди. Табиийки, тадбирлар амалий натижадорликка хизмат қилди: 104 минг 788 нафар шахснинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди ҳамда уларнинг фойдасига иш берувчилардан жами 68 миллиард 117 миллион сўм ундирилишига эришилди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари инспекторлари ходимларнинг мурожаати ва ўз ташаббуслари билан судларда ҳамда меҳнат низоларини кўриб чиқадиган бошқа органларда 1 минг 11 марта расмий вакил сифатида иштирок этиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилдилар.

Назорат тадбирлари давомида аниқланган 8 минг 957 та камчиликни бартараф этиш бўйича иш берувчиларга 998 та ёзма кўрсатма киритилди. Шундан 7 минг 356 таси қисқа муддатда бартараф қилинди.

Юқоридаги ҳолатларни аниқ манзиллар билан таҳлил этсак, Меҳнат инспекцияси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри каби 11 та ҳудуддаги 70 та ташкилот ва муассасада изчил ўрганишлар ўтказилди. Қувонарлиси, Тошкент шаҳридаги 6 та ташкилотда меҳнат муносабатлари қонунчиликка мувофиқ юритилаётган бўлса, Фарғона вилоятидаги 3 та муассасада иш ҳақи ўз вақтида тўланиб, қарздорлик ва бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилмагани аниқланди. Тошкент вилоятида эса киритилган кўрсатмалар натижасида 6 та мактабда аёллар гигиеник хоналари ташкил этилди ва 58 нафар техник ходимни махсус кийим-бош билан таъминлашга иш берувчилар ҳисобидан 47,2 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Аммо жойлардаги ўрганишлар натижалари бизни айрим масалаларда хавотирга солмоқда. Кўплаб ташкилотларда ходимларнинг хотиржам ва хавфсиз меҳнат қилиши учун муносиб шароитлар деярли яратилмаган. Масалан, Андижон, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида Меҳнат кодексининг 233-моддаси талаблари бузилиб, ходимларнинг таътил пуллари 10-15 кунгача кечиктириб тўланган. Андижон вилоятидаги Избоскан ихтисослашган санъат мактаб-интернатида эса кассир М.Халиловга ишдан бўшатиш нафақаси кам ҳисобланган аниқланди. Меҳнат шартномаларини тузиш (МК 106, 107, 127-моддалари) борасида ҳам лоқайдлик мавжуд. Андижон вилоятидаги Шерали Жўраев номидаги мусиқа ва санъат олий мактабида шартномалар расмийлаштирилмаган бўлса, Олимпия захиралари спорт интернатида ходимлар ички буйруқлар билан таништирилмаган. Андижон ва Бухоро вилоятларида бошқа ишга ўтказишда синов муддатини қонунга хилоф равишда белгилаш, икки томонлама шартномани бекор қилишда касаба уюшмаси розилигини олмаслик ҳолатларига ҳам дуч келдик.

Энг ачинарлиси, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар ҳуқуқларининг топталишидир. Бухоро вилоятида уч ёшгача фарзанди бор аёлларга қонунда белгиланган 35 соатлик иш ҳафтаси ўрнига 40 соатлик тўлиқ иш вақти юклатилган. Жиззахда I гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга қисқартирилган иш вақти умуман белгиланмаган. Сурхондарё ва Қашқадарёда ходимлар ички ҳужжатлар билан таништирилмаган, ҳатто таътил жадваллари тасдиқланмаган.





> **ТАДБИРЛАР АМАЛИЙ НАТИЖАДОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛДИ: 104 МИНГ 788 НАФАР ШАХСНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ФОЙДАСИГА ИШ БЕРУВЧИЛАРДАН ЖАМИ 68 МИЛЛИАРД 117 МИЛЛИОН СЎМ УНДИРИЛИШИГА ЭРИШИЛДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, КАСАБА УЮШМАЛАРИ ИНСПЕКТОРЛАРИ ХОДИМЛАРНИНГ МУРОЖААТИ ВА ЎЗ ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН СУДЛАРДА ҲАМДА МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚАДИГАН БОШҚА ОРГАНЛАРДА 1 МИНГ 11 МАРТА РАСМИЙ ВАКИЛ СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТИБ, УЛАРНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛДИЛАР.**

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус комиссиялар тузиш, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш ва ходимларни иш берувчи ҳисобидан мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш талабларига кўп жойларда кўз юмилган. Хусусан, Хоразм, Сурхондарё ва Фарғонада ходимлар, жумладан, биргина концерт саройининг 82 нафар ишчиси тиббий кўрикдан ўз ҳисобидан ўтишга мажбур бўлган.

Аниқланган ҳолатлар бўйича Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмасига аъзо 48 та ташкилот раҳбарига 220 та талабдан иборат ёзма кўрсатмалар киритилиб, ижроси қатъий назоратга олинди.

Яна бир гап. Федерациянинг Малака ошириш институтида инспекторларимиз ва мутахассисларимизнинг билимлари мунтазам равишда ошириб борилмоқда. Жорий йил бошидаги ўқувлар давомида улар «Қуюв-механика заводи» АЖда бўлиб йирик ишлаб чиқариш цехларида ишчилар учун яратилган замонавий шароитлар билан танишиб, тажриба алмашдилар.

Шунингдек, ҳисобот даврида 62 минг 799 нафар касаба уюшмаси фаоли иштирокида 784 та ўқув ва тарғибот тадбирлари, семинарлар ташкил этилди. Хусусан, 24 та ташкилотда ўтказилган «Хавфсиз меҳнат асослари» мавзусидаги тренингларда 1976 нафар меҳнаткашнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва меҳнат муҳофазасига оид кўникмалари оширилди.

Биз бундан кейин ҳам ишчи-ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида астойдил меҳнат қиламиз. Зеро, бош мақсадимиз – юртимизда инсон қадрини улуғлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ИЛК «МЕҲНАТ САРОЙИ»: ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Касаба уюшмасининг илк биноси Тошкентнинг қайси қисмида жойлашган эди? Ташкилотнинг илк «Меҳнат саройи» ҳақида эшитганмисиз? Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши (Ўзсовпроф) дастлаб қайси манзилда бўлган?

Бу саволлар қизиқиш уйғотиши табиий. Чунки Ватан остонадан бошланганидек, уюшмамиз тарихи ҳам унинг илк биносидан бошланади.





Ҳаётжон ШАРИПОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси

Архив материаллари асосида олиб борган тадқиқотларимиз жараёнида остига ўзбекча (лотин ёзуви да): *«Тошкент. 1905 йилда Тошкент профсоюзлари бўлган ҳовлига кириш (дарвозаси собиқ Воронцов кўчасидан)»* ва рус тилида: *«Ташкент. Вход (ворота с бывшей Воронцовской улицы) во двор, где помещались Ташкентские профессиональные союзы в 1905 году»* деб ёзилган, 8217-рақам билан муҳрланган фотосурат алоҳида ўрин тутади. Айнан шу сурат Туркистон заминида касабачилик ҳаракати бошланган даврни кўрсатиш билан бирга, унинг дастлаб қайси манзилда жойлашганини яққол намоён этади.

Суратга эътибор берсангиз, катта ҳовлили, ташқариси ва ичкариси кўкаламзорлаштирилган, оқ пишиқ ғиштдан қурилган, ўша даврнинг энг зўр архитектура лойиҳасига эга бинони кўришингиз мумкин. Унда баланд дарвоза ва ёғоч эшик бўлиб, уларга ҳар иккала томондан ғиштли деворлар туташган. Бу муҳташам дарвозали ҳовлининг касаба уюшмаларига берилиши ташкилот тузилиши биланоқ нафақат ишчи-хизматчилар ва оддий меҳнаткашлар, балки иш берувчилар, қолаверса, генерал-губернаторликнинг Тошкент шаҳар думаси олдида ҳам алоҳида мавқега эга бўлганидан далолатдир. Қолаверса, бундай сўлим ва ҳашаматли бинога жойлашиш учун император Николай II нинг 1905 йил 17 октябрдаги сўз ва виждон эркинлиги, касаба уюшмаларини тузиш ва бирлашиш эркинлигини бериш *(асл таржимада «инъом этиш»)* тўғрисидаги Манифести ҳам муҳим роль ўйнаган бўлиши керак.

Энди сурат остида ёзилганидек, Воронцов кўчаси *(баъзи манбаларда Воронцов проспекти, шоҳ кўчаси)* Тошкент шаҳрининг қаерида жойлашганини излаб кўрайлик. Тошкентнинг эски харитасида ҳам, янгисида ҳам бу кўча мавжуд эмас эди. Агар 1905 йилда касаба уюшмалари темирйўлчилардан бошланганини инобатга олсак, бу бино 1901 йилда, сўнгра зилзиладан сўнг 1903 йилда қайта қурилган Шимолий вокзал ва унинг атрофидаги Бош депо устахоналари яқинида бўлса керак, деган фикр бор.

Масаланинг ечимини топиш учун бизга 1905 йилдаги Тошкент харитаси керак эди. Аммо уни қанча изламайлик, барибир тополмадик. Кўп изланишлардан сўнг эса 1910 йилги Тошкент харитасини топишга муваффақ бўлдик. Унда биз излаган ўша кўча тўғри генерал-губернатор ҳовлисига олиб борадиган, шаҳарнинг қоқ марказидан ўтадиган, Алишер Навоий ва Амир Темур чорраҳаси, Романовлар уйидан то анҳоргача чўзилган кенг кўча бўлиб чиқди *(бекорга шоҳ кўча дейилмаган экан-да)*.

Кўча нега Воронцов номи билан аталиши, бу шахс ким бўлгани ҳам бизни кўп қизиқтирди. Балки ушбу кўча Россия давлат ва ҳарбий арбоби, князь, генерал-фельдмаршал Михаил Семёнович Воронцов *(1782-1856)* номига қўйилгандир? У Россия империяси Давлат кенгаши аъзоси ҳамда Император Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси бўлган. Лекин таржимаи ҳоли билан танишиб, Марказий Осиё ёки Тошкентга боғлиқ бирор нарса тополмадик.

Воронцов кўчаси собиқ иттифоқ даврида Сталин, кейинчалик Братская *(Биродарлик)*, мустақиллик йилларида эса академик Хадича Сулаймонова номи билан аталган. 2011 йилдаги бунёдкорлик ишлари *(«Маърифат маркази», «Симпозиумлар саройи», Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қурилиши)* натижасида Хадича Сулаймонова номи олиб ташланди.

Касаба уюшмалари 1905 йилда жойлашган ҳовли ва унинг дарвозаси Воронцов кўчасининг қаерига тўғри келиши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Тарихий манбалар бу дарвозанинг Иржар ва Воронцов кўчалари кесишмасида бўлганини кўрсатди. Иржар кўчаси – ҳозирги Сайилгоҳ томон борувчи Бухоро кўчасига туташ Зарафшон кўчаси эканини инобатга олсак, унинг Воронцов кўчасига туташадиган ўрни «Давлат белгиси» ДУК зарбхонасининг ғарбий чеккасига тўғри келади. Демак, биринчи манзилимиз – касаба уюшмалари ҳовлиси ва унга кириш дарвозаси айнан шу ерда бўлган.

Иккинчи манзилимиз тўғрисида буюк жадид бобомиз, касаба уюшмалари фидойиси, Тошкентда «Ўқитувчилар союзи» ва бошқа бир неча ишчи-ходимлар уюшмалари – «Рабочий союзлар»ни ташкил этган, эски шаҳарда «Қоровуллар, тунукасозлар, совун ишловчилар союзлари»ни тузган, «Касабачилик ҳаракати» журналига раҳбарлик қилган, маърифатпарвар олим, драматург, журналист, давлат ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний (1878-1934) маълумот берган. Хусусан, «Касабачилик ҳаракати» журналининг 1921 йил 1 апрелдаги 7-сонида «Меҳнат қасри» (Дворец труда) сарлавҳали мақола эълон қилинади. Эски ўзбек ёзувидаги ушбу мақолани қуйида айнан келтиришни ўринли деб билдик:

«Комиссарлар Шўросининг қарорига биноан касабалар уюшмалари учун бир ерга қаср бино қилмоқчи бўлди:

«Марказий касабалар Шўроси бу қарорни вужудга чиқармақнинг чорасига киришуб, Карл Маркс, Ийқонский, Иржарский ҳам Петроградский кўчаларининг ўраб олган бутун ўрамни, иморатлари Марказий касабалар Шўросининг тахти идорасига берилсун. Касаба уюшмаларидан бўлмагон идораларни ҳамда уйларда турувчи кишиларни кўчирилсун».

Бу «дворец»ни тузатмоқ ва ислоҳ қилмоқни плон тузуб, исмета ҳозирламоқни Бинокорлар союзига ҳавола қилинди, бу иморатларнинг ислоҳи ушбу 1921 йилнинг сезонидан қолдирмаслик шарти билан.

Бу ўрамдаги иморатлар фақат меҳнаткашлар уюшмаларининг идорасига хос бўладур».

Демак, буюк маърифатпарвар жадид бобомиз хабар беришича, Туркистон Комиссарлар Шўроси *(ҳозирги Вазирлар Маҳкамаси)* қарорига биноан, тўрт томонини тўртта кўча ўраб турган йирик мажмуали бино Туркистон касаба уюшмаси Марказий кенгаши тасарруфига «Меҳнат саройи» сифатида фойдаланиш учун ўтказиб берилган ва шу йилнинг ўзида таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилган.

Бу «Меҳнат саройи»ни излаб яна харитага юзланамиз, чунки унинг манзили аниқ айтилди. Булар – Карл Маркс, Ийқонский, Иржарский ва Петроградский кўчалари ўраб турган манзил. Харита Карл Маркс кўчасининг аввалги номи Кауфман проспекти – ҳозирги Сайилгоҳ кўчаси, Петроградский кўча – бу ҳозирги Матбуотчилар кўчаси, Иржарский кўча – бу ҳозирги Зарафшон кўчаси, Ийқонский кўчаси эса Зарафшон ресторани ва собиқ МХХ биноси ўртасидаги кўча эканини кўрсатди. Демак, Матбуотчилар кўчасидан то Сайилгоҳ кўчасигача бўлган, ҳозир Зарафшон ресторани ва бир қанча дўконлар, кафе ва ресторанлар жойлашган бинонинг ўрни бутун мажмуаси билан «Меҳнат саройи» бўлган.

Хўш, «Меҳнат саройи»гача бу ерда нима бор эди? Бу саволга тошкентлик таниқли олим, тарихчи, ўлкашунос, журналист Б.Голендернинг ушбу мулоҳазалари жавоб бўлади:

«Эски Тошкент тижоратчилари орасида ўзининг ташаббускорлиги ва омади туфайли миллионер даражасига етганлардан бири Дмитрий Николаевич Захо эди. Бу руслашган юнон, бахт изловчи инсон, 1868 йилда Тошкентга келиб, «ўз шахсий иши» сифатида товар қиймати икки юз рублдан ошмайдиган кичик тамаки дўкони очган.

Бироқ унинг ишлари шунчалик юришиб кетдики, орадан бир йил ўтиб, «ютқазиқсиз лотерея» соҳибига айланди. Бу лотерея «сеҳрли фонарь-панорама» деб аталган томоша билан ўтказилар, ҳар киши учун кириш ҳақи эллик тийин эди.

Расм кўриш ва оз миқдордаги ютуқларни қўлга киритишни хуш кўрувчилар шунчалик кўп бўлганки, орадан яна бир йил ўтиб, Д.Захо давлат муассасалари учун канцелярия буюмлари етказиб бериш бўйича буюртмалар олиш имконига эга бўлди. XIX асрнинг охирига келиб эса, Тошкент марказида Д.Захо савдо уйига тегишли бутун бир квартал вужудга келди – бу ҳозирги кунда «Зарафшон» ресторани мажмуаси жойлашган ҳудудда эди.

Д.Захо мулкларининг безаги эса икки қаватли дўкон биноси бўлди – катта ёшли тошкентликлар ҳанузгача Соборная (Сайилгоҳ кўчасининг номларидан бири) ва Иржарская кўчалари бурчагида жойлашган гастрономни эслашади. Бу дўкон 1966 йилги вайрон қилувчи зилзилагача ишлаб турган. Ушбу бино тарихий аҳамиятга эга бинолардан эди, инқилобдан кейинги илк йилларда «Меҳнат саройи» деб аталарди».

Бундан кўринадики, «Меҳнат саройи» тадбиркор Д.Захонинг икки қаватли дўкони ва унга туташ бинолардан иборат бўлган. Биз бу бинонинг ўша даврдаги бир неча суратларини топишга муваффақ бўлдик. Саройда кейинчалик Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши *(Ўзсовпроф)*, ундан сўнг Бутуниттифоқ касаба уюшмалари Марказий Кенгаши *(ВЦСПС)*нинг Ўрта Осиё бюроси, кейин яна Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари кенгашлари жойлашган эди.

Саройда, шунингдек, касаба уюшмаларининг даврий нашрлари – «Касабачилик ҳаракати» журнали, «Профсоюзное движение и рабочая кооперация» газетаси, 1931 йил декабрдан бошлаб «Профсоюз ишларининг бюллетени» журнали, 1935 йил январдан бошлаб, «Пахта совхозлари ва МТС ишчилари касаба союзи Марказкўмининг бюллетени» журналлари таҳририятлари ҳам жойлашган. Бу ҳақдаги маълумотлар мазкур газета ва журналларнинг ўзида таҳририят манзили сифатида қайд этилган.

Ўша сарой Туркистондаги ишчи ва хизматчиларнинг илк маданий-маърифий маркази бўлиб, кейинчалик бутун Ўрта Осиёда касаба уюшмалари тизими шаклланишига пойдевор бўлган десак, муболаға бўлмайди.

«Меҳнат саройи»ни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ишчи ва хизматчиларни бирлаштириш, уларнинг сиёсий, маънавий ва маданий савиясини ошириш ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштиришдан иборат эди.

Сарой фаолияти доирасида ишчи-хизматчилар учун маъруза заллари, кутубхона, тингловчилар учун курслар, сурат кўргазмалари ва театр саҳналари ташкил этилган. Бу ерда касаба уюшмаларининг йиғилишлари ва конференциялар ўтказилган, ишчи-хизматчилар вакиллари ўртасида сиёсий саводхонликни оширишга қаратилган тадбирлар уюштирилган.

«Меҳнат саройи» нафақат маърифий муассаса, балки ишчилар ҳаракатининг ташкилий марказига ҳам айланган. У орқали Туркистондаги касаба уюшмалари ўзаро ҳамкорлик ўрнатиб, ишчи-ходимлар манфаатларини давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айлантиришда алоҳида ўрин тутган.

1924 йили Туркистон АССР тугатилиб, Ўзбекистон ССР ташкил этилгандан кейин «Меҳнат саройи» Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши ихтиёрига ўтди. Кейинчалик у «Ишчилар уйи», бора-бора «Касаба уюшмалари уйи» номи билан машҳур бўлди. Ушбу муассаса 1930-1950 йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракати маркази сифатида фаолият юритиб, мамлакатда меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолат ғояларини тарғиб этишда катта аҳамият касб этди.

1966 йил 26 апрелдаги машъум зилзила Тошкентдаги минглаб иншоотлар қатори Касаба уюшмалари биносига ҳам жиддий зарар етказди. Тарихий суратларда бинонинг иккинчи қавати деярли вайрон бўлганини кўриш мумкин.

1968-1970 йиллар оралиғида бино бузиб ташланди. Унинг ўрнида 1974 йили «Зарафшон» ресторани мажмуаси қад ростлади.

Зилзиладан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши «Шарқ ҳақиқати» («Правда Востока» – ҳозирги Бухоро) кўчасидаги икки қаватли бинога кўчиб ўтди. Лекин кўп ўтмай, бу бино ҳам хавфли деб баҳоланди ва бузиб ташланди.

1967-1968 йилларда архитектор А.Муҳамедшин ва муҳандис Л.Голубов раҳбарлигида Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг янги биноси қуриб битказилди. Унинг пастки қаватларида Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши, юқори қаватларида Ўзбекистон КП Марказий қўмитаси нашриёти, «Шарқ» ва «Труд» газеталари таҳририятлари ўрин олди.

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда касаба уюшмалари фаолиятида янги босқич бошланди. Янги Ўзбекистоннинг бош ғояси – «Инсон қадри учун» тамойили тизимнинг барча бўғинлари учун фақат шиор эмас, балки кундалик иш мезонига айланмоқда. Бу ўзгариш, аввало, одамларга муносабатда, уларнинг муаммоларини эшитиш ва ҳал этишда, меҳнат жамоаларидаги ижтимоий муҳитни соғломлаштиришда намоён бўлиши керак.





Бахтиёр ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси

Қашқадарё вилоятида бугун касаба уюшмалари 3 050 га яқин бошланғич ташкилот, 200 нафардан зиёд штатдаги ходим, 10 мингга яқин фаолни бирлаштирган. Аъзоларимиз сони 683 минг нафардан ортиқ. Бундай қамров, бир томондан, тизимнинг жамоатчилик ҳаётидаги салмоғини кўрсатса, иккинчи томондан, ҳар бир ташкилот зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки касаба уюшмасига аъзолик – бу шунчаки муайян тузилма сафида туриш эмас, балки ўз меҳнат ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишидан умидвор бўлган инсоннинг ишончидир.

Айни пайтда вилоятимизда жамоа шартномалари орқали 554 минг 787 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари қамраб олинган. Аввало, ушбу ҳужжатнинг қадри унда белгиланган бандлар ёки ажратилган маблағлар билан эмас, аввало, ходим ҳаётида юзага келган амалий ўзгаришлар билан ўлчанади. Назарда тутилган имтиёзлар ўз вақтида бериляптими, иш ҳақи кечиктирилмаяптими, меҳнат ва дам олиш шароитлари яхшиланяптими, ижтимоий кўмакка муҳтожлар эътибордан четда қолмаяптими? Касаба уюшмаси ташкилотлари доимо шу саволларга жавоб излаши керак. Шу боис ўтган йилда ҳудудий миқёсда давлат органлари, иш берувчилар бирлашмалари ва касаба уюшмалари вакилларидан иборат Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар фаолияти кенгайтирилди. Бу масалаларни бир томонлама эмас, ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш имконини беради.

Жорий йилнинг ўтган даврида меҳнат ҳуқуқлари тикланган ходимларга 4 миллиард 159 миллион сўм иш ҳақи ундириб берилди. Вилоят кенгашининг аралашуви билан 22 нафар фуқаро ўз ишига тикланди. Бу рақамларнинг ҳар бири ортида муайян инсон тақдири бор. Кимдир берилмаган иш ҳақини олди. Кимдир асоссиз равишда маҳрум этилган иш жойига қайтди.

Меҳнат муҳофазаси масаласига касаба уюшмалари фаолиятининг алоҳида йўналиши сифатида қаралмоқда. Жамоаларда хавфсиз иш шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, иш берувчилар томонидан белгиланган талабларга риоя этилишини назорат қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган даврида бахтсиз ҳодисалар аввалги йилларга нисбатан камайди.

ҚАРШИ ШАҲРИДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЗАМОНАВИЙ ЁПИҚ СУВ СПОРТИ САРОЙИНИНГ БАРПО ЭТИЛИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАНИ АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМДИР. БУНДАЙ ИНШООТЛАР СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КУНДАЛИК ҲАЁТ МЕЪЁРИГА АЙЛАНТИРИШ, ЖУМЛАДАН, МЕҲНАТКАШЛАР ВА ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН ҲАМ ЗАРУР.

Ходимларнинг дам олиши, соғлиғини тиклаши, маданий ҳордиқ чиқариши, фарзандларининг соғломлаштирилишини ташкил этиш ижтимоий шерикликнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Вилоятимизда ушбу йўналишдаги имкониятлар кенгайиб бормоқда. Ҳозирда ҳудудимизда 6 та санаторий, 18 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда 3 минг 414 нафар ишчи-хизматчининг санаторийларда соғлиғини тиклаши учун қарийб 19 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Шаҳрисабз туманидаги сўлим Қани қишлоғида ўтган йили «Гулнора» болалар оромгоҳининг ишга туширилгани бу борадаги ишларимизнинг муҳим натижаларидан бири бўлди. Айни пайтда шу ҳудудда 200 ўринли янги санаторий қурилмоқда. Бу лойиҳа келгусида вилоят аҳолиси, хусусан, меҳнаткашларнинг соғлиғини тиклаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Жорий ёзги мавсумда вилоятимиздаги 17 та стационар оромгоҳда 25 минг 201 нафар бола соғломлаштирилди. Белгиланган режа 108 фоизга бажарилди. Бу натижа оромгоҳлар фаолиятига бўлган талаб ва эҳтиёж билан бирга, болаларнинг мазмунли дам олиши учун яратилган шароитлар самарасини ҳам кўрсатади.

Қарши шаҳрида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан замонавий ёпиқ сув спорти саройининг барпо этилиб, фойдаланишга топширилгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамдир. Бундай иншоотлар соғлом турмуш тарзини кундалик ҳаёт меъёрига айлантириш, жумладан, меҳнаткашлар ва ёшларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун ҳам зарур.

Ижтимоий ҳимоянинг яна бир муҳим йўналиши хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ. «Аёллар дафтари» орқали 2020-2026 йилларда вилоятимиздаги 514 мингга яқин хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди. Бу ишлар уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, касб-ҳунар эгаллаши ва мустақил даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, 2026 йил – «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» давлат дастури доирасида жамоа шартномалари ва минтақавий келишувлар асосида 18 минг 117 нафар ходим ҳамда уларнинг оила аъзолари учун диққатга сазовор жойларга саёҳатлар ташкил этилди. Байрамлар муносабати билан 800 нафар кекса авлод вакили юртимизнинг тарихий шаҳарларида бўлиб қайтди.

Хотин-қизлар ва ёшларнинг меҳнат бозоридаги имкониятларини кенгайтириш ҳам алоҳида ёндашувни талаб этади. Ногиронлиги бўлган шахслар учун муносиб иш ўринлари яратиш, уларнинг касбий салоҳиятидан фойдаланиш, меҳнат жамоаларида тенг имкониятлар муҳитини шакллантириш муҳимдир.

Бу борада гендер аудит натижаларини таҳлил қилиш, иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизлар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг раҳбарлик лавозимлари ва қарор қабул қилиш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш бўйича амалий ташаббуслар илгари сурилиши лозим.

Демак, олдимизда турган вазифалар кўп. Уларнинг ҳар бири касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларидан ташаббускорлик, билим, қатъият ва масъулият талаб қилади. Биз бу вазифаларни бажаришда, аввало, инсон манфаатларини устувор қўйишимиз, ҳар бир қарор ва ташаббуснинг одамлар ҳаётига таъсирини ҳисобга олишимиз шарт.



Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

«ОКМК» АЖ КАСАБА УЮШМАСИ: ЯНГИ КАФОЛАТЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ходимлари касаба уюшмаси фаолиятида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда ишчилар ва уларнинг оила аъзоларига ғамхўрлик кўрсатиш доимо устувор вазифа бўлиб келган. Бугунги кунда комбинат касаба уюшмаси тизимида 38 та бошланғич ташкилот мавжуд бўлиб, улар ўз сафига 46 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштирган. Бу зиммамиздаги вазифа ўта масъулиятли эканидан далолат беради.





Абдурашид ҲАЙДАРОВ,
«ОКМК» АЖ касаба уюшмаси кенгаши раиси

Биз фаолиятимизни, аввало, ҳар бир ишчи-ходимнинг ишончини оқлашдан, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва зарур пайтда унга кўмакдош бўлишдан иборат деб биламиз. Айни мақсадда қабул қилинган 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг барча бандлари тўлиқ ижро этилди.

Янги ҳужжатни ишлаб чиқишда ҳам меҳнат жамоаларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларига таяндик. Жумладан, 2026 йилнинг дастлабки ойларида таркибий бўлинмаларда бўлиб ўтган учрашувларда ходимларни қийнаётган масалалар атрофлича ўрганилди. Натижада билдирилган мулоҳазалар асосида 90 тадан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси қабул қилинди. Унда ходимларнинг кундалик ва ижтимоий ҳаёти учун муҳим саналган бир қатор янги кафолатлар белгиланди. Масалан, таълим олиш ёки бетоб оила аъзосини парвариш қилиш зарурати туғилганда, иш берувчи билан келишилган ҳолда тўлиқсиз иш вақтини белгилаш имконияти кенгайтирилди. Яқин қариндоши вафот этган ходимларга бериладиган ҳақ тўланадиган таътил муддати бир кундан уч кунга узайтирилди ҳамда ходимнинг ўз тўйи, фарзандининг никоҳ тўйи ва фарзанд туғилиши муносабати билан отасига бир кунлик ҳақ тўланадиган таътил бериш тартиби жорий этилди. Ходим меҳнат таътилига чиққанда саломатлигини тиклаши учун бериладиган бир ойлик лавозим маоши миқдоридаги моддий ёрдам эса интизомий жазоси бор-йўқлигидан қатъи назар, барчага бирдек тўланиши белгиланди ва аввал мавжуд бўлган 11 ой давомида интизомий жазо олмаган бўлиши шарти бекор қилинди. Шунингдек, ноқулай шароитларда иш вақтидан ташқари бажарилган ҳар бир соатлик иш учун камида икки ҳисса ҳақ тўлаш кафолатланиб, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик вакилларини рағбатлантириш ҳамда ходимлар ва пенсионерлар даволаниши учун моддий ёрдам ажратиш тизими янада такомиллаштирилди.



Касаба уюшмаси ходимлар ўз ҳуқуқлари бузилганда таянадиган ишончли орган ҳисобланади. Йил бошидан буён кенгашга моддий ёрдам, соғломлаштириш ва ҳуқуқий ҳимоя масалалари бўйича 195 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 80 фоизи ижобий ҳал этилиб, қолганлари юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Айниқса, меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш жараёнида ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Меҳнат кодекси нормаларига асосан кўриб чиқилган 73 та тақдимноманинг 42 тасига касаба уюшмаси томонидан розилик берилмади, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинди.

Қолаверса, касаба уюшмаси инспекторлари томонидан 32 та ташкилотда иш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитлар ва меҳнат хавфсизлиги ҳолати ўрганилди. Аниқланган 640 тадан ортиқ камчиликни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга тегишли кўрсатмалар киритилди.



Меҳнат муҳофазаси бўйича 400 нафарга яқин жамоатчилик вакили томонидан 3,3 мингдан зиёд қоидабузарлик аниқланиб, 700 дан ортиқ далолатнома расмийлаштирилди.

Комбинатда иш жараёни оғир ва мураккаб бўлгани сабабли меҳнаткашлар саломатлигини асраш фаолиятимизнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Натижада 600 нафарга яқин ходим ва уларнинг оила аъзолари «Аппартак», «Ўзбекистон», «Янгийўл», «Севарсой» каби санаторийларда соғломлаштирилди. Корхонага қарашли санаторий-профилакторийда эса 3,5 мингга яқин ишчи ва уларнинг яқинлари тиббий хизматдан фойдаланишди. Меҳнат фахрийлари, Чернобиль ҳалокати иштирокчилари ва хотин-қизлар учун имтиёзли соғломлаштириш тизими йўлга қўйилди.



Комбинатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар ва пенсионерлар, ёлғиз кексалар ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар доимий эътиборимизда. Хусусан, кончилар ва металлургларнинг касб байрами ҳамда мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан 450 нафардан ортиқ фахрийнинг ҳол-аҳволидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат жамланмалари тарқатилди ва моддий ёрдамлар кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган ҳамда 17 нафар чин етим ўқувчига касаба уюшмаси стипендияси тайинланди.

Жамоамиз аҳли спорт билан шуғулланиши учун ҳам барча шароитлар яратилган. Корхонадаги 21 та спорт секциясига 600 нафарга яқин ишчи-хизматчи ва уларнинг оила аъзолари жалб этилган. Жамоа шартномаси доирасида 14 мингдан ортиқ иштирокчини қамраб олган 270 та спорт мусобақаси ўтказилди. Кекса авлод вакиллари учун «Саломатлик» гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Бундай тадбирлар жамоада ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамламоқда.

Албатта, эришилган барча ютуқлар иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасидаги мустаҳкам ижтимоий шериклик натижасидир. Олдимизда турган галдаги вазифалар ҳам салмоқли. Хусусан, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш, иш жойларида хавфсизликни кучайтириш ва ижтимоий имтиёзлар қамровини кенгайтиришдан иборат. Муҳими, ҳар қандай вазиятда ҳам инсон манфаати, муносиб меҳнат шароити ва ижтимоий адолат фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

ИНСОНЛАР КОМБИНАТНИНГ АСОСИЙ БОЙЛИГИДИР





Кейинги йилларда Навоий кон-металлургия комбинати тарихида янги давр бошланди. Йирик инвестиция лойиҳалари асосида тўртта замонавий саноат мажмуаси – 5-, 6- ва 7-гидрометаллургия заводлари ҳамда 2-гидрометаллургия заводининг иккинчи навбати барпо этилди. Қатор ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди. Натижада комбинатда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилдаги 72,7 тоннадан 98,2 тоннага, яъни 35 фоизга ошди. Кумуш ишлаб чиқариш эса икки баравар кўпайди. Бу натижалар туфайли корхонамиз олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда тўртинчи ўринга кўтарилди.



Исроил РАҲМАТОВ,
Навоий кон-металлургия комбинати ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси

Бу қарийб 51 минг кишилик жамоанинг бирдамлиги ва фидокорона меҳнати самарасидир.

Навоий кон-металлургия комбинати ходимлари касаба уюшмаси кенгаши республикамиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланади. Кенгаш «НКМК» АЖ билан бир қаторда «НКМК жамғармаси» давлат муассасаси ҳамда Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети жамоаларини ҳам ўз сафига бирлаштирган. Шу боис унинг аъзолари сони 72 минг нафардан ошади. Тизимда еттита бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси фаолият юритади. Табиийки, бундай катта тузилманинг вазифалари ҳам кенг. Бу борада Жамоа шартномаси асосий амалий-ҳуқуқий дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Кенгаш ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш берувчи билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлаш, муносиб иш ва турмуш шароитларини яратишга кўмаклашиб келмоқда.

Ишчи-ходимлар ўз ҳуқуқлари ҳимояланган, меҳнати қадрланаётгани ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганини амалда ҳис этса, ўз билим ва тажрибасини янада катта натижаларга сафарбар қилади. НКМКни жаҳоннинг етакчи олтин ишлаб чиқарувчи компаниялари сафига олиб чиқишда ана шу ишончнинг ҳам ўрни беқиёс. Бу вазифаларни ижтимоий шериклик асосида амалга оширишда комбинат раҳбарияти Кенгаш ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Тажриба шуни кўрсатадики, ҳар қандай жамоада ижтимоий ҳимоя, эътибор ва ғамхўрлик одамларнинг ишга муносабатини ўзгартиради, уларга куч бағишлаб, янги марраларга руҳлантиради. Бу моддий кўмак доирасидан кенгроқ тушунча бўлиб, инсон тақдири учун масъулиятни англатади. Зеро, инсон қадри улуғланган, меҳнати муносиб баҳоланган жамоада юксалиш ва барқарорлик бўлади.

Комбинатимизда меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, муносиб иш ҳақи ва ижтимоий кафолатларни таъминлаш, турмуш даражасини яхшилашга устувор аҳамият бериб келинади. Чунки соҳалар тараққиёти иқтисодий кўрсаткичлар қаторида инсонга бўлган эътибор ва ижтимоий масъулият билан ҳам ўлчанади.

Комбинатимизда мураккаб ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар амалга оширилади. Шу боис ишчи-ходимлар ҳаёти ва меҳнатини муҳофаза қилиш, улар учун хавфсиз шароит яратиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, меҳнатдан сўнг оиласи бағрига соғ-саломат қайтиши биз учун энг муҳим вазифалардан биридир. «Инсонлар – комбинатнинг асосий бойлигидир!» деган эзгу ғоя асосида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар корхонанинг барқарор ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ижтимоий инфратузилманинг кўлами ҳам салмоқли. Бугун олтита маданият масканида етти минг нафарга яқин ёш истеъдод тарбияланмоқда. Тўққизта спорт масканида ўн мингга яқин ишчи-ходим, уларнинг оила аъзолари ва фарзандлари спорт билан шуғулланади. Умумий фонди 562 мингдан ортиқ китобни ташкил этадиган олтита кутубхонанинг ҳар биридан йилига ўртача 7-8 минг китобхон фойдаланади.

Инсон қадри ҳақида гап кетар экан, унинг саломатлиги доимо биринчи ўринда туради. Машаққатли меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни соғломлаштириш ишлари тизимли йўлга қўйилган. Замонавий тиббиёт муассасалари ва профилактик кўриклар улар саломатлигини асрашда муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, оғир ва зарарли шароитда меҳнат қилаётган ишчилар соғлиғига алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳамкасбларимизни соғломлаштиришда санаторий ва дам олиш масканларининг ўрни катта. Тизимимизда замонавий талабларга жавоб берадиган олтита масскан – Бўстонлиқдаги «Горняк» пансионати, Зоминдаги «НКМК» санаторийси, Нурободдаги «Нуробод», Карманадаги «Металлург» ва Учқудуқдаги «Кончи» санаторий-профилакторийлари ҳамда Қизилтепадаги «Тўдакўл» дам олиш базаси фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, юртимиздаги бошқа санаторийларга, Россиянинг Кисловодск ва Ялта шаҳарларидаги «Узбекистон», Қирғизистондаги «Қирғиз денгизи соҳили» санаторийларига ҳам йўлланмалар ажратилади. Жорий йилнинг тўққиз ойида ишчи-хизматчиларимизни соғломлаштириш учун 11,8 мингдан ортиқ йўлланма берилди.

Ишчи-ходимлар қатори уларнинг фарзандлари учун ҳам зарур шароитларни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки барчамиз ёш авлоднинг келажаги ва баркамол вояга етиши учун масъулмиз. Бу масала «НКМК» АЖ маъмурияти ва касаба уюшмаси Кенгашининг доимий эътиборида. Болаларни соғломлаштириш, спорт ва санъатга жалб этиш, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш ҳамда улар учун байрам дастурлари ўтказиш анъанага айланган.

Тоғли ва тоғолди ҳудудларда 11 та болаларни соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд. Жумладан, Навбаҳор туманидаги «Сармиш», Томди туманидаги «Зарафшон», Пахтачи туманидаги «Болажон», Каттақўрғон туманидаги «Сўғдиёна», Ургут туманидаги «Келажак» ва Бўстонлиқ туманидаги «Паҳлавон» оромгоҳлари юртимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган.

Бу оромгоҳлар ҳордиқ масканни бўлиши билан бирга ўзига хос ҳаёт мактаби вазифасини ҳам ўтамоқда. Болалар бу ерда мустақилликка ўрганади, тенгдошлари билан дўстлашади, жисмонан чиниқади, спортга ошно бўлиб, қобилиятини намоён этади. Ҳар йили ёзги таътил даврида 12,5 минг нафарга яқин ўғил-қизларнинг табиат қўйнида мароқли дам олиши таъминланади.

Маданият масканларимиз ишчи-ходимларимиз билан бирга Навоий, Самарқанд ва Жиззах аҳолисига ҳам хизмат кўрсатмоқда. Уларда 170 дан ортиқ бадиий жамоа ва тўгарак ташкил этилган. Соҳа вакилларининг изланиши натижасида бадиий жамоаларимизнинг 26 таси «Халқона» ва «Намунали» унвонларига сазовор бўлди.

Ҳар йили ушбу масканлардан республика ва халқаро танловларнинг кўплаб ғолиблари етишиб чиқмоқда. Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида эстрада, фольклор ва мақом йўналишларида «Қизилқум санъат ғунчалари», «Қизилқум овози», «Қизилқум оҳанглари», «Олтин мерос» каби анъанавий танловлар мунтазам ўтказилади.

Бу муҳитда кўплаб истеъдодлар, республика ва халқаро танловлар ғолиблари, давлат мукофотлари соҳиблари камол топди. «Ниҳол» давлат мукофоти соҳиби Шерзод Давронов, «Дўстлик» ордени ва «Шуҳрат» медали соҳиби Серижан Жанахметов, «Дўстлик» ордени соҳиби Феруза Мусаева, «Шуҳрат» медали соҳиби Марина Харитонова шулар жумласидандир.

Бадиий жамоаларимиз ҳар йили 3,6 мингдан ортиқ маданий тадбир ўтказиб, пойтахтимизнинг нуфузли муассасалари, чекка ҳудудлар ва ишлаб чиқариш бўлинмаларида концерт дастурларини намойиш этмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида ўтказиб келинаётган «Қизилқум жавоҳирлари» концерт дастури ҳам пойтахтлик мухлислар олқишига сазовор бўлмоқда.

Кейинги йилларда бўлинмаларимиз жойлашган Навоий, Зарафшон, Учқудуқ ва Нуробод шаҳарлари, Заркент ва Зафаробод қўрғонлари ҳамда Маржонбулоқ шаҳарчасида замонавий инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектлари барпо этилди. Натижада ҳамкасбларимиз, уларнинг оилалари ва шу ҳудудларда яшаётган аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратилди. Бугун бу манзилларнинг замонавий қиёфаси кишида ҳавас уйғотади.

Сўнгги йилларда Зарафшон шаҳрида мусиқали фаввора ва аквапарк, «Умид» махсус мактабгача таълим ташкилоти ва ихтисослаштирилган мактаб-интернат, Учқудуқ шаҳрида «Орзу» истироҳат ва дам олиш маскани ҳамда «Олтинкўл» сунъий ҳавзаси, Заркент қўрғонида аквапарк, Қизилтепа туманида Халқаро шахмат мактаби, Зомин туманида «НКМК» санаторийси ва бошқа кўплаб ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилди.

Бу ишларнинг барчаси инсон қадрини улуғлаш, меҳнаткашларни қўллаб-қувватлаш ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилади. Биз учун ерости бойликларидан ҳам қимматли бойлик – заҳматкаш инсонларимиздир.





Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАШДАН КЎРА, ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Саломатликнинг қадрини кўпинча касалликка чалингач англаб етамиз. Соғлом пайтимизда эса баъзан тиббий кўрикдан ўтишни ҳам пайсалга соламиз. Ваҳоланки, касаликни даволашдан кўра, олдини олган афзал. Бу бизни ҳам ортиқча ташвишдан, ҳам харажатлардан қутқаради.



Ирода НАБИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Даволаш-профилактика маркази бош шифокори





Шу маънода замонавий тиббиётнинг вазифаси фақат беморни даволашдан иборат эмас. Бу борада касалликларни эрта аниқлаш, олдини олиш ва аҳоли саломатлигини мунтазам назорат қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Даволаш-профилактика маркази ана шу мақсадда фаолият юритади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг мароқли дам олишини ташкил этиш масалаларига эътибор қаратиб, мутасаддиларга зарур топшириқлар берган эди.

Дарҳақиқат, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билангина чекланмайди. Ўз аъзоларининг соғлиғини асраш, муносиб дам олишини таъминлаш ҳам касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Федерация тасарруфидаги соғломлаштириш муассасалари айни мақсадда диққатга молик ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Даволаш-профилактика марказида аҳолига амбулатор ва стационар тиббий хизматлар кўрсатиш, касалликларни аниқлаш ва даволаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу ерда физиотерапиянинг парафин, уқалаш, электрофорез, амплипульс, лазер, магнит, УВЧ ва лимфодренаж каби усуллар қўлланилади. Нафас йўллари касалликларида ингаляция муолажалари ўтказилади, туз ғори ва гидромассаж хизматлари ҳам мавжуд. Фитобарга ташриф буюрувчиларга тоғ гиёҳларидан тайёрланган шифобахш дамламалар тавсия этилади.

Неврология йўналишида асаб тизими касалликларини аниқлаш ва даволашга катта эътибор қаратилади. Бош мия фаолиятини текширишда электроэнцефалография аппаратидан фойдаланилади. Бел-умуртқа диски чуррасини даволашда эса компьютер назоратида умуртқани чўзиш усули қўлланилади. Кардиология йўналишида юрак-қон томир тизими ҳолатини баҳолаш учун ЭКГ, эхокардиография ва лаборатория текширувлари ўтказилади.

Муассасада ультратовуш текшируви, МСКТ, МРТ, рақамли рентген ва маммография каби диагностика имкониятлари билан бирга, отоларингология, офтальмология, стоматология, гинекология, эндоскопия, урология ва аллергология йўналишларида ҳам хизмат кўрсатилади. Бу беморларнинг зарур текширувлардан ўтиши ва саломатлигига комплекс баҳо бериш имкониятини яратади.

Айрим касалликлар дастлабки босқичда сезиларли белгиларсиз кечиши мумкин. Шунинг учун инсон ўзини яхши ҳис қилиб юрган вақтида ҳам профилактик кўрикдан ўтиши лозим. Чунки касалликни эрта аниқлаш даволашни ўз вақтида бошлаш ва унинг оғирлашишига йўл қўймасликда катта аҳамиятга эга.

Ўтган давр мобайнида марказимизда 15 минг 300 нафардан ортиқ мижозга амбулатор ва стационар тиббий хизмат кўрсатилди. Бу муассаса хизматларига эҳтиёж ортиб бораётганидан далолатдир.

Мурожаат қилувчиларнинг муайян қисми дам олиш ва соғлиғини тиклаш жараёнида профилактик текширувлардан ўтади ва



аниқланган касалликлар бўйича тегишли даволаш чоралари белгиланади.

Касаба уюшмалари аъзоларига Федерация томонидан берилган йўлланмалар асосида имтиёзли тиббий хизмат кўрсатилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари учун соғломлаштириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Марказда 4 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 26 нафар олий тоифали шифокор ҳамда 36 нафар олий тоифали ўрта тиббиёт ходими фаолият юритмоқда. Шифокорлар вақти-вақти билан Россия ва бошқа хорижий давлатлардаги тиббий илмий марказларда, шунингдек, Ҳиндистоннинг ихтисослаштирилган шифохоналарида малака оширмоқдалар. Бундан кўзланган асосий мақсад хорижий тажрибани амалиётга татбиқ қилиш ва беморларга кўрсатилаётган хизмат сифатини янада яхшилашдан иборат.

Муассасанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилди. Жорий йилда асосий бино тўлиқ таъмирланиб, хоналар янги мебель ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. Офтальмология хонаси қайта жиҳозланиб, Японияда ишлаб чиқарилган кўзни мукаммал текшириш имконини берувчи замонавий аппарат ўрнатилди.

Муассасамиз Тошкент шаҳрига кираверишдаги шимоли-шарқда, кўкаламзор ва хушманзара ҳудудда жойлашгани ҳам дам олув-



чиларга катта қулайликлар яратмоқда.

Соғломлаштириш жараёнида тиббий муолажалар билан бир қаторда, инсоннинг дам олиши, овқатланиши ва руҳий ҳолати ҳам аҳамиятга эга. Шунинг учун марказда яратилган шароитлардан самарали фойдаланиш, хизматларни одамлар эҳтиёжларига монанд равишда такомиллаштириш муҳимдир.

Келгусида оилавий дам олиш ва даволаниш имкониятларини кенгайтириш, фахрийлар учун алоҳида тиббий-профилактик дастурлар ишлаб чиқиш, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш режалаштирилган. Бу ташаббуслар марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳолига қулайлик яратишга йўналтирилади.

Айни пайтда хизматларга талаб ортиб бораётган шароитда тиббий ёрдам сифатини мунтазам баҳолаш, мурожаат қилувчиларнинг фикрларини ўрганиш ва профилактик текширувлар натижаларини таҳлил қилиш ҳам муҳим. Чунки замонавий ускуналар ва малакали мутахассислар билан бир қаторда, уларнинг меҳнати қандай натижа бераётгани асосий мезон бўлиши керак.

Мухтасар айтганда, олдимизда турган асосий вазифа мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш ишларини кенгайтириш ва аҳоли ишончини қозонишдан иборат.



Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz



ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ – ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ

Соғлом турмуш тарзини таъминлаш, меҳнаткашларнинг мароқли дам олиши ва соғлиғини тиклаши учун зарур шароитлар яратиш ҳамиша долзарб аҳамиятга эга вазифа ҳисобланган. Янги Ўзбекистонда бу тамойил давлат сиёсатида ҳам, фуқаролар ҳаётида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлом ва хотиржам ҳаёт кечириши, эмин-эркин меҳнат қилишларини таъминлаш бугунги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бу борада қатор амалий ишларни амалга ошириб, тизимдаги санаторий ва дам олиш муассасалари фаолиятини тубдан янгилаш, уларни замон талабларига мос равишда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳозир Федерация тизимидаги 31 та санаторий ва битта дам олиш маскани меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандлари хизматида. Уларда ҳар йили 190 минг нафарга яқин аҳоли соғлиғини тиклайди. Кейинги йилларда «Янгиер», «Кўҳинур», «Чинобод Плаза», «Заркент», «Севарсой», «Сангардак», «Хўжаипок», «Термиз марвариди», «Бўзатов» каби замонавий сиҳатгоҳлар барпо этилди. Қўшни Қирғиз Республикасидаги Иссиққўл соҳилида «Bo'ston Resort» дам олиш маскани ва санаторийси барпо этилгани эса касаба уюшмаларининг халқаро ҳамкорлиги кенгайиб бораётганини англатади. Бу муассасаларнинг ишга туширилиши юртдошларимиз учун яна бир қулай имконият яратиш билан бирга, қардош халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштириш, хизматлар сифатини ошириш мақсадида замонавий санаторийлар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Эътиборлиси, сиҳатгоҳларимизда Россия, Қозоғистон, Беларусь, Украина, Туркманистон, Қирғиз Республикаси ва Тожикистондан келган меҳмонлар ҳам саломатликларини тиклашмоқда. Бу эса мамлакатимизда соғломлаштириш туризмининг салоҳияти тобора юксалиб бораётганидан далолатдир.

Санатор-курорт тармоғида амалга оширилаётган ташкилий ислоҳотлар ҳам эътиборга молик. 1927 йилдан буён фаолият юритиб келаётган ушбу тизим 2024 йилда янги шаклда ишлашга ўтди. Жумладан, Санатор-курортлар бошқармаси негизида масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. Бундай ўзгаришлар ягона стандарт ва методик асосда бошқариш, хизматлар сифатини баҳолаш ҳамда халқаро чиқишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, соғломлаштириш тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган санатор-курорт муассасалари зиммасига ҳам катта масъулият юкланмоқда.

Тизимда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида илғор стандартлар жорий этилган. Хусусан, юрак ишемик хасталиклари, бўғим, жигар ва ошқозон ости бези касалликлари, гинекология ҳамда урология йўналишларида замонавий даволаш усуллари амалиётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, хизматлар сифати 72 та баҳолаш мезони ва 288 та индикатор асосида мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда. Унинг натижалари тиббий хизматлар самарадорлигини оширишда, фуқаролар олдидаги масъулиятни янада кучайтиришда қўл келмоқда.

Мутахассислар малакасини ошириш масаласи ҳам доимо эътиборда. 2020 йилдан ҳозирга қадар махсус ўқув дастурлари асосида юзлаб шифокор ва ҳамшираларнинг ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамладилар. Улар орасида илмий даражага эга мутахассисларнинг кўплиги соҳани илмий асосда ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Санаторийлар «швед столи», Wi-Fi зоналари, ахборот инфокиосклари билан таъминлангани, вақти-вақти билан турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилаётгани дам олувчиларга жуда маъқул бўлмоқда.

Қувонарлиси, кўплаб соғломлаштириш муассасалари ўз ҳудудларидаги аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Бугунга қадар 17 минг нафардан зиёд фуқаро ана шу имкониятдан фойдаланган. Бинобарин, сиҳатгоҳлар фаолияти нафақат дам олувчилар, балки уларнинг ён-атрофида яшайдиган аҳоли учун ҳам манфаатли бўлиши лозим. Айни мақсадда санаторийларга яқин маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар ва эҳтиёжманд фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни амбулатор шароитда соғломлаштириш кўламини кенгайтириш зарур. Бу жараёнларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни рақамлаштириш ва бошқарув самарадорлигини ошириш муҳим омил вазифасини ўтайди.







Анвар АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бош бошқармаси бош директори

Табиийки, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида ишлар изчил давом эттириляпти. Жумладан, жорий йилнинг 21-22 май кунлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вакили Москва шаҳрида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда маъруза билан чиқиш қилди. Италия бальнеология уюшмаси таклифига биноан Санатор-курортлар бош бошқармасининг бир гуруҳ мутахассислари 17-19 сентябрь кунлари Чинчано курорт шаҳрида ўтказилган илмий-амалий конференцияда қатнашдилар. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерациясининг жорий йилнинг 17 октябрида ўтказилган қўшма мажлисида бош бошқарма томонидан Федерациянинг санатор-курорт масалалари ҳақидаги маъруза тақдим этилди.

Шубҳасиз, бундай тадбирлар илмий фикр алмашиш майдонига айланади. Шунингдек, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, замонавий реабилитация ва профилактика йўналишларини ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очади. Хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётда қўллаш эса миллий санатор-курорт тизимининг рақобатбардошлигини янада оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, санаторийларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энергия тежовчи замонавий технологияларни кенг жорий этиш, молиявий ресурслардан янада самарали ва мақсадли фойдаланиш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Халқимиз «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?» деган нақлни бежиз айтмаган. Демак, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Санатор-курортлар бош бошқармаси инсонларни рози қилиш, меҳнаткашлар ва дам олувчиларнинг дуосини олишдек савобли ва хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшишда давом этади.

ЎРГАНИБ ЯШАМОҚ – УМРНИНГ ФАСЛИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институти фаолиятига бир назар



Иркин УМАРАХУНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институти ректори

Бугунги тез ўзгараётган замон, меҳнат бозоридаги трансформациялар ва рақамли технологиялар асри касаба уюшмалари ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда. Меҳнаткашларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизими доимий равишда янгиланиб, соҳа фаолларининг билим ва кўникмаларини ошириб боришни талаб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институти ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда.

Институт республикамизда барча соҳалардаги тармоқ касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари учун бевосита ўқув курсларини ташкил этган. Айниқса, бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари раислари салоҳиятини юксалтиришга қаратилган қисқа муддатли ҳафталик ўқув курслари муҳим роль ўйнаяпти. Ўқувларда асосий эътибор нафақат назарий билимларга, балки корхона ва ташкилотларда рўй бераётган сўнгги янгиликлар, ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда амалий тажриба алмашиш тизимига ҳам қаратиляпти.

Ислоҳотларнинг амалий натижаси рақамларда яққол кўзга ташланади. Хусусан, ўтган даврда институтда жами 30 та ўқув гуруҳи ташкил этилди. Уларда 737 нафар касаба уюшмалари мутахассиси ва фаоли малакасини ошириб, вазифасини замон талаблари асосида бажариш бўйича зарур кўникмаларга эга бўлди.

Бугунги кунда институт халқаро тажрибаларни ўрганиш ва хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш масалаларига устувор вазифа сифатида қарамоқда. Бунинг исботи ўлароқ, жорий йилнинг 7-9 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида институт мезбонлигида йирик халқаро тадбир – «Ўзгариб бораётган меҳнат дунёси учун касаба уюшмалари таълими: олдингидан кўра кўпроқ билиш, инновацияларни жорий этиш, ҳаракат қилиш» мавзусида халқаро семинар ўтказилди. У Шарқий Европа ва Марказий Осиё касаба уюшмалари таълими тармоғи учун меҳнат дунёсидаги глобал ўзгаришларга мос келувчи янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди.









Шу жараёнда бугунги куннинг энг долзарб масалалари, яъни технологик ва рақамли ўзгаришлар, сунъий интеллект ривожи, бандликнинг янги замонавий шакллари, миграция ва демографик жараёнларнинг ходимлар ҳамда касаба уюшмалари фаолиятига таъсири чуқур таҳлил қилинди. Шунингдек, халқаро меҳнат стандартларини таълим мазмунига сингдириш, рақамли ва аралаш таълим усулларидан фойдаланиш бўйича амалий ҳаракат режалари ишлаб чиқилди.

> **ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ РАҚАМЛАРДА ЯҚҚОЛ КЎЗГА ТАШЛАНАДИ. ХУСУСАН, ЎТГАН ДАВРДА ИНСТИТУТДА ЖАМИ 30 ТА ЎҚУВ ГУРУҲИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УЛАРДА 737 НАФАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ МУТАХАССИСИ ВА ФАОЛИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИБ, ВАЗИФАСИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА БАЖАРИШ БЎЙИЧА ЗАРУР КЎНИКМАЛАРГА ЭГА БЎЛДИ.**

Истиқболдаги режаларимиз ҳам салмоқли. Айни пайтда Озарбайжон Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси билан таълим, илмий тадқиқот ва малака ошириш соҳаларида ўзаро тажриба алмашиш, қўшма дастур тузиш ва семинарлар ташкиллаштиришни назарда тутувчи 5 йиллик ҳамкорлик меморандумини имзолаш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ишончимиз комилки, бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини халқаро андозалар даражасида ҳимоя қила оладиган юқори малакали кадрлар корпусини шакллантиришга хизмат қилади.

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

МАДАНИЯТ, ИЖОД ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР МАСКАНИ





Маҳмуджон МУРАТОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи Бош директори

Сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи фаолиятида муҳим янгиланиш ва ўзгаришлар кузатилди. Бино инфратузилмасини такомиллаштириш, замонавий талабларга мос шароит ва қулайликлар яратиш, фаолият йўналишларини кенгайтириш натижасида ундаги имкониятлар янада ортди.

Бугун бу даргоҳни шунчаки концертлар ўтказиладиган маскан сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. Унда маданият ва маърифат, санъат ва ижод, жамоатчилик мулоқоти ва таълим-тарбия йўналишлари уйғунлашган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи фаолиятининг асосий вазифаларидан бири – ижтимоий-сиёсий ва касбий аҳамиятга эга тадбирларни ташкил этиш. Айниқса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолияти, ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, касаба уюшмалари ташкилотларининг жамиятдаги ўрнини юксалтиришга бағишланган анжуманлар муҳим аҳамият касб этади. Саҳнадаги мусиқий ва хореографик чиқишлар, байрам тадбирлари, ижодий кечалар ҳамда маданий лойиҳалар миллий анъаналарни асраб-авайлаш, миллий санъатимизни тарғиб қилиш замонавий ижод намуналарини оммалаштириш ва турли халқлар маданиятига қизиқишни кучайтиришга хизмат қилмоқда. Халқаро маданий дастурлар эса ижодий алоқаларни кенгайтириш, хорижлик санъаткорларнинг ижодий ютуқлари билан танишиш, тажриба алмашиш ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратмоқда.

ОРЗУЛАР ВА ИСТЕЪДОДЛАР ПАРВОЗИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари саройининг алоҳида фахри – «Qaldirg'och» болалар санъат марказидир. Марказ фаолияти саройнинг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири – ёш авлоднинг ҳар томонлама ижодий ривожланиши учун шароит яратишдан иборат. Зеро, болаликда кашф этилган истеъдод, ўз вақтида берилган эътибор ва қўллаб-қувватлаш келажакда катта ютуқларга айланиши мумкин.

Турли ижодий машғулотлар ва саҳна чиқишлари орқали болалар ўз истеъдодларини намоён этиш имконига эга бўладилар, ижрочилик маҳоратларини оширадилар, жамоа билан ишлашни ўрганадилар ва шахсий қобилиятларини такомиллаштирадилар.

2025-2026 ўқув йилида ижодий тўгараклар фаолиятига юқори баҳо бериш мумкин. Декабрь ойида «Қарсилдоқнинг янги саргузаштлари» («Новые приключения Щелкунчика»), май ойида «Супер қорасоч» номли болалар мусиқали спектакллари юқори савияда саҳналаштирилиб, томошабинларга намойиш этилди.

ИЖОДИЙ ТАФАККУР ВА ТЕАТР САНЪАТИ САРИ

Сарой фаолиятида янги ижодий йўналишларни шакллантириш борасидаги муҳим ташаббуслардан яна бири – «RENESSANS» театр-студиясининг ташкил этилгани бўлди. Ушбу лойиҳа театр санъатини ривожлантириш, ижодий изланишлар учун янги муҳит яратиш, саҳнавий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва янги истеъдодларни кашф этишга кўмаклашади. Саройнинг маданий дастурларини янада бойитиш, янги томошабинларни жалб этиш, актёрлик ва режиссёрлик қобилиятига эга ёшларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Айни пайтда актёрлар, сарой бош режиссёри Р.Шерезданов томонидан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси асосида экспериментал мюзикл яратилмоқда. Премьера 14-15 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. У маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий ғояларини бугунги замонга – моддий фаровонлик ва эркинликнинг юзаки тушунчаси кўпинча ҳақиқий қадриятлар ўрнини эгаллаб олган дунёга олиб киради. Фожиа гирдобида қолган бадавлат оила тақдири орқали биз қабул қиладиган қарорлар, ота-оналарнинг масъулияти ҳамда маънавий саводсизликнинг бадали хусусида мушоҳада юритилади. «Аждодлар садоси» деб номланган мазкур саҳна асари маърифатга, тарбияга ва онгли келажакка чорловдир.

ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Янгиланган инфратузилма, тадбирлар кўламининг кенгайиши, болалар ижодига эътибор, янги бадиий йўналишларнинг шаклланиши ва жамоатчилик учун аҳамиятли тадбирлардаги фаол иштирок сарой фаолиятидаги ижобий ўзгаришларнинг муҳим кўрсаткичларидир. Эришилган бу натижалар келгуси вазифаларимизни ҳам белгилаб беради. Хусусан, замонавий маданий лойиҳаларни янада кўпайтириш, ёш ижодкорлар учун майдонлар яратиш, театр ва мусиқа йўналишларини ривожлантириш, халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда рақамли технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиш истиқболдаги фаолиятимиз самараси учун муҳим омил бўлади. Шу билан бирга, маданий тадбирларнинг мазмун-моҳиятини бойитиш, уларнинг турли ижтимоий қатламлар учун очиқлиги ва оммабоплигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки маданиятнинг ҳақиқий қудрати унинг фақат саҳнада намоён бўлишида эмас, балки инсонлар қалбига кириб боришида, уларнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатишидадир.







Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)





ЎТМИШДАН БУГУНГАЧА

Тарих шунчаки ўтмиш воқеалари ва саналар йиғиндиси эмас. Унда инсонларнинг ҳаёт йўли, орзу-интилишлари, меҳнатсеварлиги, жасорати ва келажакка ишончи ҳам мужассамлашади. Айниқса, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун шарт-шароитлар яратиш йўлида амалга оширилган ишларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, 2021 йилда ташкил этилган Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи алоҳида ўрин тутади. Ундаги манбаларда ташкилотнинг бир асрдан зиёд ўтмиши, ривожланиш босқичлари,- фаолият йўналишлари ва меҳнаткашлар ҳаётида тутган ўрни кенг ёритилган.

Музейни ташкил этиш жараёнида олиб борилган илмий изланишлар, архив тадқиқотлари ва тарихий манбаларни тўплаш натижасида бой экспозициялар яратилди. Кейинги йилларда улар янги экспонатлар, архив ҳужжатлари ва замонавий ахборот технологиялари билан бойитилди. Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан экспозицияларни модернизация қилиш, ташриф буюрувчилар учун қулай шароитлар яратишга жиддий эътибор қаратилди.

Музейнинг шаклланиши ва тарихий манбалар билан бойитилишида унинг биринчи директори, «Эҳтиром» нишони соҳиби Ирисмуҳаммад Абдукаримовнинг хизматлари алоҳида эътирофга лойиқ. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан Туркистон ўлкасида касаба уюшмалари фаолияти 1905 йилдан бошланганини тасдиқловчи архив ҳужжатлари ўрганилиб, қимматли маълумотлар жамланди.

Музей тўртта асосий тарихий даврни қамраб олади. Улар орқали касаба уюшмалари ҳаракатининг илк қадамларидан бугунги янгиланиш жараёнларигача бўлган тараққиёт йўлини кузатиш мумкин.

Биринчи бўлим 1905-1924 йилларда касаба уюшмалари ҳаракатига бағишланган. Унда Туркистон ўлкасида дастлабки касаба уюшмаларининг ташкил топиши, ишчилар ҳаракатининг шаклланиши ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги илк қадамлари ёритилган.

Экспозицияларда темирйўл ва алоқа соҳалари ходимларининг бирлашуви, иш ҳақи, иш вақти, меҳнат шароитлари ва ижтимоий ҳимоя масалаларидаги иштирокига алоҳида ўрин берилган. Шунингдек, уй хизматчилари, официантлар ва ошпазлар касаба уюшмалари фаолиятига оид материаллар ҳам намойишга қўйилган.

Бўлимнинг эътиборга молик экспонатларидан бири илк ишчилар синфи ва темирйўлчилар меҳнат фаолиятига бағишланган ҳаракатланувчи поезд макетидир. У темирйўл транспортининг ўша давр иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ўрнини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

Архив тадқиқотлари асосида аниқланган касаба уюшмалари уставларининг нусхалари муҳим тарихий аҳамиятга эга. Жумладан, 1906 йилда Темирйўлчилар касаба уюшмаси Туркистон бўлимининг биринчи съездида қабул қилинган темирйўл ишчи ва хизматчилари устави, шунингдек, официантлар, ошпазлар ва уй хизматчилари касаба уюшмаси устави экспозициядан жой олган.

Иккинчи бўлим 1925-1990 йилларда касаба уюшмалари фаолиятини қамраб олади. Архив ҳужжатлари ва фотосуратлар орқали собиқ Иттифоқ даврида касаба уюшмаларининг ривожланиш босқичлари, меҳнаткашлар ҳаётидаги иштироки ва турли тарихий шароитларда амалга оширган ишлари билан танишиш мумкин.

Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида касаба уюшмаларининг фронт ва фронт ортидаги фаолиятига оид маълумотлар диққатга сазовор. Ўша оғир даврда ҳарбий хизматчилар ва мутахассисларни тайёрлаш, тиббиёт ходимларини сафарбар этиш, аҳолини мудофаа қоидаларига ўргатиш, ярадор жангчиларга ёрдам кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилган.

Музейдаги архив фотопланшетларида қайд этилган маълумотларга кўра, 1941 йил июлидан 1944 йил апрелигача республикада 83 489 нафар жангчи ва ҳарбий мутахассис, 6 минг нафардан ортиқ захирадаги ҳамшира, 20 мингга яқин тиббиёт инструктори ва санитария ходими тайёрланган. Шунингдек, 3 миллиондан зиёд фуқаро ҳаво ва кимёвий ҳужумдан мудофаа қоидалари бўйича ўқитилган.

Бу жараёнларда касаба уюшмалари фаол иштирок этган. Юртимиздаги 750 дан зиёд касаба уюшмаси ташкилоти эвакуация қилинган госпиталларга ҳомий бўлган. 1942 йилда ташкил этилган 90 дан ортиқ устахонада 2 500 нафар киши ўқитилган, 1 500 нафар ярадор жангчи даволаниш жараёнида янги мутахассисликни эгаллаган. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг оилаларига кўмаклашиш, болалар муассасаларини қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилган.

Урушдан кейинги йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигини тиклаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат ресурсларини шакллантириш ва аҳолининг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилаш муҳим вазифалардан ҳисобланган. Музейда сақланаётган ҳужжатлар ана шу жараёнларда касаба уюшмаларининг иштироки ҳақида атрофлича маълумот беради.

Учинчи бўлим 1991-2016 йиллардаги касаба уюшмалари фаолиятига бағишланган. Мустақиллик йилларида касаба уюшмалари тизимини янги ижтимоий-ҳуқуқий асосларда ривожлантириш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш ва ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш эътибор марказида бўлди.

Экспозициялардан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясини ташкил этиш тўғрисидаги Декларация нусхаси, турли йилларда ўтказилган қурултойларга оид материаллар, 1992 йилда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳамда бошқа муҳим ҳужжатлар ўрин олган. Шунингдек, 2004 йилда таъсис этилган «Эҳтиром» нишони ва 2011 йилда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишувнинг асл нусхаси қимматли экспонатлар сирасига киради.

Ушбу ҳужжатлар мустақиллик йилларида касаба уюшмаларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, давлат органлари, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш, меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш жараёнларини акс эттиради.

«Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари» деб номланган тўртинчи бўлим 2016 йилдан бугунги кунгача бўлган даврни қамраб олган. Унда касаба уюшмалари тизимидаги янги ташаббуслар ва эришилган натижалар ёритилган.

Дарвоқе, сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш асосий мақсадга айланди. Бу жараёнлар музей экспозицияларида ўз ифодасини топган. Тармоқ касаба уюшмалари фаолияти, меҳнат соҳасига доир қонунчиликдаги ўзгаришлар, 11 ноябрнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари куни этиб белгиланиши ҳамда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг ташкил этилишига тааллуқли маълумотлар акс этган.





Муҳайё АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи жамғармалар сақловчиси

Халқаро ҳамкорликка бағишланган экспозиция алоҳида аҳамиятга эга. Унда хорижий касаба уюшмалари билан алоқалар, ташрифлар, тажриба алмашинувлари ва Федерацияга тақдим этилган рамзий совғалар бор.

Ушбу йўналишни ривожлантиришда музей директори, юридик фанлар доктори Иркин Умарахуновнинг ҳиссаси катта. Унинг раҳбарлигида халқаро ҳамкорлик тарихини кенг ёритиш ва хорижий меҳмонлар учун ахборот-маърифий имкониятларни ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда музей фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланилмоқда. Интерактив экспонатлар ташриф буюрувчиларга касаба уюшмалари тарихи, тармоқ ташкилотлари фаолияти ва меҳнат муносабатларининг ривожланиш босқичлари ҳақида кенг маълумот олиш имконини беради.

Музей эшиклари талабалар, ёшлар, меҳнат жамоалари, тадқиқотчилар ва хорижлик меҳмонлар учун доимо очиқ. 2021-2026 йиллар давомида музейга 6 минг нафардан зиёд киши ташриф буюрди. Улар орасида Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси, Тожикистон, Қирғизистон, Эрон, Мўғулистон ва Умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси вакиллари каби 30 дан ортиқ халқаро делегация ҳам бор. Хорижий меҳмонларнинг таассуротлари ва самимий тилаклари «Фахрий меҳмонлар китоби»дан жой олган.

Ҳар бир ҳужжат ва экспонат ўтмиш билан бугунни боғлаб, келажак авлодларга муҳим сабоқ беради. Улар орқали меҳнат қадри, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатликнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини янада чуқурроқ англаш мумкин.

Бинобарин, тарихий манбаларни асраб-авайлаш фақат ўтмишни ёдга олиш эмас, балки бугунги ютуқларнинг қадрига етиш, уларни изчил давом эттириш ва келажак олдидаги масъулиятни ҳис этиш демакдир. Шу маънода, Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи музейи ўтмишни келажак авлодга етказишга хизмат қиладиган муҳим маънавий-маърифий маскандир.

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Инсон қайсидир соҳада фаолият юритар экан, маълум миқдорда даромад топади ва у орқали рўзғорини тебратади. Шу орқали жамият тараққиётига, озми-кўпми, ҳисса ҳам қўшади. Аммо унинг меҳнати қадр топиши учун фақат иш жойи ёки маошнинг ўзи кифоя қилмайди. Саломатлигини тиклаши, фарзандларини ўқитиши, спортга йўналтириши, оиласи билан мазмунли ҳордиқ чиқариши учун ҳам зарур шарт-шароитлар керак. Касаба уюшмаларининг ижтимоий вазифаси эса, аввало, бу эҳтиёжларга нечоғлик жавоб бера олиши билан белгиланади.



Ғайрат ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига шу нуқтаи назардан қарасак, уларнинг аҳамияти янада ойдинлашади. Зеро, аввалари бўлганидек, 2026 йилда ҳам ушбу ташкилот қатор спорт иншоотлари, даволаш масканлари ва ижтимоий объектларда қурилиш, реконструкция ҳамда мукаммал таъмирлаш ишларини бажарди.

Бу ўринда гап фақат янги бинолар қуриш ёки эскиларини таъмирлаш ҳақида эмас, одамларнинг саломатлигини асраб-авайлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва спорт билан шуғулланиш учун муносиб шароитлар яратиш ҳақида ҳам бормоқда. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида, гўзал тоғлар қўйнида жойлашган, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби, Олимпия ўйинлари ва уч карра жаҳон чемпиони, касаба уюшмаси спортчиси Акбар Жўраев оғир атлетика спорт мактаби бунга яққол мисол бўла олади.

Мажмуа замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Унда кенг ва қулай спорт зали, бир нечта машғулот хонаси, стадион, мажлислар зали, методик хоналар, ётоқхона ва ошхона мавжуд. Бу чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшлар имкониятларини кенгайтириш, уларни спортга жалб қилиш ва иқтидорини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Спорт мактаби келгусида янги чемпионлар, Ватанимиз байроғини халқаро ареналарда янада баланд кўтарадиган ёшларни тарбиялайдиган муҳим масканга айланиши шубҳасиз. Зеро, Акбар Жўраевнинг муносиб издошлари айнан шу ерда шаклланиши, Янги Ўзбекистоннинг янги олтин авлоди етишиб чиқиши учун замин ҳозирланди. Мазкур иншоот нафақат бир ҳудуд ёки бир соҳа ютуғи, балки мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ёшларга кенг имкониятлар яратиш йўлида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг ёрқин намунаси десак, муболаға бўлмайди.

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги «Чаман» маҳалласида қад ростлаган Сув спорти саройи ҳам мақташга арзигулик лойиҳаларимиздан бири. Унда нафақат оддий сузиш машғулотлари, балки сув полоси ва баландликдан сакраш каби спорт турлари билан шуғулланиш, мусобақалар ўтказиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Айниқса, болалар учун алоҳида ҳавзалар мавжудлиги аҳамиятга молик. Чунки сузишни болаликдан ўрганиш саломатликка фойдали бўлиши билан бирга, хавфсиз ҳаракатланиш кўникмасини ҳам шакллантиради. Бундай иншоотлар эса болалар ва ўсмирларнинг бу йўналишда мунтазам шуғулланиб, иқтидорли спортчилар бўлиб етишишига замин яратади.



Касаба уюшмалари фаолиятида меҳнаткашлар саломатлигини тиклаш ва муносиб дам олишини таъминлаш алоҳида ўрин тутади. Шу маънода Навоий вилоятидаги «Олтинсой» санаторийсида амалга оширилган ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Санаторийнинг мавжуд бинолари мукаммал таъмирланиб, иситиш, ҳаво алмашиш ва муҳандислик тармоқлари янгиланди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида қудуқ бурғиланди, 60 киловатт қувватли қуёш панеллари ўрнатилди, оқова сувларни тозалаш иншооти қурилди ва 50 куб метр захира сув сақланадиган резервуар ўрнатилди. Ҳудуд ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилди.

«Олтинсой»нинг яна бир муҳим хусусияти минерал сувдан даволаш мақсадида фойдаланилишидир. Санаторий ҳудудидаги қудуқ 150 метр чуқурликдан радонли минерал сув олади. Унинг суви кам минераллашган, 70-72 даража ҳароратли, таркибида кремний ҳамда сульфат-хлорид натрий бирикмалари бор. Даволаш жараёнларида физиотерапия, шифобахш ванналар, массаж ва даволовчи жисмоний машқлар қўлланилади.

Бир вақтнинг ўзида 88 нафар дам олувчини қабул қилиш имкониятига эга санаторийда тиббиёт ва тураржой бинолари, оилавий коттежлар мавжуд.

Тошкент шаҳридаги Даволаш-профилактика маркази ва «Турон» санаторийсининг маъмурий биноларида ҳам мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилиб, фасадлари янгиланди, кириш қисмлари ва назорат-ўтказиш жойлари қайта ташкил этилди. Бундай ишлар муассасаларнинг ташқи қиёфасини яхшилаш билан бирга, уларга келувчилар учун тартибли ва қулай муҳит яратишга хизмат қилади.

Бунёдкорлик режаларимиз Ўзбекистон ҳудуди билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Хусусан, Қирғиз Республикасининг Иссиқкўл вилоятида жойлашган «Bo'ston Resort» пансионатини қайта тиклаш ва замонавий санаторий-курорт мажмуасига айлантириш лойиҳаси изчиллик билан давом эттирилди. Биринчи





Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

БУНЁДКОРЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА



босқичда иккита уч қаватли бино реконструкция қилиниб, янги ётоқ бинолари, 400 ўринли ресторан ва очиқ бассейн барпо этилди. Кема ва катерлар учун причал қурилиб, узунлиги 500 метрдан ортиқ пляж ташкил қилинди. Ҳудуд ободонлаштирилди.

Айни пайтда 156 ўринга мўлжалланган етти қаватли асосий бинода реконструкция ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Лойиҳа доирасида хоналар тўлиқ қайта режалаштирилиб, иккита ички ва битта ташқи лифт ўрнатилди. Бинонинг юқори қисмида умумий зал ва очиқ терраса ҳам мавжуд.

Мажмуа тўлиқ ишга туширилгач, у фақат мавсумий дам олиш маскани бўлиб қолмай, йил давомида фаолият кўрсатадиган даволаш ва ҳордиқ марказига айланди.

Умуман олганда, биз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбариятининг қўллаб-қувватлови асосида республикамизнинг турли манзилларида бунёдкорлик ишларини давом эттиряпмиз. Тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик бўлса, куч-қувватимиз етганича ҳаммасини босқичма-босқич якунига етказамиз.

Албатта, бино қуришнинг ўзи билан масала ҳал бўлмайди. Муҳими, яратилган шароитлардан одамлар самарали фойдалансин, кўрсатилаётган хизматлар сифатли бўлсин. Шундагина сарфланган маблағ ва қилинган меҳнатнинг натижаси кундалик ҳаётда сезилади. Зеро, касаба уюшмалари фаолиятининг асосий мезони ҳам – меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, манфаатларини таъминлаш, шу тариқа уларга муносиб хизмат кўрсатишдан иборат.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига шу нуқтаи назардан қарасак, уларнинг аҳамияти янада ойдинлашади. Зеро, авваллари бўлганидек, 2026 йилда ҳам ушбу ташкилот қатор спорт иншоотлари, даволаш масканлари ва ижтимоий объектларда қурилиш, реконструкция ҳамда мукаммал таъмирлаш ишларини бажарди.











Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

БЎЛҒУСИ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯЧИЛАРИ МАСКАНИ

Президентимизнинг 2021 йил 23 августдаги «Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори соҳада замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга мутахассислар тайёрлаш учун янги имкониятлар очди.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида фаолият юритаётган ушбу академия ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтмоқда. Ўтган даврда унда илмий изланишлар, касбий ривожланиш ва амалий тайёргарликка асосланган таълим муҳити шаклланди. Ҳозир талабалар ўнта йўналиш бўйича таҳсил олиб, келгуси фаолиятлари учун зарур билим ва кўникмаларни эгаллашмоқда.

Академияда юриспруденция йўналишига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки қонун устуворлигини таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муносабатларида ижтимоий адолатни қарор топтиришда ҳуқуқшуносларнинг ўрни беқиёс. Шу боис бўлажак мутахассисларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Суд жараёнларини моделлаштириш учун махсус суд зали ташкил этилган. Талабалар бу ерда суд муҳокамаси босқичлари, процессуал қоидалар, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда далиллар билан ишлашни ўрганадилар. Бундай машғулотлар ҳуқуқий ҳолатларни таҳлил қилиш, мустақил хулоса чиқариш ва ўз нуқтаи назарини асослаш кўникмаларини ривожлантиради. Зеро, ҳуқуқшунос қонунни пухта билиш билан бир қаторда, уни ҳар қандай вазиятда тўғри қўллай олиши шарт.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги йўналишлари ҳам долзарб аҳамиятга эга. Иш жойларидаги хавф-хатарларни камайтириш, касбий таваккалчиликларни баҳолаш ва бахтсиз ҳодисалар олдини олишга қодир мутахассислар тайёрлаш саноат, қурилиш ва ишлаб чиқариш тармоқларидаги барқарор фаолиятнинг муҳим шартидир.

Шунингдек, академияда инсон ресурсларини бошқариш, ижтимоий иш, менежмент, психология, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёт, метрология ва стандартлаштириш йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бу илм масканимиз меҳнат муносабатларидан тортиб иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларигача бўлган эҳтиёжларни қамраб олишга интилаётганини кўрсатади.

Муассаса тарихидаги муҳим воқеалардан бири илк битирувчиларга давлат намунасидаги дипломларни тантанали топшириш маросими бўлди. Юриспруденция, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, психология йўналишларини тамомлаган 71 нафар битирувчига диплом билан бирга мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинганини тасдиқловчи сертификатлар берилди. Бу таълимнинг меҳнат бозори билан узвий боғлангани ва касбий тайёргарликнинг амалий аҳамиятини кўрсатади. Бунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг тармоқ ва ҳудудий кенгашлари кўмаги, академия ҳамкор ташкилотлар билан йўлга қўйган алоқалар муҳим ўрин тутди. Талабаларнинг ўқиш давридаёқ соҳа ташкилотлари фаолияти билан танишишлари, назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлашлари уларнинг касбий тайёргарлигини оширишга хизмат қилади.

Таълим сифати, аввало, устозларнинг салоҳияти билан белгиланади. Ҳозир академияда фаолият юритаётган 51 нафар профессор-ўқитувчининг 30 нафари илмий даражага эга. Педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш, илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш ва илғор тажрибаларни ўқув жараёнига татбиқ этиш мақсадида малака ошириш курслари, семинарлар ва илмий-амалий тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда.



Талабаларнинг жўяли фикр-мулоҳазалари ва эзгу ташаббуслари якдиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. «Ректор ва ёшлар» учрашувлари раҳбарият ва талабалар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, долзарб масалаларни биргаликда муҳокама қилиш имконини бермоқда.

Академия 870 ўринли ўқув биноси, 300 ўринли талабалар тураржойи, ёзги ва қишки спорт мажмуалари, 200 кишига мўлжалланган тадбирлар залига эга. Замонавий технологиялар ва Wi-Fi тармоғи билан жиҳозланган аудиториялар, кутубхона, ётоқхонадаги ўқув ва дам олиш хоналари талабаларнинг таълим олишлари ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун хизмат қилмоқда.







Баркамол авлод тарбияси аудиториядаги машғулотлар билангина чекланмайди. Биз шуни назарда тутиб, таниқли адиблар, олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, соҳа мутахассислари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ва маърифий тадбирлар ўтказяпмиз. Музей ва маънавият-маърифат масканларига сафарлар уюштиряпмиз. Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларидаги тарихий масканларга академия ҳисобидан ташкил этиладиган саёҳатларда ўғил-қизларимиз маданий меросимиз билан яқиндан танишмоқда.

Талабаларнинг жисмоний салоҳиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Натижада академия жамоаси «Coca-Cola Students Cup» мусобақасида Тошкент давлат юридик университети жамоасини 3:1, MDIS Tashkent жамоасини 4:0 ҳисобида мағлуб этди. Иккинчи босқичда Москва пўлат ва темир қотишмалари институти жамоасидан 1:0 ҳисобида устун келди. Бу натижалар уларнинг маҳорати, интизоми ва жамоавий ҳамжиҳатлигини намоён қилди.

Замонавий таълим равнақини халқаро ҳамкорликсиз тасаввур этиш қийин. Хорижий олий таълим муассасалари билан тажрибалар алмашиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш ўқув сифатини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам академия ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Сайфулло Аҳмедов бошчилигидаги делегациянинг Хитойга ташрифи доирасида China University of Labor Relations билан келишувга эришилди. Тожикистон халқаро туризм ва тадбиркорлик университети билан ҳамкорлик меморандуми имзоланиши эса қўшма тадқиқотлар, тажриба алмашинуви ва академик алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратди.

Корея Республикасининг Сежонг университети билан «Олий таълим ва илмий тадқиқотларда сунъий интеллект воситалари ва технологияларини қўллаш» мавзусида касбий ривожланиш семинари ташкил этилди. Университет профессори Отабек Жўраев олиб борган машғулотлар таълим ва илмий тадқиқотларда янги технологиялардан самарали фойдаланишга, профессор-ўқитувчиларнинг замонавий билим ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилди.

Сирасини айтганда, академиянинг беш йиллик фаолияти таълим сифати, амалий тайёргарлик, талабалар манфаатлари, замонавий инфратузилма ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги изланишлар билан аҳамиятлидир. Илк битирувчиларнинг иш билан тўлиқ таъминлангани, таълимнинг амалиёт билан боғлангани ва устозлар салоҳияти эришилаётган ютуқларнинг асосий кўрсаткичидир.

Нигора ҲАЙИТАЛИЕВА,
Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси матбуот котиби



БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ – ЭНГ КАТТА БАХТ!



Ўлмас МЎМИНОВ,
Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти директорининг Халқаро алоқалар ва инновациялар бўйича ўринбосари



Болалик инсон умрининг энг беғубор, энг ёрқин ва унутилмас давридир. У вақтдаги қувончли дамлар, тенгқурлар даврасида ўтган кунлар, янги билим ва кўникмаларни эгаллаш, эзгу орзулар сари ташланган илк қадамлар хотирамизда бир умр сақланиб қолади. Айниқса, ёзги таътил кунларини энтикиб эслаймиз.

Бугунги асосий вазифамиз эса фарзандларимиз ҳақида қайғуриш ва уларнинг болалиги бахтли онларга бой бўлишини таъминлашдир. Уларнинг вақтини мазмунли ва мароқли, энг муҳими, хавфсиз ўтказиш фақат ота-оналар ёки таълим муассасаларининг эмас, барча давлат ва жамоат ташкилотларининг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Жорий йилдаги ёзги соғломлаштириш якунлари эса болалар саломатлиги, уларнинг мазмунли дам олиши ва ҳар томонлама камол топиши йўлида олиб борилаётган ишларнинг кўлами тобора кенгайиб бораётганини кўрсатди.

Мавсумнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда нафақат соғломлаштирилган болалар сони ва оромгоҳлар қамровига, балки дам олиш жараёнининг мазмунига, хавфсизликка, замонавий ёндашувларга, интеллектуал ва ижодий ривожланишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, оромгоҳлар тармоғининг кенгайиши ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишларга эътибор қаратайлик. Вазирлар Маҳкамасининг бултур 17 майдаги қарорига мувофиқ, 7 та оромгоҳ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига мулк ҳуқуқи асосида бепул ўтказилди. Ушбу оромгоҳларга янги номлар берилиб, уларнинг самарали фаолият юритишини ташкил этиш учун раҳбарлар тайинланди. Натижада Федерация тизимидаги оромгоҳлар сони 115 тага етди. Мавсумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 77 та оромгоҳда жорий таъмирлаш ишлари бажарилиб, 84 тасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Бу, албатта, болалар учун янгиланган ётоқхоналар, қулай дам олиш масканлари, зарур жиҳозлар, соғломлаштириш ва маданий-маърифий тадбирлар учун яратилган шароитлар мавжудлигини кўрсатади. Зеро, оромгоҳ болаларнинг ҳам вақтини мароқли ўтказадиган, ҳам саломатлиги тикланадиган, дунёқараши кенгаядиган, мустақил фикрлаш ва жамоа билан ишлаш кўникмалари шаклланадиган маскан бўлиши керак. Бу йилги ёзги мавсум 1 июндан бошланиб, мамлакат бўйлаб жами 1 423 та оромгоҳ фаолият кўрсатди. Уларда 331 023 нафар бола соғломлаштирилди. Бу борада белгиланган режа 105 фоизга бажарилгани ташкилотчиларнинг саъй-ҳаракатлари самараси ҳисобланади. 181 та стационар оромгоҳда 166 641 нафар, 1 242 та кундузги оромгоҳда 164 382 нафар ўғил-қиз дам олди. Стационар оромгоҳлардаги соғломлаштириш режаси 106 фоизга бажарилди. Бевосита Федерация тизимидаги 84 та стационар оромгоҳда 90 125 нафар фарзандимиз соғломлаштирилиб, режа 110 фоизга адо этилди.

Албатта, болаларнинг оромгоҳларда дам олиши фақат уларнинг сони қанчалик кўплиги билан эмас, аввало, ҳар бири бу даргоҳлардан қандай таассурот, қандай билим ва қандай кайфият билан қайтаётгани билан ҳам қадрлидир.

Яна бир гап. Оромгоҳларда дам олиш имконияти оиланинг моддий шароитига боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Чунки ҳар бир бола, ота-онасининг ижтимоий аҳволидан қатъи назар, соғломлашиш, тенгдошлари билан мулоқот қилиш ва болаликнинг қувончли лаҳзаларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига эга. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, бу йилги мавсумда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун яратилган имкониятлар алоҳида эътирофга лойиқ. Президентимизнинг тегишли қарорига биноан, фуқаролар томонидан харид қилинган 55 349 та оромгоҳ йўлланмаси қийматининг 50 фоизи Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинди. Бу минглаб оилаларнинг молиявий аҳволини енгиллаштириб, фарзандлари ёзги таътилни оромгоҳларда ўтказишига имконият яратди. Шунингдек, Ижтимоий реестрга киритилган оилаларнинг аъло баҳоларга ўқийдиган 34 655 нафар фарзанди Жамғарма маблағлари ҳисобидан оромгоҳларда бепул дам олдирилди. Оилавий болалар уйларининг 1 333 нафар тарбияланувчиси, меҳрибонлик уйларининг 70 нафар тарбияланувчиси ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 6 712 нафар боласи – жами 8 115 нафар ўғил-қиз маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлик хайриялари ҳисобидан бепул соғломлаштирилди.

Шу ўринда бир ҳақиқатни алоҳида эслатишни истардим: баъзан болага кўрсатилган эътибор унинг бутун ҳаётидаги энг катта руҳий таянчга айланиши мумкин. Ўзини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис қилгани, орзу-умидлари қўллаб-қувватлангани боис у эртанги кунга ишонч билан қадам қўяди. Бинобарин, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар учун яратилган бундай имкониятлар шунчаки моддий кўмак эмас, балки меҳр, эътибор ва инсонпарварликнинг ёрқин намунасидир.

Албатта, болалар оромгоҳларида энг муҳим масала – хавфсизлик. 2026 йилги мавсумда айни йўналишда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Мутасадди вазирлик-идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида кеча-ю кундуз фаолият юритувчи тезкор штаблар ташкил этилди. Федерацияда ҳам алоҳида тезкор штаб тузилиб, ота-оналар учун «Ишонч телефони» хизмат кўрсата бошлади. Ҳар бир оромгоҳда тиббиёт, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар ходимларининг доимий навбатчилиги ташкил этилди. Болалар оромгоҳларга боришида ҳам, қайтишида ҳам хавфсизлик масаласи эътибордан четда қолмади. Шунингдек, мавсумни ташкил этишга мутасадди вазирлик ва идоралардан стационар оромгоҳларга 7 мингга яқин ходим, жумладан, 4 мингдан ортиқ педагог ва тарбиячи жалб этилди.

Бу йилги мавсумнинг яна бир муҳим янгилиги – оромгоҳлар фаолиятини рақамлаштириш ва кадрларни танлаш жараёнига замонавий технологиялар жорий этилгани бўлди. Рақамлаштириш ҳаётимизнинг барча соҳаларига жадал кириб келаётган бугунги шароитда болалар оромгоҳлари фаолияти ҳам ушбу жараёндан четда қолмаётгани қувонарли, албатта.

Дарвоқе, «Oromgohlar.uz» электрон ахборот тизими имкониятлари кенгайтирилиб, жорий йилдан эътиборан Федерация тизимидаги оромгоҳларга педагог кадрларни танлаш ва саралаш илк бор мазкур платформа орқали амалга оширилди. Натижада тизимда 10 мингдан ортиқ педагог номзод сифатида онлайн рўйхатдан ўтди. Уларнинг 1 400 нафари сараланиб, ёзги мавсумда оромгоҳларга ишга қабул қилинди. Бу янгилик, бир томондан кадрларни танлаш жараёнида очиқлик ва шаффофликни таъминласа, иккинчи томондан педагоглар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади. Энг муҳими, болалар билан ишлайдиган мутахассисларни танлашда уларнинг малакасига, салоҳияти ва касбий тайёргарлигига эътибор қаратиш имкониятларини кенгайтиради.

Оромгоҳлар фаолиятидаги энг муҳим ўзгаришлардан яна бири дам олишни мазмунан янгилаш, таътилни кўнгилли ўтказаётган болаларни янги билим ва кўникмаларни эгаллашга ҳам йўналтиришдан иборат бўлди. Чунки ҳозирги давр ёшлари фақат томошабин бўлишни эмас, балки нималарнидир яратишни, кашф қилишни, ўз фикрини билдиришни ва қобилиятини намоён этишни истайди. Шу боис Федерация тизимидаги оромгоҳларда «Янги Ўзбекистон» оромгоҳларининг 12 кунлик намунавий дастури асосида 10 мингдан ортиқ тадбир ташкил этилди. Уларнинг 2,7 мингтаси маънавий-маърифий, 1,5 мингга яқини интеллектуал, 2,8 мингтаси маданий, 3 мингтаси эса спорт тадбирларидан иборат бўлди. Ва яна тасарруфдаги оромгоҳларда бу йил илк бор «Караоке», «Лего ва кубик-рубик», «Қум санъати», «Робототехника», «Бисерлик, тўқиш ва зардўзлик», «Кулолчилик», «Китобхонлик», «Медиа» (нотиқлик, блогерлик ва журналистика), «Чет тили» ҳамда «Қўғирчоқ театри» каби замонавий форматдаги 10 та клуб фаолияти йўлга қўйилди. Улар болаларнинг қизиқишларини аниқлаш ва уларга дастлабки кўникмаларни эгаллаш ҳамда келажакда қайси соҳани танлашига ёрдам беради. Жорий йилдан ушбу муассасаларда очилган «Оромгоҳ музейлари»да болалар клублар фаолиятида иштирок этиши жараёнида ясалган ижод намуналари қимматли экспонатлар сифатида сақланмоқда. Фарзандлари учун яратилган бундай шарт-шароитлар ва имкониятлар учун ота-оналар Президентимизга чуқур миннатдорчилик билдиришмоқда.

Болалар соғломлаштириш тизимини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш борасидаги қадамлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Жорий йилнинг 2-9 май кунлари Camp Education International (CEI) халқаро ташкилоти асосчилари Жефри Жеймс Гембл ва Стюарт Колин Жонснинг мамлакатимизга ташрифи доирасида оромгоҳ раҳбарлари ва ходимлари учун қатор ўқув сессиялари ҳамда амалий семинарлар ташкил этилди. Ташриф давомида болалар хавфсизлиги, замонавий соғломлаштириш дастурлари, кадрлар тайёрлаш, инновацион ёндашувлар ва бошқарув сифатини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Энг муҳими, делегация вакиллари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган «Янги Ўзбекистон» оромгоҳларининг 12 кунлик намунавий дастури, компенсация тизими ва яратилган шарт-шароитларни юқори баҳолаб, бу борада илмий иш олиб бориш ва Ўзбекистон тажрибасини бошқа мамлакатларда кенг тарғиб этиш ташаббусини илгари суришди. Бундай ҳамкорлик болалар билан ишлашнинг дунё миқёсидаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва миллий шароитимизга мос равишда жорий этиш орқали соҳа сифатини янада оширишда қўл келади. Қолаверса, келгусида оромгоҳлар фаолиятини ташкил этишда янги ёндашувлар, замонавий дастурлар ва профессионал бошқарув усулларини кенг татбиқ қилиш учун замин яратади.

Хулоса сифатида айтганда, мавсум якунлари бир муҳим ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади: болаларга эътибор уларнинг саломатлиги, хавфсизлиги, маънавий камолоти, интеллектуал салоҳияти ва келажакка муносабати орқали намоён бўлади.

331 минг нафардан ортиқ бола соғломлаштирилгани, ижтимоий ҳимояга муҳтож минглаб оилалар фарзандлари учун бепул имкониятлар яратилгани, янги клублар очилгани, педагоглар танлови рақамлаштирилгани ва халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани – буларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ жараёнлардир. Оромгоҳдан қайтган болаларнинг юзидаги табассум, янги дўстлар орттирганини ҳаяжон билан ҳикоя қилиши, ота-онанинг хотиржамлиги эса ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайдиган энг катта бахтдир!

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

ОЛИМПИЯ ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ



Баҳодир ТОЖИЕВ,
Яккасарой спорт-соғломлаштириш мажмуаси директори

Ҳар бир жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири ёш авлодни соғлом ва одоб-ахлоқли, баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, бунинг учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Шу боис мамлакатимизда бошқа соҳалар сингари спортни ҳам ривожлантириш, ёшларни унга кенг жалб этиш ҳамда иқтидорли спортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг, жумладан, бизнинг Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактабимиз ҳамда Яккасарой спорт-соғломлаштириш мажмуасининг алоҳида ўрни бор.

ОММАВИЙ СПОРТ ТАДБИРЛАРИ

Мактабимизда спортнинг 13 тури бўйича замонавий шароитлар яратилган. Уларда 680 нафардан зиёд иқтидорли болалар ва ўсмирлар мунтазам шуғулланмоқда. Мураббий-ўқитувчиларимиз фидокорона меҳнат қилаётгани, мустаҳкам моддий-техник база яратилгани ҳамда спортчиларни қўллаб-қувватлаш тизими изчил йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Яккасарой спорт-соғломлаштириш мажмуасида оммавий спортни ривожлантириш ниятида турли байрамлар ва муҳим саналарга бағишланган мусобақалар ўтказиш анъанага айланган. Чунончи, 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан кичик ёшдаги ўғил-қизлар ўртасида сузиш ва синхрон сузиш бўйича очиқ чемпионат ташкил этилди. Август ойида Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишлаб, авиация ходимлари ва ёшлар ўртасида ўтказилган шаҳар чемпионатлари соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда янги истеъдодларни кашф этишда муҳим қадам бўлди.

ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ РЕКОРДЛАР

2026 йилнинг шу даврига қадар спортчиларимиз томонидан 15 та олтин, 22 та кумуш ва 9 та бронза – жами 46 та медаль қўлга киритилди. Айниқса, сув спорти турларида улкан зафарларга эришилди. Апрель ойида Дубайда ўтказилган «DIAC – 2026» халқаро чемпионатида Жаҳонгир Марваров 200 ва 800 метрга сузиш баҳсларида иккита олтин медалга сазовор бўлди. Октябрда эса Тошкент ва Остона шаҳарлари мезбонлик қилган Жаҳон кубоги босқичларида таниқли спортчимиз Илья Сибирцев 1500 метрга эркин усулда сузиш бўйича Ўзбекистоннинг янги миллий рекордини ўрнатиб, бронза медаль соҳибига айланди. Анастасия Зелинская эса 1500 метрга сузишда миллий рекордни янгилаб, мамлакатимиз спорт солномасига ўз номини муҳрлади.

Япониянинг Нагоя шаҳрида бўлиб ўтган V ёзги Параосиё ўйинларида ҳамда Таиланддаги Осиё чемпионатида Пара пауэрлифтингчиларимиз мислсиз матонат кўрсатишди. Илҳом Ҳалимов эркаклар ўртасида Осиё чемпионлигини забт этган илк юртдошимиз бўлиши баробарида, Параосиё ўйинларида бронза медалга эга чиқди. Орзугул Ўралова ҳам ҳар икки нуфузли мусобақада совринли ўринларни эгаллаб, юртимиз байроғини халқаро майдонда баланд кўтарди.

> **14 ЁШЛИ ИҚТИДОРЛИ ТАРБИЯЛАНУВЧИМИЗ ДАРЬЯ КОЧНЕВА ЭСА БАДИИЙ СУЗИШ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА 2 ТА ОЛТИН, 3 ТА КУМУШ, 2 ТА БРОНЗА МЕДАЛЬ ОЛИБ, ЧИНАКАМ РЕКОРД ЎРНАТДИ. БУ НАТИЖА ЎЗБЕКИСТОНДА МАЗКУР ЙЎНАЛИШДА ҲАМ ИҚТИДОРЛИ ЁШ СПОРТЧИЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ ЕТИШИБ ЧИҚАЁТГАНИНИ БИЛДИРАДИ.**

ЭШКАК ЭШИШ ВА БАДИИЙ СУЗИШДАГИ ҒАЛАБАЛАР

Байдарка ва каноэда сузиш ҳамда академик эшкак эшиш бўйича терма жамоамиз аъзолари – Артур Гулиев, Владлен Денисов, Шаҳриёр Маҳкамов, Шоҳсанам Шерзодова ва Нурислом Тўхтасиновлар Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олтин ва кумуш медалларни қўлга киритишди.

14 ёшли иқтидорли тарбияланувчимиз Дарья Кочнева эса бадиий сузиш бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида 2 та олтин, 3 та кумуш, 2 та бронза медаль олиб, чинакам рекорд ўрнатди. Бу натижа Ўзбекистонда мазкур йўналишда ҳам иқтидорли ёш спортчиларнинг янги авлоди етишиб чиқаётганини билдиради.

Йилнинг энг нуфузли спорт мусобақаларидан бири, шубҳасиз, Япониянинг Нагоя шаҳрида ўтказилган XX ёзги Осиё ўйинлари бўлди. Унда касаба уюшмалари спортчилари беллашувларга юқори даражада тайёргарлик кўрганликларини яна бир бор намоён этдилар. Жумладан, оғир атлетикада мамлакатимиз фахри саналмиш Акбар Жўраев 110 килограмм вазн тоифасида олтин медаль билан тақдирланди. У даст кўтаришда 197 килограммлик натижага эришиб, Жаҳон ҳамда Осиё ўйинлари рекордларини янгилади. Шунингдек, силтаб кўтариш ва иккикураш натижалари бўйича ҳам Осиё ўйинларининг рекордини ўрнатди. Суҳроб Хўжаев эса енгил атлетиканинг босқон улоқтириш баҳсларида 74,38 метр кўрсаткич билан шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Умумий ҳисобда, Осиё ўйинларидан спортчиларимиз 21 та совриндан олиб қайтишди.

КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР

Бу йилги ушбу улкан ютуқларга спортчиларимизнинг тинимсиз интилишлари, мураббий-ларимизнинг кеча-ю кундуз қилган меҳнатлари ҳамда давлатимиз ва касаба уюшмалари Федерацияси томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик эвазига эришилди. Биз бундан буён ҳам иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, миллий терма жамоалар учун муносиб захира яратиш ва халқаро майдонларда Ўзбекистон байроғини доимо баланд кўтариш йўлида бор куч-ғайратимиз билан меҳнат қилишда давом этамиз. Ишонамизки, келгусида спортчиларимизни янада улкан ғалабалар, янги рекордлар ва зафарли марралар кутмоқда.



Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)



МЕҲМОН КЕЛАР ЭШИКДАН...

Тошкент шаҳрида жойлашган ва касаба уюшмалари тизимида ўз ўрнига эга бўлган «Саёҳат-Сари» меҳмонхонаси кўп йиллик тарихга эга масканди. У тизим фаоллари ва аъзоларига хизмат кўрсатиш билан бирга, мамлакатимиз бўйлаб саёҳатга отланган минглаб ҳамюртларимизни ва чет элликларни ҳам кутиб олмоқда.

Меҳмонхона тарихи 1969 йилдан бошланади. Ўшанда «Саёҳат» номи билан фойдаланишга топширилган. 1996 йилда бинонинг бир қисми Ўзбекистон касаба уюшмалари тасарруфида қолган ва тизим фаоллари пойтахтдаги ўқув муассасаларида малака ошириш даврида яшаши учун хизмат қила бошлаган. Шу-шу «Саёҳат-Сари» номи билан фаолиятини давом эттирган.

Ўтган йили касаба уюшмаларидан 1300 нафардан ортиқ кишини қабул қилган бўлсак, жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида Федерациянинг Малака ошириш институтининг 450 нафардан зиёд тингловчисига хизмат кўрсатдик. Энг муҳими, сўнгги уч йил давомида яшаш нархларини оширмадик.

Жамоамиз мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида ўтган йили барча ҳудудлардан келган 11 минг нафардан зиёд фуқарога хизмат кўрсатилди. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига бу кўрсаткич 10 мингдан ошди. Меҳмонларнинг Ислом цивилизацияси маркази, Ғалаба боғи, Зангиота зиёратгоҳи, Янги Ўзбекистон боғи каби диққатга сазовор масканларга саёҳатларини ташкил этяпмиз.

Бу рақамлар масканимизнинг ички туризмни оммалаштириш, ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва аҳоли учун қулай саёҳат шароитларини яратишга қўшаётган ҳиссасини ҳам ифодалайди.

Хизматлар қамровини кенгайтириш мақсадида қатор маҳаллий ҳамда халқаро туристик платформалар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бу янги мижозларни жалб қилишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, онлайн платформаларда қолдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар мунтазам ўрганилиб, талаб ва истакларга тезкор муносабат билдиришга эътибор қаратмоқдамиз.

Меҳмонхонамизга келувчиларнинг асосий қисмини МДҲ мамлакатлари ҳамда Шарқ ўлкалари фуқаролари ташкил этмоқда.



Бу халқаро туристик макондаги иштирокимизни кенгайтириш учун имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Турган гап, ҳар қандай муассасанинг муваффақияти замирида яратилган шароит, раҳбариятнинг эътибори ва жамоанинг аҳиллиги мужассамлашган бўлади. Бу омиллар бизнинг фаолиятимизда ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбариятининг доимий қўллаб-қувватлови натижасида сўнгги ўн йилда икки марта капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада шароитлар яхшиланиб, хоналар замонавий талабларга мувофиқлаштирилди.

Жамоанинг яна бир ўзига хос жиҳати кўп миллатли эканидир. Бу ерда ўзбеклар билан бир қаторда, тожик, рус, қозоқ, татар ва бошқа миллат вакиллари ўзаро аҳиллликда ишлашмоқда. Барчасини умумий мақсад – ўз касбига садоқат ва сифатли хизмат кўрсатиш масъулияти бирлаштирган.

Хизматлар сифати, энг аввало, ходимларнинг муомала маданияти ва ўз ишига бўлган масъулияти билан белгиланади. Шу боис жамоадошларимизнинг билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Улар малака ошириш курслари, бошқа ихтисослашган муассасалар ҳамда Федерациянинг Малака ошириш институтидаги ўқув машғулотларида мунтазам иштирок этадилар. Шунингдек, «Устоз – шогирд» анъанаси асосида тажрибали ходимлар ўз билим ва кўникмаларини ёш мутахассисларга ўргатадилар.



Ботир ХЎЖАЕВ,
«Саёҳат-Сари» меҳмонхонаси директори

Келгусида меҳмонлар оқимини кўпайтириш, номерлар фондини сақлаш билан боғлиқ харажатларни мақбуллаштиришни ҳамда мамлакатимизда ва бошқа давлатлардаги туристик фирмалар билан ҳамкорликни кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Шунингдек, бизнесдаги замонавий тенденциялар, янги хизмат кўрсатиш усуллари ва илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу хизматлар сифати ва мижозлар ишончини ошириш, рақобатбардошликни кучайтиришга хизмат қилади, албатта.

Ҳа, узоқ тарихга эга масканимиз бугун замон талаблари асосида фаолият юритмоқда. Бу жараёнда касаба уюшмалари аъзоларига хизмат қилиш, қулай шароит яратиш, ходимлар учун муносиб меҳнат муҳитини таъминлаш ва замонавий талабларга монанд ривожланиш каби устувор йўналишлар уйғунлашган.

«Саёҳат-Сари» учун ҳар бир меҳмон ҳурмат ва эътиборга лойиқ. Ана шу тамойилга таянган ҳолда, кўп йиллик анъаналарни асраб-авайлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш ва мамлакатимизнинг туризм соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.



Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

УМИД ҚЎНҒИРОҚЛАРИ

ҳеч қачон беэътибор қолмайди



Ҳаётда шундай пайтлар бўладики, инсон муаммоларига ечим тополмагач, унга барча эшиклар ёпилиб қолгандай туюлади. Айниқса, касалликка учраган, боқувчисини йўқотган ёки ишсиз аёллар бундай синовларга бошқалардан кўра кўпроқ дуч келишади. Тан олиш керак, мамлакатимизда кўплаб жабҳаларда ижобий ўзгаришлар ва янгиликлар бўлаётганига қарамай, уйи йўқлиги туфайли сарсон-саргардон бўлиб юрган, фарзанди учун алимент ундиролмай овора бўлаётган ёки оилавий нотинчлик ва тушунмовчиликлар гирдобида қолган опа-сингилларимиз ҳам учраб туради. Биз, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошида фаолият юритувчи 1211 рақамли «Ишонч телефони» жамоаси ўша юртдошларимиз дардини тинглаб, уларнинг руҳий тушкунликни енгишларига қўмаклашиш, муаммоларига ечим топишга интиляпмиз. Меҳнатларимиз самараси ўлароқ, мурожаатчилар ҳаётида ижобий ўзгаришлар рўй бераётганига гувоҳ бўлиб, улардан миннатдорчилик сўзларини эшитяпмиз.
Келинг, энди якунига етиб бораётган йилда бажарилган ишларимизни бир сарҳисоб қилайлик.



Бугунги кунга қадар республикамиз бўйича жами **215 785 та** мурожаат келиб тушди. Уларнинг асосий қисмини ижтимоий **(35,5 фоизи)**, уй-жой **(15,2 фоизи)**, ҳуқуқий ёрдам **(13,8 фоизи)**, бандлик **(7,7 фоизи)** ва алимент муаммолари **(6,8 фоизи)** ташкил этади. Қолганлари эса оилавий муносабатлар, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, тадбиркорлик, кредит, таълим ҳамда ер ажратиш каби йўналишларга тўғри келади.

Мурожаатларнинг қарийб ярми **(49 фоизи)** ижро учун бевосита вазирлик ва идораларга юборилди. Асосий қисми, яъни **55** фоиздан ортиғи тўртта йирик ташкилот – Пенсия жамғармаси, Мажбурий ижро бюроси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги фаолияти соҳасига тааллуқлидир. Энг муҳими, умид билан қилинаётган қўнғироқлар ва опа-сингилларимизнинг муаммолари эътиборсиз қолмаяпти. Вазирлик ва идоралар, маҳалла ҳамда ҳомийлик ташкилотлари бир ёқадан бош чиқариб, ҳар бир аёлнинг мурожаатини чуқур ўрганган ҳолда, уларга ижобий ечим топишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳудудлар кесимида аризаларнинг ярмидан кўпи **(55,8 фоизи)** Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларига тегишлидир. Мавжуд мурожаатларнинг **99,6 фоизи (214 мингдан ортиғи)** ижроси тўлиқ таъминланди. Хусусан, уларнинг ярмидан кўпи ижобий ҳал этилиб, учдан бири бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди, қолган қисми эса қонуний асосларга кўра рад этилди ёки кўриб чиқиш жараёни давом этмоқда.

ЁРДАМ УЧУН УЗАТИЛГАН ҚЎЛ

Баъзида биргина қўнғироқ инсон тақдирини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Буни қуйидаги ҳаётий мисоллар ҳам яққол исботлайди.

Фарғона вилояти, Олтиариқ туманининг «Қизилтепа» маҳалласида яшовчи Озода Толибжонова оғир шароитга тушиб қолгач, «1211» қисқа рақамига мурожаат қилди. Унинг сўзларига кўра, бир ҳовлида бешта оила истиқомат қилиши ва уйдаги ноқулайликлар туфайли ҳар хил низолар келиб чиққан. Ўзи эса соғлиғидаги муаммолар сабабли ишлай олмаган, янги бошпана сотиб олишга имконияти йўқлигидан боши берк кўчага кириб қолган. Туман ҳокимлиги ва маҳалла фуқаролар йиғинига қилган мурожаатлари натижа бермагач, «Ишонч телефони» нажот қалъасига айланган. Унинг мурожаати зудлик билан ўрганилиб, яшаётган уйи маҳалла ҳомийлари томонидан ажратилган 50 миллион сўмлик маблағ эвазига тўлиқ таъмирлаб берилди ва бамайлихотир яшаш учун шароит яратилди.

Шинам ва қулай муҳит инсоннинг кайфиятини кўтариб, келажакка бўлган ишончини орттиради. Бугун кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик туфайли Озода Толибжонованинг дунёқараши ўзгариб, ўзи давлат ва жамият ҳимоясида эканини ҳис қилмоқда.

Андижонлик мурожаатчи Дилшодахон Орипова собиқ турмуш ўртоғи Муроджон Ғозиевдан фарзандининг таъминоти учун алимент пулларини ундира олмаётганини, мажбурий ижро бюроси ходимлари эса бу масалага лоқайдлик билан қарашаётганини айтди. Биз Хўжаобод тумани масъуллари билан боғланиб, вазиятни тушунтирдик. Натижада қарздор отага нисбатан қонуний чора кўрилиб, у жиноий жавобгарликка тортилди. Мажбурий ижро бюроси ҳузуридаги «Алимент тўловлари» жамғармаси ҳисобидан 48 миллион 176 минг сўмлик алимент қарздорлиги тўлиқ ундириб берилиб, Дилшодахон ва фарзандининг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди.

Амалга оширилган ишларга назар ташласак, инсон қадрини улуғлаш ва фуқароларнинг уй-жой билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, ўтаётган йилдаги энг муҳим кўрсаткичлар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

– **21 874** нафар фуқарога уй-жой қуриш, сотиб олиш ва таъмирлаш масалаларида амалий ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди;

– **1 987** нафар эҳтиёжманднинг яшаш шароити оғир бўлган хонадони таъмирлаб берилди;

– **127** нафар фуқаро замонавий ва ижтимоий уй-жойларга кўчирилди;

– **2 397** та хонадоннинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик сув таъминоти ҳамда кўп қаватли уйлардаги коммунал муаммолари бартараф этилди;

– **15 824** нафар юртдошимизнинг бандлиги таъминланиб, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имтиёзли кредитлар ва зарур асбоб-ускуналар ажратилди;

– **31 572** нафарининг кам таъминланганлиги учун 6 ойлик ва 1 марталик моддий ёрдам ажратиш, фарзандларига 2-18 ёшгача нафақа белгилаш, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар»га киритиш ва бошқа ижтимоий-маиший масалалари ҳал этилди;

– **3 038** нафари тиббий муассасаларда стационар даволантирилди, 3 242 нафари амбулатор даволанди ва дори-дармон билан таъминланди, 78 нафарининг жарроҳлик амалиёти харажатлари тўлаб берилди;

– **13 183** нафарига алимент ундириб берилди;

– **3 357** нафарига кредит ажратиш бўйича ҳуқуқий, 505 нафарига турмуш шароитини яхшилаш учун кредит ажратилишида амалий ёрдам берилди;

– **16 360** нафарининг муаммолари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари томонидан ҳал этилди, яъни ишга қайта тикланди, ҳимоя ордери берилди ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди;

– **1 318** нафари оиласи билан яраштирилди, 6 344 нафарига оилавий масалаларда ҳуқуқий ёрдам берилди;

– **1 372** нафарига ер ажратиш бўйича ҳуқуқий ёрдам берилди, 38 нафарига такрорий экин экиш мақсадида 416,7 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари ажратилди;



Улуғбек ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси «Ишонч телефони»га келган мурожаатлар билан ишлаш бўлими мудири

– **13 726** нафарининг оилаларига озиқ-овқат маҳсулотлари ва моддий ёрдамлар ажратилди;

– **7 839** нафарининг таълим ва бошқа йўналишлардаги мурожаатлари ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, ушбу саъй-ҳаракатлар доирасида минглаб аёлларни қийнаб келаётган алимент ундириш, ижтимоий нафақалар тайинлаш, тиббиёт муассасаларида даволаниш ва дори-дармон билан таъминланиш бўйича мурожаатлар ҳам ижобий ечим топди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Ishonch» ва «Ishonch - Доверие» газеталарида ва унинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида мурожаатлар билан боғлиқ 220 дан ортиқ ижобий ва танқидий мақолалар чоп этилди.

Бунда прокуратура идоралари билан ҳамкорликда жойларда хотин-қизларни қийнаётган масалаларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

ИШОНЧ ВА ИРОДАНИ ЙЎҚОТМАНГ!

Ҳаёт синовлардан иборат. Аммо давлатимиз кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни ёлғиз ташлаб қўймаяпти. Аввало, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, қолаверса, ҳар бир давлат идорасида ташкил этилган қисқа рақамли «ишонч телефонлари» орқали фуқароларнинг дарди тингланиб, муаммоларига тизимли ечим топилмоқда. Халқимизнинг азал-азалдан шаклланган – ўзгаларнинг оғир кунида камарбаста бўлишдек гўзал фазилати бугун том маънода давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Жамоамиз ҳам сўнган умидларни тиклашга, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга бел боғлаб, бу эзгу ишга озми-кўпми, ҳисса қўшаётгани бизга мамнуният бағишлайди. Модомики шундай экан, азиз опа-сингилларимизга айтадиган сўзимиз шу: қийинчиликлардан қўрқиб, тушкунликка берилманг, иродангизни йўқотманг! Чунки сизни эшитадиган, қўлингиздан тутадиганлар бор. Ҳамиша кўмакка ҳозиру нозир 1211 рақамли «Ишонч телефони» эса доимо сизга «Лаббай» деб жавоб беради.

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

10.11.2026 // № 134-139 (5359)

ҒАЙРАТИНГ ҚАНОТИНГДИР

«Kasaba Sayr» юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда





Тўлқин ХИДИРОВ,
«Kasaba Sayr» МЧЖ директори

Бугун тарихий шаҳарларимиз ва миллий маданиятимиз билан танишишни орзу қилган хорижликлар кескин кўпайди. Бу мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси, албатта.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясидаги «Kasaba Sayr» МЧЖ ҳам юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг намоён этиш, шу билан бирга, меҳнаткашлар учун мароқли ҳордиқ чиқариш имкониятларини яратишга ҳисса қўшиб келмоқда.

2013 йилда иш бошлаган корхонамиз ўтган давр мобайнида фаолиятини кенгайтириб, хизмат кўрсатиш имкониятларини янада оширди. Жумладан, сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида иккита 50 ўринли «Yutong» автобуси ҳамда 17 ўринли микроавтобус харид қилди.

Жорий йил бошидан буён таълим, тиббиёт, алоқа, банк, ишлаб чиқариш, транспорт, савдо, хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларининг 300 дан ортиқ ташкилотида меҳнат қилаётган 7 500 нафардан зиёд ходим саёҳатга олиб борилди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Термиз каби тарихий шаҳарларга уюштирилган зиёратлар қамрови беш йил аввалгига нисбатан бир ярим бараварга кўпайди.

Мамлакатимизда тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш ва уни замонавий воситалар орқали тарғиб этишга устувор аҳамият берилмоқда. Натижада, Тошкент шаҳридаги Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуаси ҳам зиёратчилар ва сайёҳлар учун янада жозибадор қадамжоларга айланди. Шу боис корхона меҳнат жамоалари учун ушбу масканларга сафарлар уюштириб, юртдошларимизни ўтмишимиз ва маънавий қадриятларимиз билан яқиндан



таништирмоқда. Хорижлик сайёҳларни мамлакатимизга жалб қилиш мақсадида Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон касаба уюшмалари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамламоқда. Келишувларга кўра, келгуси йилда саёҳатчилар сонини 2 минг нафарга етказиш кўзда тутилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатлар билан дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган изчил сиёсати натижасида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги алоқалар янги босқичга кўтарилмоқда.

Мамлакатимизда ташқи туризмга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётгани ва саёҳатлар географиясини кенгайтириш ҳақида бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларидан келиб тушаётган таклифларга мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 2025 йили барпо этилган Иссиққўлдаги «BO'STON RESORT» дам олиш масканига жорий йилда 1000 нафардан ортиқ касаба уюшмаси вакиллари ва уларнинг оила аъзолари саёҳатга юборилди.

Бу ташаббус ўша масканга борувчиларга гўзал табиат қўйнида мароқли дам олиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва янги таассуротларга эга бўлиш имконини беришдан ташқари, оилавий дам олиш маданиятини ривожлантиришда ҳам қўл келади.

Қолаверса, асрлар оша дўстлик ва биродарлик ришталари билан боғланган ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги алоқалар ривожланишига муносиб ҳисса қўшади. Умуман олганда эса саёҳат инсон саломатлиги ва меҳнат самарадорлигининг муҳим омили, халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва тараққиётнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Янги йил, Наврўз, Ҳайит ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг ҳудудий кенгашлари томонидан мамлакатимизнинг турли шаҳар-қишлоқларидаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва Истиқлол йилларида қад ростлаган иншоотларга сафарлар ташкиллаштирилди.

Корхона хизматларининг яна бир афзаллиги саёҳат дастури бўюртмачилар истакларига қараб шакллантирилишидир. Улар сафар давомидаги нонушта, тушлик ва кечки овқат менюсини белгилашда иштирок этадилар. Бундай ёндашув ҳар бир жамоанинг эҳтиёжи ва хоҳиши инобатга олинишига хизмат қилади. Айниқса, ходимлар саёҳатини режалаштираётган бошланғич касаба уюшма ташкилотларига қулайлик яратади. Шу боис ҳар мавсумда турли йўналишларда сафарлар амалга оширилмоқда.

Саёҳат инсонга янги манзилларни кашф этиш, билим ва таассуротларини бойитиш, турли ҳудудлар ҳаёти билан яқиндан танишиш имконини беради. Ундан ёрқин хотиралар билан қайтган ходим янги куч-ғайрат билан ишга киришади. Бу меҳнат жамоасидаги ижобий муҳит ва ташкилот фаолияти ривожига туртки бўлади. Меҳнаткашлар учун муносиб дам олиш ва мазмунли саёҳатлар ташкил этиш борасидаги «Kasaba Sayr» ташаббуслари ана шундай эзгу мақсадларга йўналтирилмоқда.



Ishonch
Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Saytimiz manzili: ishonch.uz
Facebook: https://www.facebook.com/ishonchgzt/
Telegram: https://t.me/ishonchgz
E-mail: ishonch1991@yandex.uz



Ўзбек матбуотида ўз ўрни, овози ва қатъий позициясига эга бўлган нашрлардан бири – «Ishonch». Бу газетанинг илк сони мамлакатимиз мустақилликка эришиши арафасида, яъни 1991 йил 21 март куни чоп этилган. Рамзий маънода Наврўз айёми куни «таваллуд топган» нашр Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигида ташкил этилган эди.

«ISHONCH»ГА ИШОНЧ БОР!

Газетанинг биринчи бош муҳаррири таниқли журналист Тўлқин Қозоқбоев бўлган. Илк кунларданоқ нашр меҳнаткашлар, турли соҳа вакиллари ва оддий фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйди. Газетанинг номи «Ishonch» тасодифан танланмаган: у жамият ва халқ ўртасидаги мустаҳкам ҳамда ишончли мулоқот майдонини англатади.

А2 форматида, ўзбек ва рус тилларида чоп этиб келинаётган газета йиллар давомида мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маърифий ислоҳотларни фаол ёритиб келяпти. Шунингдек, долзарб мавзуларда кўплаб танқидий, таҳлилий ва мулоҳазали мақолалар, журналистик суриштирувлар ҳам эълон қиляпти. Натижада жамиятда кузатилган ижтимоий муаммолар, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши ва маиший масалалар ўз ечимини топмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси маълумотига кўра, «Ishonch» газетаси – мамлакатдаги энг кўп сўраладиган, энг кўп ўқиладиган нашрлардан бири. Бундан ҳар қанча фахрланса арзийди. Аммо бундай юксак натижага эришишнинг ўзи бўлмайди.

Йиллар давомида газета нафақат мазмунан, балки ташқи кўриниши, дизайни ва чоп этилиш сифати бўйича ҳам замон талабларига мослашиб борди. 2018 йилдан барча саҳифалар тўлиқ рангли шаклда чоп этила бошланди.

ҲАР ЖИҲАТДАН ЎЗГАРГАН «ISHONCH» 2019 ЙИЛ 3 МАЙ – ХАЛҚАРО МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ КУНИДА МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭНГ НУФУЗЛИ МЕДИА ТАНЛОВЛАРДАН БИРИ БЎЛМИШ «ОЛТИН ҚАЛАМ» МИЛЛИЙ МУКОФОТИНИНГ МАТБУОТ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҒОЛИБИ ДЕБ ТОПИЛДИ.

Бугун замонавий медиа-макон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бу жараённи яхши ҳис қилган таҳририят жамоаси фақат босма нашр билан чекланиб қолмади. 2021 йилда интернет тармоғида Ishonch.uz ахборот-таҳлилий интернет портали ишга туширилди. Қисқа фурсатда кенг жамоатчилик эътиборига тушган сайт бугунги кунда 100 мингга яқин доимий фойдаланувчига эга. Ishonch.uz портали ўз аудиториясига тезкор янгиликлар билан бирга эксклюзив интервьюлар, ижтимоий таҳлиллар ва журналистик суриштирувларни тақдим этиб бормоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас...

Таҳририятда замонавий «Медиамарказ» ҳам ташкил қилинган. «Ishonch» бир неча йилдан бери ўз ўқувчилари билан ижтимоий тармоқлар (Telegram, Facebook, Instagram, YouTube) орқали узвий мулоқот ўрнатган.

Ҳа, анъанавий босма журналистика ва замонавий рақамли технологияларнинг уйғунлашуви «Ishonch»ни бугунги кунда мамлакатимиздаги етакчи нашрлардан бирига айлантирди.

Таҳририят жамоаси ўз тарихидаги муҳим босқичларни кенг нишонлаб келади. Масалан, жорий йилнинг апрель ойида газета ташкил этилганининг 35 йиллиги муносабати билан нуфузли халқаро конференция ўтказилди. Унда маҳаллий ва хорижий соҳа мутахассислари, олимлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, замонавий босма ва рақамли матбуотнинг ривожланиш тенденцияларини муҳокама қилишди.



«ISHONCH»НИНГ ЯНА БИР ЎЗИГА ХОС АНЪАНАСИ ШУНДАКИ, ТАҲРИРИЯТ ҲАР ЙИЛИ «ISHONCH КУТУБХОНАСИ» РУКНИ ОСТИДА КИТОБ ЧИҚАРАДИ. УНГА ЙИЛ ДАВОМИДА ГАЗЕТАДА («ISHONCH-ДОВЕРИЕ»ДА ҲАМ) ЧОП ЭТИЛГАН ТУРЛИ ЖАНРДАГИ ТАҲЛИЛИЙ ВА ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАР, ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИҒЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР БИЛАН БИРГА, ЖАМИЯТНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАР ҲАМ АКС ЭТГАН МАТЕРИАЛЛАР КИРИТИЛАДИ. ШУ КУНГАЧА ТЎҚҚИЗТА КИТОБ НАШР ЭТИЛДИ. АЙТИШ МУМКИНКИ, УЛАР НАФАҚАТ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК, ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИ ТАЛАБАЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ УЧУН МУҲИМ МАНБА, БАЛКИ ДАВР СОЛНОМАСИ СИФАТИДА ҲАМ КАТТА ҚИЙМАТГА ЭГА.

Таҳририят учун муштарийларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ҳамиша аҳамиятли ва улар мудом инобатга олинади. Газетхонлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, уларнинг қизиқиш, талаб ва истакларини ўрганиш мақсадида ҳар йили ҳудудларда учрашувлар ўтказиб келинади.

Бугун газетанинг ўқувчига ўз вақтида етиб бориши – оғриқли муаммо! Шу боис таҳририят обуначиларга газеталарни тўғридан-тўғри етказиб беришни тизимли йўлга қўйган. Айни кезларда 35 мингдан ортиқ ададга эга «Ishonch» уч жойда, яъни Тошкент, Марғилон ва Самарқанд шаҳарларида чоп этилмоқда. Натижада газеталарни жойларга етказиб беришдаги харажатлар қисқариши ва вақт тежалишига эришилди.

Ҳаммага маълум бўлган бир ҳақиқат бор. Яъни ҳеч ким ҳеч бир соҳада ўз-ўзидан малакали мутахассис бўлиб қолмайди. Шу маънода таҳририят эшиги талабалар учун ҳамиша очиқ. Ҳар йили 30 нафардан ортиқ талаба амалиёт ўтамоқда. Ўтган йиллар мобайнида 10 нафарга яқин талаба ишга қабул қилинди.

Мавзулар доирасини янада кенгайтириш, газеталарнинг мазмун-мундарижасини янада бойитиш мақсадида таҳририятга чет муаллифлар, журналистлар, илғор фикрли зиёлилар, сиёсатшунослар, адиблар ва публицистлар кенг жалб этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, таҳририят жамоаси ўқувчиларга ҳар жиҳатдан холис хизмат қилишга, СЎЗ айтишга ҳаракат қилмоқда!

Яна бир гап. Мамлакатимиздаги деярли барча ҳамкасбларимиз бизга ҳавас қилишади. Аниқроғи, муассиснинг таҳририятни қўллаб-қувватлашига беш кетишади.

Ҳа, муассиснинг юксак эътибори ва жамоанинг тинимсиз изланишлари туфайли «Ishonch» ҳали кўпдан-кўп ютуқларга эришади, эътирофларга сазовор бўлади.

Бундай дейишга, албатта, ишонч бор!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharriming birinchi o'rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – **(71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot – **(71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – **(71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – **(71) 256-85-43**
Marketing va obuna – **(71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrirlar:
Abdunabi HAYDAROV,
Darmon IBRAGIMOV,
Jahongir NAHANOV,
G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchilar:
Hasan ABDUJALILOV,
Mehriddin SHUKUROV

Bosishga topshirish vaqti – 00:40
Topshirildi – 01:00

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 36 013 ta

Shundan: 6 498 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 324 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – **Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda;**

1000 nusxasi
«Davr maxsimum media» MCHJ bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Olmazor tumani, «Ziyo» MFY, Talabalar ko'chasi, 2-uyda
(maxsus qog'ozda) **chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-3 formatida bosildi.
Hajmi 12 bosma taboq. **Buyurtma 848**

1 2 3 4 5 6